

# Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ф А Р М О Н И

## ҚИШЛОҚ ВА СУВ ХЎЖАЛИГИ ДАВЛАТ БОШҚАРУВИ ТИЗИМИНИ ТУБДАН ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Мамлакатда қишлоқ ва сув хўжалигини ривожлантириш учун зарур иқтисодий ва ташкилий-ҳуқуқий асослар яратиш бўйича кенг кўламли ишлар олиб борилмоқда. Таркибий ўзгаришларни амалга ошириш ва бозор муносабатлари механизмларини жорий қилишда фермер хўжаликлари учун қўшимча шарт-шароитлар яратишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Қишлоқ хўжалиги тармоғининг жадал ривожланиши, ўз навбатида, сув ресурслари истеъмолининг ортиб боришига олиб келади, ушбу ҳолат юзага келаётган чақирув ва хатарларга нисбатан ўз вақтида чоралар кўрилмаган тақдирда, мамлакат озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашга салбий таъсир кўрсатиши мумкин.

Қишлоқ ва сув хўжалиги бошқаруви соҳасида узоқ вақт давомида ҳал этилмасдан келаётган тизимли муаммоларнинг мавжудлиги мазкур ҳолатни янада кучайтирмоқда, жумладан:

**биринчидан**, озиқ-овқат хавфсизлигини ваколатли органлар ўзаро ҳамкорлигининг таъсирчан механизмсиз тарқоқ ҳолда режалаштириш ва таъминлаш қабул қилинаётган қарорлар ҳамда аниқ натижаларга эришиш учун жавобгарликнинг суъайишига олиб келмоқда;

**иккинчидан**, қишлоқ ва сув хўжалигида узоқ муддатли пухта сиёсатнинг шакллантирилмаганлиги сабабли мазкур соҳаларни янада ривожлантиришнинг аниқ йўналишлари белгиланмаган;

**учинчидан**, юзага келаётган муаммолар бўйича тезкор қарорлар қабул қилишда ваколатли органларнинг самарали мувофиқлаштирувчи роли ва ташаббускорлиги мавжуд эмас;

**тўртинчидан**, масъул идоралар томонидан ҳаққоний ахборотни йиғиш, таҳлил қилиш ва алмашиш механизмнинг тўғри йўлга қўйилмаганлиги сабабли ўзларига юклатилган вазифалар самарасиз амалга оширилмоқда;

**бешинчидан**, қишлоқ хўжалиги, озиқ-овқат хавфсизлиги ҳамда сув истеъмоли соҳаларида мустақил назорат мавжуд эмас, бунинг натижасида тармоқларни модернизация қилиш ва техник жиҳозлаш ишларига етарлича эътибор қаратилмаяпти, инновацион технологиялар ва ишланмаларни жорий қилиш даражаси пастлигича қолмоқда.

Қишлоқ хўжалиги, озиқ-овқат хавфсизлиги ва сув истеъмоли соҳаларида ҳақиқий ҳолатни ва ривожланиш истиқболларини чуқур таҳлил қилиш асосида уларни стратегик режалаштириш сиёсати

бўйича таъсирчан ишларни йўлга қўйиш, мазкур йўналишлар бўйича бошқарув тизимини тубдан такомиллаштириш мақсадида, шунингдек, 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида ҳамда Ўзбекистон Республикасида Маъмурий ислохотлар концепциясида белгиланган вазифаларга мувофиқ:

**1.** Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 12 февралдаги “Қишлоқ ва сув хўжалиги давлат бошқаруви тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-5330-сон Фармонида мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги негизида Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ва Сув хўжалиги вазирлиги ташкил этилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

**2.** Қўйидагилар Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг асосий вазифалари ва фаолиятининг йўналишлари этиб белгилансин:

қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат хавфсизлиги соҳасида тармоқни комплекс модернизация қилишга, қишлоқ хўжалигида фан ва техника ютуқларини, ресурсларни тежайдиган замонавий ва интенсив агротехнологияларни, илгор тажрибаларни жорий қилишга йўналтирилган ягона сиёсатни амалга ошириш;

Ўзбекистон Республикаси озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш соҳасида давлат органлари, хўжалик бошқаруви органлари ва бошқа ташкилотлар фаолиятини мувофиқлаштириш;

рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқариш орқали иқтисодиёт тармоқлари экспорт салоҳиятини ошириш, бозор конъюнктураси юзасидан чуқур маркетинг тадқиқотларини ўтказиш, хорижий инвестициялар ва бегараз техник кўмак маблағларини (грантлар) жалб қилиш;

аҳолини йил давомида ва узлуксиз равишда барқарор нархларда таъминлаш учун зарур бўлган ҳажмда қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат маҳсулотлари захирасини шакллантиришни ташкил этиш;

қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини чуқур қайта ишлаш, давлат-хусусий шериклиги механизмларини такомиллаштириш, шунингдек, ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришда тадбиркорлик субъектлари иштирокини рағбатлантиришни таъминлаш;

қишлоқ хўжалигини изчил ва барқарор ривожлантириш, мамлакатнинг озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш, қишлоқ аҳолисининг бандлик даражасини ва даромадларини ошириш, ички бозорда озиқ-овқат маҳсулотлари нархларининг барқарор даражасини сақлаб қолишга йўналтирилган комплекс мақсадли, тармоқ ва ҳудудий дастурларини ишлаб чиқиш;

таълим, фан ва қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини тизимли асосда узвий интеграциялашни, қишлоқ хўжалиги тармоқларининг юқори малакали соҳа мутахассисларига бўлган жорий ва истиқболдаги эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда кадрлар тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишни таъминлаш.

**3. Қуйидагилар Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлигининг асосий вазифа ва фаолияти йўналишлари этиб белгилансин:**

сув ресурсларини бошқариш соҳасида ягона сиёсатни амалга ошириш, шунингдек, сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш, сувларнинг зарарли таъсирининг олдини олиш ва бартараф этиш соҳасида давлат органлари, хўжалик бошқаруви органлари ва бошқа ташкилотлар фаолиятини мувофиқлаштириш;

ҳудудларни ва иқтисодиёт тармоқларини сув ресурслари билан барқарор ҳамда оқилона таъминлаш, ерларнинг мелиоратив ҳолати яхшиланишини ва барқарорлигини таъминлаш бўйича чоралар кўриш;

ирригация ва мелиорация тизимлари, сув омборлари, насос станциялари ҳамда бошқа сув хўжалиги ва гидротехника иншоотларининг ишончли фаолият кўрсатишини таъминлаш, сув хўжалигининг йирик ва ўта муҳим объектлари муҳофаза қилинишини ташкил этиш;

сув ресурсларидан тежамли ва оқилона фойдаланиш учун сувдан фойдаланувчилар ҳамда сув истеъмолчилари масъулиятини ошириш, уларнинг сувдан фойдаланиш маданиятини юксалтириш;

сув хўжалиги соҳасида фан ва техника ютуқлари, замонавий сув тежовчи технологиялар, илғор тажрибалар, сув хўжалигини ва сувдан фойдаланишни бошқариш тизимида инновацион услубларни жорий қилиш;

сув хўжалиги соҳасида мутахассислар малакасини ошириш тизимини ташкил этиш, сув хўжалиги ташкилотлари билан таълим ва илмий муассасалар ўртасидаги интеграцияни кучайтириш, фан ютуқларини амалиётга жорий этиш чораларини кўриш;

трансегаравий сув ресурсларини бошқариш ва улардан фойдаланиш бўйича давлатлараро муносабатларни ривожлантириш, хорижий инвестициялар ва техник кўмак маблағларини (грантлар) жалб қилиш, шунингдек, сув хўжалиги соҳасидаги халқаро ташкилотлар фаолиятида фаол иштирок этиш.

**4. Қуйидагилар:**

агросаноат мажмуи ва озиқ-овқат хавфсизлиги

ҳолати, мазкур соҳада қонун ҳужжатлари ҳамда меъёрий ҳужжатлар талаблари ижроси устидан назоратни амалга ошириш учун масъул бўлган Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Агросаноат мажмуи ва озиқ-овқат хавфсизлиги таъминланиши устидан назорат қилиш инспекцияси (кейинги ўринларда Инспекция деб юритилади);

2018 йил 1 июлдан Қишлоқ хўжалиги корхоналарини таркибий қайта тузиш агентлиги ҳамда Қишлоқ ва сув хўжалигида инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш бўйича марказ негизида лойиҳалар, шу жумладан, инвестиция лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва амалга оширишга кўмаклашиш учун масъул бўлган, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Инвестициялар, инновацион ривожлантириш, эркин иқтисодий ва кичик саноат зоналари фаолиятини мувофиқлаштириш, туризм масалалари комплекси таркибига кирувчи Агросаноат мажмуи ва озиқ-овқат таъминоти соҳасидаги лойиҳаларни амалга ошириш агентлиги (кейинги ўринларда Агентлик) ташкил этилсин.

Агентлик Қишлоқ хўжалиги корхоналарини таркибий қайта тузиш агентлиги ҳамда Қишлоқ ва сув хўжалигида инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш бўйича марказнинг ҳуқуқлари, мажбурият ва шартномалари бўйича ҳуқуқий вориси ҳисобланиши маълумот учун қабул қилинсин.

**5. 2018 йил 1 августдан қуйидагилар:**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат дон инспекцияси;

Машина ва асбоб-ускуналарнинг техник ҳолатини назорат қилиш бош давлат инспекцияси;

Чорвачиликда наслчилик ишлари бош давлат инспекцияси;

“Ўзсувназорат” республика сув инспекцияси;

“Ўздавуруғназоратмарказ” қишлоқ хўжалиги экинлари уруғини сертификациялаш ва сифатини назорат қилиш давлат маркази тугатилсин.

Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги тугатилаётган идора ва муассасалар ходимлари бандлигини таъминлашга кўмаклашсин.

**6. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Инспекция билан биргаликда икки ой муддатда Машина ва асбоб-ускуналарнинг техник ҳолатини назорат қилиш бош давлат инспекциясининг вазифа ҳамда функцияларини қайта тақсимлаш юзасидан Вазирлар Маҳкамасига таклиф киритсин.**

**7. Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги, “Ўзпахтасаноат” АЖ ва “Ўздон-маҳсулот” АКнинг:**

Ғўза уруғчилиги республика маркази ва Бошоқли дон экинлари уруғчилиги республика маркази негизида, уруғликлар, шу жумладан, пахта ва бошоқли дон экинлари уруғларини тайёрлаш ҳамда улардан фойдаланишнинг ягона ва замонавий ти-

зимини шакллантириш учун масъул бўлган Инновацион ривожланиш вазирлиги ҳузуридаги Уруғчиликни ривожлантириш марказини ташкил этиш; уруғлик тайёрлаш бўйича ихтисослаштирилган ташкилотларда уруғлик олиш мақсадида етиштирилган пахта ва бошоқли дон экинларини кейинчалик алоҳида сақлаш шарти билан қайта ишлаш тартибни жорий қилиш тўғрисидаги таклифлари қабул қилинсин.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси “Ўзпахтасаноат” АЖ ва “Ўздонмахсулот” АК билан биргаликда икки ой муддатда уруғлик тайёрлаш бўйича алоҳида ташкилотларнинг, цех ва омборларнинг пахта ҳамда бошоқли дон экинлари уруғлари учун ихтисослаштирилишини, шунингдек, уларни босқичма-босқич Уруғчиликни ривожлантириш марказига бериш бўйича таклифлар киритилишини таъминласин.

Инспекция пахта ва бошоқли дон экинлари уруғлигининг буюртмаси, тайёрланиши, алоҳида қайта ишланиши ва сақланиши бўйича талабларга риоя қилиниши устидан қатъий назоратни таъминласин.

**8.** Қишлоқ ва сув ҳўжалиги вазирлигининг илмий-тадқиқот муассасалари берилган ҳолда, Ўзбекистон қишлоқ ҳўжалиги илмий-ишлаб чиқариш маркази негизда Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Қишлоқ ҳўжалиги ва озик-овқат таъминоти илмий-ишлаб чиқариш маркази ташкил этилсин.

Марказ мамлакатнинг илмий-тадқиқот ва олий таълим муассасалари томонидан аграр фан соҳасида олиб бориладиган илмий тадқиқотларни мувофиқлаштириб бориши белгилаб қўйилсин.

Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги Бош прокуратура, Қишлоқ ҳўжалиги вазирлиги ва Сув ҳўжалиги вазирлиги билан биргаликда уч ой муддатда қишлоқ ва сув ҳўжалиги соҳасидаги илмий-тадқиқот муассасаларининг фаолиятини долзарб йўналишлар бўйича янги ғоя ва ишланмаларни кўриб чиқиш заруратини инобатга олган ҳолда такомиллаштириш юзасидан Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

**9.** Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув ҳўжалиги вазирлигининг моддий-техника базасини ривожлантириш, инновация технологияларини жорий қилиш ва ходимларни рағбатлантириш жамғармаси негизда:

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ҳўжалиги вазирлиги ҳузурида Қишлоқ ҳўжалигини ривожлантириш ва озик-овқат таъминоти жамғармаси;

Ўзбекистон Республикаси Сув ҳўжалиги вазирлиги ҳузурида Сув ҳўжалигини ривожлантириш жамғармаси ташкил этилсин.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси бир ой муддатда ташкил қилинаётган жамғармалар фаолиятини ташкил этиш тартибни тасдиқласин.

**10.** Қишлоқ ва сув ҳўжалиги давлат бошқаруви

тизимда янгидан ташкил этилаётган идора ва муассасалар фаолиятини ташкил этиш бўйича Комиссия иловага мувофиқ таркибда тузилсин.

Комиссия (З.Т.Мирзаев):

тугатилаётган идора ва муассасаларнинг, шу жумладан, Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув ҳўжалиги вазирлигининг мол-мулки ва пул маблағларини оқилона тақсимлаш мақсадида уларни хатловдан ўтказишни;

мазкур Фармонга мувофиқ идора ва муассасаларни тугатиш, шунингдек, янгидан ташкил этилаётган тузилмаларнинг моддий-техника базасини яратиш, улар ишини самарали ташкил этиш учун зарур бўлган компьютер техникаси, алоқа воситалари билан, шу жумладан, тугатилаётган идора ва муассасаларнинг бинолари ва моддий-техника базасини бериш орқали жиҳозлашга доир тадбирларни ташкил қилишни;

янгидан ташкил этилаётган идора ва муассасаларни, уларнинг ҳудудий бўлинмаларини жойлаштириш, шунингдек, улар фаолиятини ташкил этиш билан боғлиқ бошқа масалаларни ҳал этишни;

янгидан ташкил этилаётган идораларни малакали кадрлар билан, шу жумладан, тугатилаётган идоралар ва муассасалар ходимлари ҳисобидан тўлдиришни белгиланган тартибда таъминласин.

**11.** Мазкур Фармонда назарда тутилган идора ва муассасаларни ташкил этиш Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ҳўжалиги вазирлиги, Сув ҳўжалиги вазирлиги ҳамда тугатилаётган идоралар ва муассасалар штат бирликларини мақбуллаштириш ҳисобига амалга оширилиши маълумот учун қабул қилинсин.

**12.** Ўзбекистон Республикасида Маъмурий ислохотлар концепциясини амалга ошириш бўйича Комиссия бир ой муддатда янгидан тузилаётган идоралар ва муассасалар фаолиятини ташкил этиш, шунингдек, уларнинг асосий вазифа, функция ва фаолият йўналишларини белгилаб бериш бўйича қарорлар лойиҳалари киритилишини таъминласин.

**13.** Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ҳўжалиги вазирлиги, Сув ҳўжалиги вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

**14.** Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазир А.Н. Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори О.Б.Муродов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси  
Президенти**

**Ш.МИРЗИЁЕВ**

Тошкент шаҳри,  
2018 йил 17 апрель.

# МАЪМУРИЙ ИСЛОҲОТЛАР – ТАРАҚҚИЁТ ОМИЛИ

Мамлакатимизда барча жабҳаларда бўлгани каби аграр соҳада ҳам изчил ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги фармонига мувофиқ тасдиқланган 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида яқин ва олис истиқболда қишлоқ хўжалигида таркибий ўзгартиришларни чуқурлаштириш ва ишлаб чиқаришни изчил ривожлантириш, мамлакат озиқ-овқат хавфсизлигини янада мустаҳкамлаш, экологик тоза маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кенгайтириш, экспорт салоҳиятини кескин ошириш каби муҳим вазифалар белгилаб берилган. Шунингдек, мамлакатимиз тараққиётининг замонавий босқичида кенг кўламли ислоҳотларнинг муваффақиятли амалга оширилиши ва Ҳаракатлар стратегиясининг мақсадларига эришиш давлат бошқарувининг мутлақо янги, самарали ва сифатли фаолият юритувчи тизimini яратишни, давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларининг уйғун фаолиятини ташкил этишни тақозо этади. Шу мақсадда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 8 сентябрдаги “Ўзбекистон Республикасида маъмурий ислоҳотлар концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги фармонига асосан аграр соҳанинг барча тармоқларида ҳам бошқарувнинг самарали маъмурий тузилмалари жорий этилмоқда.

Бунга эндиликда пиллачилик, балиқчилик, асаларичилик, лимончилик каби кўплаб тармоқларнинг маъмурий-ташкилий тузилмалари шаклланганлигини мисол келтириш мумкин.

Шу билан биргаликда пахта ва бошоқли дон экиладиган майдонларни қисқартириш, бўшаган ерларга картошка, сабзавот, озуқа ва ёғ олинадиган экинларни экиш, янги интенсив боғ ва узумзорларни жойлаштириш ҳисобига экин майдонларини янада мақбуллаштириш, фермер хўжаликлари, энг аввало, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариш билан бир қаторда, қайта ишлаш, тайёрлаш, сақлаш, сотиш ва хизматлар кўрсатиш билан шуғулланаётган кўп тармоқли фермер хўжаликларини рағбатлантириш ва ривожлантириш учун қулай шарт-шароитлар яратишга устувор йўналишлар сифатида қаралмоқда.

Аграр соҳада амалга оширилаётган ислоҳотлар натижалари таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, тармоқда қисқа муддатда кўплаб муҳим ўзгаришлар рўй берди. Бу борада 2017 йилдан буён Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон, қарор ва фармойишлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ҳамда бошқа тегишли эликдан зиёд меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди.

Масалан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 28 февралдаги “Пахта хом ашёси ва бошоқли дон етиштиришни молиялаштириш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қароридан белгиланганидек, жорий йил 1 мартдан бошлаб ишлаб чиқарувчиларнинг рентабеллиги ошишини ва юқори сифатли маҳсулотлар етиштиришни рағбатлантиришни таъминлайдиган навлар ва класслар бўйича пахта хомашёси ва бошоқли дон хариди юзасидан қафолатланган давлат нархларини белгиладиган бўлди. Тупроқ унумдорлиги паст ва охириги 3

йил мобайнида ҳосилдорлик гектарига 15 центнергача бўлган ерларда пахта экилмайди. Ушбу майдонларда озуқа ва мойли экинлар, сабзавот-полиэкинлари экилади, боғ ва узумзорлар барпо этилади.

Мамлакатимиз раҳбарининг 2018 йил 29 мартда қабул қилинган “Ўзбекистон Республикасида мева-сабзавотчиликни жадал ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармонидан эса жорий қишлоқ хўжалиги йилидан бошлаб қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчиларига қишлоқ хўжалиги юмушларини ташкил қилиш учун экиш материали, аванс тўловларини тақдим этувчи ва улардан ишлаб чиқарилган маҳсулотни келишилган нархларда сотиб олувчи қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчилари, тайёрловчи корхоналар, қайта ишловчилар, экспорт қилувчилар ўртасида қафолатланган шартномалар асосида “уруғ-кўчат-маҳсулот етиштириш-тайёрлаш-сақлаш-қайта ишлаш-транспортровка қилиш-бозорга етказиш” тамойили бўйича улуксиз занжирни шакллантиришни кўзда тутовчи мева-сабзавот маҳсулотлари ишлаб чиқаришни ташкил этишнинг кластер усулини кенг жорий этиш чора-тадбирлари белгиланди.

Мамлакатимизда экин ерларидан самарали фойдаланиш, фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгаларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, қишлоқда фуқароларнинг бандлиги ва фаровонлигини ошириш бўйича ҳам тизимли ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, Президентимизнинг 2018 йил 26 апрелдаги “Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари фаолиятини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қароридан бу борадаги муҳим вазифалар белгилаб берилди.

Қарорда белгиланганидек, 2018 йил 1 июлдан борада фермер ва деҳқон хўжаликлари Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгашига мажбурий, томорқа ер эгалари эса ихтиёрий равишда аъзо бўладилар.

Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгашлари қишлоқ хўжалигида шартнома мажбуриятларининг бажарилиши юзасидан мониторинг ҳамда жамоат назоратини амалга оширади.

Юртбошимизнинг 2018 йил 17 апрелдаги “Қишлоқ ва сув хўжалиги давлат бошқаруви тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони қишлоқ хўжалигини жадал ривожлантириш, сув ресурслари истеъмолини тартибга солиш, мамлакат озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашга қаратилган муҳим маъмурий ҳужжат бўлди.

Мазкур фармонда Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳамда Сув хўжалиги вазирлигининг асосий вазифалари ва фаолиятининг йўналишлари аниқ-равшан белгилаб берилди. Мазкур ҳужжатга асосан келгусида вазирликларнинг маъмурий иш юритиш тизими самарадорлиги ортади.

Бир сўз билан айтганда, бугунги кунда мамлакатимизда қишлоқ хўжалиги иқтисодиётнинг ҳар томонлама барқарор ривожланаётган муҳим тармоқларидан бирига айланиб улгурди. Яратилган институционал, меъёрий-ҳуқуқий ҳамда ташкилий-иқтисодий шароитлар келгусида ҳам соҳани янада барқарор ривожлантириш, мамлакат озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлабгина қолмай, экспорт салоҳиятини ҳам оширишга хизмат қилади.

**Т.МУҲАММАД.**

# ИНСОН ҚАДРИ УЛУҒ, ХОТИРАСИ МУҚАДДАС

**Ўтган асрда инсоният бошига турли уқубатлар, қирғинлар келтирган Иккинчи жаҳон уруши — фашизм балоси ўзбек халқининг ҳам минглаб ўғлонлари ҳаётига зомин бўлди, норасида гўдаклар етим, гулдек аёллар бева қолди. Кекса отахону онахонлар юрагига фарзанд доғини жойлади.**

*Халқимизнинг собиқ иттифоқ халқлари қаторида Иккинчи жаҳон урушида қозонилган ғалабага қўшган улкан ҳиссасини алоҳида таъкидлаш жоиз. Агар рақамларга мурожаат қилсак, уруш арафасида республикамизда 6,5 миллионга яқин аҳоли яшаган бўлса, шундан 1,5 миллиони урушда иштирок этган.*

Бу дегани, ёш гўдак ва болаларни, қария ва аёлларни ҳисобга олмаганда, халқимизнинг қирқ фоиздан кўпроғи қўлига қурол олиб жанггоҳларда қатнашган. Мазкур даҳшатли урушда қарийб 500 минг юртдошимиз, яъни урушда қатнашганларнинг 30 фоизи ҳалок бўлган.

Ўша суронли йилларда фронт ортидаги ҳаётга ҳам бир назар ташлайлик. Уруш йиллари юздан ортиқ саноат корхоналари Ўзбекистонга кўчирилган. 1941 йил охиригача шундай корхоналардан 50 таси ишга туширилган. Масалан, Москва вилоятининг Химки шаҳридан кўчириб келтирилган завод асосида 1941 йил 14 октябрда Тошкент авиация заводи барпо этилиб, фронт учун қирувчи самолётлар ишлаб чиқара бошлаган. Ишчи-хизматчилар ҳар бир кунни, соатни ганимат билиб, дастлаб очиқ майдонда иш бошлаган.

Юртдошларимизнинг уйда бор моддий бойликлари, қимматбаҳо ва ёдгорлик буюмлари, бир кунлик иш ҳақи мунтазам мудофаа жамғармасига йиғиб олинган. Масалан, урушнинг дастлабки кунларида мудофаа жамғармасига 30 млн. рубль топширилган.

1945 йилнинг кузигача 155 минг нафардан ортиқ ўзбекистонлик РСФСРнинг, асосан, Урал ва Сибирдаги турли заводлари, конлари, қурилиш ва ёғоч кесиш ишларига ишчи батальонлари сифатида сафарбар қилинди. Улар жуда оғир шароитда меҳнат қилишган.

Уруш йиллари қишлоқ хўжалик маҳсулотларига бўлган талаб кучайган. Хўжаликларда катталар ва 12 ёшдан ошган болалар учун мажбурий иш куни 1,5 баробар оширилган. Агар кексаларнинг хотираларини тингласангиз, улар етим-есирларнинг эртадан кечгача чанг ютиб, мола босганларини, буёдой-пояларда доналаб машоқ терганла-

рини, бор топган-тутганини фронтга жўнатиб, ўзлари очночор, юпун кун кечирганларини изтироб билан ҳикоя қилишади. Фашизм устидан қозонилган ғалабада мана шу метин иродали инсонларнинг ҳам ҳиссаси бор, албатта.



Уруш йиллари Ўзбекистонга 1 млн. дан ортиқ киши, жумладан, ҳарбий хизматчилар оилалари, уруш ногиронлари, 200 минг етим болалар эвакуация қилинган. Турли миллатга мансуб етим болаларни ўзбек халқи ўз фарзандидай ардоқлаб, уларни вояга етказди. Масалан, тошкентлик оддий темирчи Шоаҳмад Шоаҳмудовлар оиласи 15 болани, каттакўрғонлик уруш ногирони Ҳамид Самадов 13 болани, самарқандлик колхозчи аёл Фотима Қосимова 10 болани олиб тарбиялаган.

Биз фронт ортида фидокорона меҳнат қилган, очарчилик ва қаҳатчилик азоб-уқубатларини бошидан кечирган инсонларга ҳам таъзимдамиз. Зеро, мазкур санада нафақат Иккинчи жаҳон урушида ҳалок бўлганлар, балки фронт ортида яшаб, оғир, машаққатли меҳнат қилган хотин-қизлар, ёш болалар, кексалар ҳам ёдга олинди, бу дунёдан ўтиб кетганлар хотирланиб, ҳаёт кечираётганлари эъзозланади. Бугунги тинч, осойишта ҳаётимизда уларнинг ҳам ҳиссаси борлигини эътироф этмоғимиз керак.

Президентимизнинг яқинда “Иккинчи жаҳон уруши қатнашчи-

ларини рағбатлантириш тўғрисида”ги Фармони эълон қилинди. Фармонга асосан Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ва ногиронларининг ҳар бирига 5 000 000 сўм миқдорда бирйўла пул мукофоти бериш белгиланган. Мазкур маблағлар жойларда ташкил этиладиган байрам тадбирларида эгаларига тантанали равишда топширилади.

Шунингдек, Президентимизнинг мамлакатимизда 9 май умумхалқ байрами — Хотира ва Қадрлаш кунини кенг нишонлаш, Иккинчи жаҳон урушида фашизмга қарши курашишга ҳисса қўшган, мустақиллик йилларида хизмат бурчини бажариш чоғида ҳалок бўлган ҳарбий хизматчилар ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимларининг хотирасини абадийлаштириш, барча фахрийларга ҳурмат кўрсатиш мақсадида 16 апрелдаги “Хотира ва Қадрлаш кунига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш чоратадбирлари тўғрисида”ги қарори ҳам мазкур байрамни кенг миқёсда кўтаринки руҳда ўтказишга бағишланган бўлиб, унга асосан маҳсус дастур ишлаб чиқилди.

Дастурда белгиланганидек, байрам кунлари мамлакатимиздаги биророрта уруш ва меҳнат фахрийси эътибордан четда қолмайди.

Шу куни мамлакатимиз аҳолиси тинчлиги, хотиржамлиги учун жанггоҳларда курашган ватандошларимизга эҳтиром кўрсатилди, фронт ортида машаққатли меҳнат қилган юртдошларимиз эъзозланади, бу фоний дунёдан ўтиб кетганларнинг руҳи ёд этилади. Бу, албатта, халқимиз маънавиятига хос фазилатдир, қолаверса, келгуси авлод учун ҳам катта сабоқ мактаби бўлиб хизмат қилади.

Бугунги дорилмон кунларда апрофга назар ташласак, кексаларнинг нигоҳларида хотиржамлик, ёшлар чехрасида қувонч, болакайлар юзида шодлик кўрамыз. Бир сўз билан айтганда, юртимиз тинч, халқимиз осойишта. Бунинг шукроналиги барча қалбларда мужассам, албатта.

**Тоҳир ДОЛИЕВ.**



## *9 май – Хотира ва Қадрлаш куни*

*муносабати билан барча юртдошларимизни, нуруний отахону онахонларимизни самимий муборакбод этамиз. Ватанимиз тинчлиги йўлида жасорат кўрсатган, юрт тараққиётига муносиб ҳисса қўшиб келаётган фидойиларимизга ҳурмат-эҳтиром кўрсатиш барчамиз учун ҳам қарз, ҳам фарз эканини ҳеч қачон унутмаслигимиз лозим. Зеро, нурунийларимизни қадрлаш, ўтганларни хотирлаш ва руҳини шод этиш шарафли бурчимиздир.*

**Ўзбекистон Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши жамоаси**



# МАЙ ОЙИДА ҒЎЗА ПАРВАРИШИДА НИМАЛАРГА ЭЪТИБОР БЕРИШ КЕРАК?

**Бу йилги об-ҳаво шароитидан келиб чиқиб, пахтадан мўл ва сифатли ҳосил етиштиришда агротехник тадбирларни мақбул муддатларда ва меъёрларда амалга ошириш, интенсив ва ресурстежамкор технологиялардан, жумладан, минерал ва маҳаллий ўғитлар, ёнилғи-мойлаш маҳсулотлари ва сувдан унумли фойдаланиш, илғор технологияларни қўллаш талаб этилади.**

Ер етилиши билан ниҳоллар қатор бўлиб қўрингандан биринчи культивация ўтказиш керак, бунда тупроқни намлиги камайиб, ҳаво ва иссиқлик алмашинуви натижасида униб чиқмаган ниҳоллар тезлик билан униб чиқиб, ортиқча намлик кўтарилади, тупроқ майин, донатор бўлиб ҳаво айланиши яхшиланади, ўсимлик илдизи яхши ривожланади. Қатқалоқ бўлган жойларда ишлов беришда культиваторга ротацион юлдузча, пичоқлар ва чуқур юмшатиш панжаларини ўзаро мос ҳолда жойлаштириш керак. Бунда, юлдузчалар 3–5 см, ўртадаги иш органлари 12–14 см, чеккадагилари эса 6–8 см чуқурликка мослаб ўрнатилса, самараси юқори бўлади.

Ғўза қатор ораларига ишлов беришда энг аввало культиватордаги ишчи органлар сони тўлиқ бўлиши, қатор ораси 60 см бўлган далаларда ишлайдиган культиваторда 33 та, қатор ораси 90 см бўлганда 37–39 та ишчи органларини мутахассислар иштирокида тўғри ва яхши юмшатадиган қилиб ростланишига алоҳида аҳамият бериш лозим.

Плёнка остига чигит экилган майдонларда бегона ўтлар тез ривожланиб, уни кўтариб юбориши мумкин. Бунинг олдини олиш учун культивация билан бирийўла чопиқ ишларини амалга ошириш керак. Умумий ҳолатда барча ғўза далаларида оммавий сафарбарлик эълон қилиниб, чопиқ, ягана, культивация ишларини тизимли равишда ташкил этиш зарур.

Тупроқни механик таркиби енгил, кумоқ, кумли ерларда ва ўртача тупроқларда биринчи культиваторнинг четки ишчи органлари 6–8 см, иккинчи жуфт органлар 8–10 см, учинчи жуфт органлар 10–12 см, ўртадагилари 60 см қатор

оралиғида 13–14 см, 90 см қатор оралиғида 15–16 см чуқурликка мослаб ўрнатилади ва трактор паст тезлигида юргизилади. Агар культивация ишлари кечиктирилса, қатқалоқ тагида қолган ва паст ҳароратда униб чиқолмаган чигитлар узоқ туриб қолиши ва барг ёзиб юбориши ҳамда илдиз чириш касаллиги келиб чиқиши туфайли ҳосилдорлик 3–4 ц/га. гача пасайиши мумкин.

**Чигит қўшқатор экилган майдонларда тупроқдаги ортиқча намликни кўтаришда биринчи культивацияда қўшқатор орасини юмшатиш учун бир дона ККО ёки кичик лапка 5–6 см ва икки дона РОР юлдузчаси билан 3–5 см чуқурликда ишлов бериш тавсия этилади. Қўшқаторлар оралиғи 25–30 (40) см бўлганда қатор орасига ишлов берилиши тупроқнинг зичлашмаслигини таъминлайди ва ғўзанинг ўсишига ижобий таъсир этади.**

Ресурстежовчи такомиллаштирилган қатор ораси 60 см бўлган олти қаторли чигит экадиган сеялка ва ғўза қатор ораларига ишлов берадиган культиватор тўрт қаторли чигит экиш сеялкасини олти қаторлигига ўзгартириш асосида яратилиб, олти қаторли сеялкага мос равишда 90 см культиваторнинг олдинги чап ва ўнг секцияларининг иккала томонига ҳам ишчи органлари ўрнатилиб, олтига тўлиқ ишчи культиваторларга 60 см схемада жойлаштирилган. Бу агрегат ўзининг иш унумдорлигини юқорилиги, ёнилғи-мойлаш воситалари тежалиши, тупроқни зичлантирмаслиги каби муҳим хусусиятлари билан аҳамиятлидир. Олти қаторли сеялкада чигит экилган далаларни олти қаторли культиватор билан ғўза қатор ораларига ишлов беришда, яъни биринчи

культивация ғўза қатор оралиғи 46–48 см кенгликда, 16–18 см чуқурликда ўтказилади. Ғўза униб чиққан майдонда бегона ўтлар бўлса бритвали ишчи органлар жойлаштирилади. Культивациянинг барча иш қуролларини жойлаштиришда энг асосий эътибор даланинг сифати ва шароитига қараб ростланиши, бешта секциянинг наральник ва гозпанжалари ғўза қатор орасининг ўртасига (яъни 30 см) тўғри ўрнатилиши керак.

**Илдиз тизимининг яхши ривожланишини таъминлаш учун 1 ва 2-культивация орасида махсус мослама ёки чизель культиватор ёрдамида механик таркиби енгил ва ўрта тупроқларда 18–22 см, механик таркиби оғир тупроқларда 20–25 см чуқурликда юмшатиш чораларини кўриш лозим.**

Ниҳолларни озиқа моддалар билан яхшироқ таъминлаш ва ривожланишини тезлаштириш мақсадида культивация билан биргаликда гектарига соф ҳолда 50 кг азотли ўғит (аммиакли селитра 150 кг/га ёки мочевина 110 кг/га, аммоний сульфат 240 кг/га) далага ғўзанинг 15–18 см ёнига, 12–14 см чуқурликка солинади.

Ниҳолларнинг жадал ўсиб-ривожланишида яганаларни тўлиқ ва сифатли тугаланишининг аҳамияти катта. Қолаверса, ёгингарчилик оқибатида тупроқда тўпланган озиқа элементлари ювилиб, ўсимлик учун озиқа элементлари етарли даражада эмас. Ғўзанинг бошқа нохуш омилларга бардошлилигини, ҳосилдорликни оширишда ва ҳосилнинг пишиб етилиши тезлаштиришда ғўзани мақбул муддатларда озиклантириш лозим. Бунда ғўзани баргидан қўшимча озиклантириш, яъни суспензияни қўллашда ғўзанинг шоналаш даврида Карбамид 8 кг/га ёки КАС 7 л/га билан бирга “Фитовак” (200–300 мл/га), “Гумимакс” 0,15–0,20 л/га, “Узгуми” 0,3–0,4 л/га, “Альбит” 40–50 мл/га ва бошқа шунга ўхшаш стимуляторлар қўшиб ишлатилса, ғўзанинг ўсиб-ривожланишига ижобий таъсири янада ортади.

Карбамидли суспензия билан ишлов беришда ғўзанинг ҳолатидан келиб чиққан ҳолда аввал эритма тайёрланади. Бир гектар майдонга етадиган эритмани тайёрлаш учун физик ҳолда 8 кг карбамид 50 литрлик идишда сувда эритилади. Кейин эритмани 100 литрлик идишга қуйиб яхшилаб аралаштирилади. Тайёр бўлган эритманинг меъёри тавсия этилганидан ортиқ бўлса, ниҳолларга салбий таъсир этиши (барглари қуриши) мумкин. Аксинча, меъёри паст ҳолатда самарасиз бўлади. Суспензияни сепишда тракторларга ўрнатилган бочкаларга 200 литр тоза сув ва 100 литр тайёрланган оналик (маточный) эритмаси қуйилиб яхшилаб аралаштирилади ва гектарига 300 литр миқдорда ишчи эритмаси қўлланади. Суспензия сепишда штангали пуркагичлардан ёки ОВХ-600 мосламаларидан фойдаланиш яхши натижа беради.

Кейинги суспензия ривожига орқада қолган майдонларда ғўза гуллаш даври бошида гектарига физик ҳолда 10 кг карбамид ёки КАС ўғитини 9 литр ишлатилганда яхши самара беради. Суспензияни сепишда тракторларга ўрнатилган бочкаларга 200 литр тоза сув ва 100 литр тайёрланган оналик (маточный) эритмаси қуйилиб яхшилаб аралаштирилади ва гектарига 300 литр миқдорда ишчи эритмаси қўлланади.

Суспензияни эрталаб ва кечқурун ҳаво ҳарорати 20–25°C дан ошмаган пайтда сепиш тавсия қилинади. Ҳаво илиқ ва булутли кунларда суспензияни кун давомида сепиш мумкин. Ёмғир ёғаётган пайтда суспензия сепиш тавсия қилинмайди, чунки озика моддалари ювилиб, ўғитларнинг самараси пасайиб кетади.

Ғўзалар шонага кирган майдонларда гектарига соф ҳолда 70–75 кг азот ва 50 кг калий бериш керак, бу эса гектарига 210–225 кг аммиаки селитра ёки 150–160 кг мочеви ва 80 кг калий хлоридни ташкил этади. Ғўзани шоналаш даврида ўғитларни ўсимликнинг 20–22 см ёнига, 14–16 см чуқурликка берилади. Тўла чиритилган, қуритилган ва эланган гўнг ёки компост-

ларни ғўзанинг ўсув даврида минерал ўғитлар 1 кг азот ўғити ҳисобида 2–3 кг гўнг билан қўшиб ишлатиш ҳам яхши фойда беради. Бунда ғўзани шоналаш даврида гектарига 500–700 кг қуруқ маҳаллий ўғитларни ёки компостларни минерал ўғитлар билан биргаликда қўллаш пахта ҳосилини гектаридан 2–3 центнерга оширади.

**Чопиқ ишларининг сифатли ва ўз муддатида бажарилишини ташкил этиш зарур. Шунингдек, кўп йиллик бегона ўтларга (ғўмай, ажриқ ва бошқалар) қарши “Ентерра” гербицидини 1,5 л/га ҳисобида уларнинг бўйи 10–15 см. га етганда пуркалса яхши натижа беради. Ғўзани сўрув-**



чи ҳашаротлар шира ва трипсдан ҳимоялаш ҳам муҳим вазифалардан ҳисобланади. Бунинг учун дала атрофларига 500 дондан олтинкўз энтомофагини чиқариш, дала четларини изоляция қилиш чораларини ҳам кўриш керак.

Ғўзани суғориш ишларига тайёргарлик кўриш ҳамда уни ташкил этишда сув тежовчи технологиялардан фойдаланишга алоҳида эътибор беришимиз керак. Суғоришни мақбул тартибда, тензиометр (тупроқ намлигини ўлчаш), рефрактометр (ғўза барги шираси концентрациясини ўлчаш) каби замонавий ва портатив ускуналардан фойдаланиш ҳамда ғўзани эгат орқали сунъий қувурлар ёрдамида суғориш ҳисобланади. Сунъий қувурлар ёрдамида суғоришда сунъий қувур ҳосил қилувчи мосламани эгат ораси 60 см бўлган пахта далаларига ўрта ва оғир тупроқларда ўтказиш мумкин. Сунъий қувурлар махсус мосламалар орқали трактор филдираги юрмаган эгатларда ҳосил қилинади. Ҳар бир сувдан кейин

тупроқ етилганда трактор қатор орасига ишлов берилади.

Тадқиқотлар шуни кўрсатадики, тупроққа ишлов беришни сунъий қувурлар билан биргаликда ўтказилса, тупроқнинг сув ўтказувчанлиги ошиб, нишаб ерларда оқавага сувни чиқиб кетиш сарфи камаяди. Эгат узунлиги 100 м бўлган ерларда ғўзани эгат оралатиб суғоришда 17–18% сув тежалади, тупроқнинг ювилиши эса 7–8 т/га камайд. Шу билан бирга ҳайдов қатлаמידан озика элементлари (азот, фосфор, калий 1,5–2,5 мартагача) ва гумус ювилиши камайд.

**Таъкидлаш керакки, ғўзани парваришда суғоришни эгат кенглиги 60 см майдонларда эгат оралатиб, трактор филдираги юрмаган эгатлар орқали сунъий қувурларни 20–25 см, 32–35 см чуқурликда ҳосил қилинса, сув сарфини камайтириш, минерал ўғитларни тежаш, тупроқ эрозиясини бартараф қилиш, юқори ва сифатли ҳосил олиш имкони яратилади.**

Шунингдек, қатор орасига плёнка тўшаб ғўза суғорилганда 30–40% сув тежалиб, ҳосилдорлик 5–6 ц/га, сомон ёки компост тўшаб суғорилганда эса 25–30% сув тежалиб, 3–4 ц/га пахта ҳосили ошиши тадқиқотларда аниқланган. Ушбу технологияларнинг асосий афзаллиги мульча сифатида плёнка, сомон ёки компост ғўза қатор ораларига ўшналганда сувнинг тупроққа сингишини яхшилайди, намликнинг ортиқча буғланишининг олди олинади ва намлик узоқ муддат сақланади, ўсимликнинг илдиз тизими яхши ривожланиб, озика моддаларни ўзлаштирилиши ва ҳосилдорликнинг ортиши таъминланади.

Фермерларимиз юқоридаги тавсиялар бўйича иш юритишса, ғўзаларнинг жадал ўсиб-ривожланиши таъминланади. Бу эса пировардида ноқулай шароитда ҳам юқори ҳосил етиштиришга пухта замин тайёрлайди.

*Мазкур тавсиялар ПСУЕАИТИ олимлари томонидан тайёрланган.*



# ФОСФОРЛИ ЎҒИТЛАР

## ёхуд “ер хамиртуруши”дан самарали фойдаланайлик

**Жонажон Ўзбекистонимизнинг тупроқ-иқлим шароити дунё ўсимликларининг аксариятини ўстиришга имкон беради. Бироқ ўсимликларни сунъий равишда суғормасдан ҳамда минерал ўғитлар, микроэлементлар, маҳаллий ўғитлар ва органик моддалар қўлланмасдан туриб юқори ва сифатли ҳосил етиштириб бўлмайди.**

Шунинг учун қишлоқ хўжалик экинлари, хусусан, гўзага минерал ўғитлар қўллаш бўйича олимларимиз томонидан кўплаб илмий тадқиқотлар ўтказилган. Мазкур тадқиқотлар натижасида республикамизнинг турли тупроқ-иқлим шароитларида гўзага азотли, фосфорли ва калийли ўғитларни қўллаш меъёрлари, муддатлари ва усуллари ишлаб чиқилган.

Шунингдек, гўзага қўлланадиган азотли, фосфорли ва калийли ўғитлар меъёрларининг бир-бирига нисбати 1:0,7:0,5 га тенг бўлгандагина уларнинг ўсимликлар томонидан ўзлаштирилиши юқори бўлиши ҳам аниқланган.

Таъкидлаш жоизки, гўзага қўлланадиган минерал ўғитлар орасида фосфорли ўғитлар алоҳида ўрин тутади, чунки фосфор ўсимликлардаги нуклеин кислоталар ва нуклеопротеидлар таркибига киради, цитоплазмалар ва тўқималар ядросининг пайдо бўлишида, модда алмашиниш, бўлиниш ва кўпайиш, углевод алмашинуви, фотосинтез, нафас олиш жараёнларида иштирок этади, гўзанинг азот моддалари билан озиқланишини жадаллаштиради, бактерияларнинг кўпайишини таъминлайди, органик моддаларни минераллаштиради ҳамда тупроқнинг умумий биологик фаоллигини оширади.

Фосфорли ўғитлар қўлланганда тупроқда кечадиган мураккаб кимёвий жараёнлар туфайли тупроқ кўпчиди ва структураси (агрономик нуқтаи назардан қимматли донатор агрегатларнинг ортиши) яхшиланади, тупроқнинг сув-физик, агрокимёвий, микробиологик, ҳаво ва иссиқлик режимларига ижобий таъсир қилади ҳамда ўсимликлар томонидан минерал ўғитларни ўзлаштириш коэффициентининг ошишига олиб келади. Шунинг учун фосфорли ўғитларни “ер хамиртуруши” десак муболаға бўлмайди.

Тадқиқотлардан маълумки, гўза қўлланган фосфорли ўғитларнинг бор-йўғи 15–20 фоизини ўзлаштиради холос. Фосфорнинг қолган қисми эса ўсимлик томонидан қийин ўзлашти-

риладиган шаклга айланади ва “балласт” сифатида тупроқнинг сингдирувчан комплексига бирикади. Ушбу ҳолат ва тақсимот бўйича ажратиётган фосфорли ўғитлар миқдорининг азотли ўғитларга бўлган нисбатидан камлиги учун ўсимликларнинг фосфорга бўлган эҳтиёжини қондирмайди. Шунинг учун деҳқончиликда фосфорли ўғитларнинг етишмаётган қисмини фақат маҳаллий ўғитлар ва органик моддалар ҳисобига қоплаш мумкин.

Маҳаллий ўғитлар, компостлар ва органик моддалар ўсимликларни озиқ моддалар билан таъминловчи асосий манба ҳисобланади, чунки уларнинг таркибида азот, фосфор, калий, микроэлементлар (бор, молибден, кобальт, мис, қўрғошин, рух ва бошқалар) ҳамда углевод мавжуд.

Тупроққа солинган маҳаллий ўғитлар биринчидан, микроорганизмлар сонини кўпайтиради, иккинчидан, улар томонидан парчаланаяди, учинчидан, ундаги углевод парчаланаяди ва карбонат ангидрид ҳосил бўлади. Буларнинг натижасида содир бўладиган кимёвий жараёнлар ҳамда тупроқ муҳитининг ўзгариши тупроқнинг сингдирувчи комплексидеги “балласт” фосфатни кўчиради, қўлланган минерал ўғит таркибидаги фосфатни эрувчанлигини кучайтиради ва ўсимлик томонидан нафақат фосфор, балки азот, калий ҳамда микроэлементларнинг ҳам ўзлаштирилишини оширади. Бундан ташқари тупроқдан углеводнинг ажралиб чиқиши, ўсимликнинг атмосфера ҳавосидан азотни симбиоз қилиш орқали кўшимча озиқланиш имкониятини туғдиради.

Шунинг учун барча фермер хўжаликларида тупроқ унумдорлигини сақлаш ва ошириш ҳамда пахтадан юқори ҳосил етиштириш учун қисқа ротацияли алмашлаб экишдан ташқари гўнг алмашлаб (навозооборот) қўллашни жорий қилишга катта эътибор қаратиш керак. Бунинг учун кузги шудгор олдидан битта далага ҳар 2–3 йилда гектарига 20–30 тонна

маҳаллий ўғит солинади. Агар маҳаллий ўғитлар манбаи етишмаса, ҳеч бўлмаганда гектарига камида 5 тонна қорамол гўнгини хоҳ эланган қуруқ ҳолда, хоҳ минерал ўғитларга аралаштириб культиватор-ўғитлагичлар ёрдамида қўлланилса ёки гўзанинг вегетация даврида сугориш сувлари билан шарбат ҳолида оқизилса, тупроққа соф ҳолда 25 кг азот, 15 кг фосфор, 30 кг калий киради ҳамда гўзанинг эҳтиёжини қондирадиган даражада микроэлементлар билан таъминлашга эришилади.

Минерал ўғитларнинг меъёрлари ва нисбатларида қўллашга, маҳаллий ўғитлардан самарали фойдаланишга ҳамда юқори агротехника қодаларига амал қилиб деҳқончилик қилаётган Қўрғонтепа туманидаги “Оқсув” (раҳбари А.Аҳмедов), Олтинкўл туманидаги “Истиклол” (раҳбари Т.Ражабов), Бухоро туманидаги “Иброҳим Ўктам” (раҳбари И.Тўқлиев), Пешку туманидаги “Фаттоев Ёқуб” (раҳбари Ё.Фаттоев), Нарпай туманидаги “Пахтакор” (раҳбари С.Ҳақбердиев), Пахтачи туманидаги “Шавкат Мирзаев далалари” (раҳбари Ш.Мирзаев), Богот туманидаги “Дилшод” (раҳбари И.Искандаров), Урганч туманидаги “Давлат Раҳматилла” (раҳбари О.Давлетов), Миришкор туманидаги “Бекзод обод Марварид” (раҳбари Ш.Бозоров) фермер хўжаликлари томонидан ҳар йили гектаридан 40–50 центнердан пахта ҳосили етиштирилмоқда.

Лекин кўплаб фермер хўжаликларида турли сабабларга кўра кузги шудгордан олдин тавсияларда белгиланганидек, фосфорли ўғитлар йиллик меъёрининг 70 фоизини қўллаш ишлари амалга оширилмайди. Бундай фермер хўжаликлари эрта баҳорда ерларни чигит экишга тайёрлаш даврида албатта фосфорли ўғитлар йиллик меъёрининг 70 фоизини тупроққа солишлари ва 15–18 см чуқурликка кўмилишини таъминлашлари керак. Фосфорли ўғитларнинг қолган қисмини (30%) гўза гуллаш даврининг бошида азотли ўғит билан бирга қўлланилса яхши самаралар бериши илмда ҳам, амалиётда ҳам исботланган.

Демак, гўза парваришда ҳар бир тупроқ-иқлим шароитига мос ишлаб чиқилган агротехник тадбирлар илмий асосланган муддатларда амалга оширилса, белгиланган меъёрларда ва нисбатларда минерал ўғитлар, шунингдек, маҳаллий ўғитлар ва органик моддалар қўлланса, юқори ва сифатли пахта ҳосили олиш учун пухта замин яратилади.

**Ш.НУРМАТОВ,**  
қ.х.ф.д., профессор.

# ҒАЛЛАЧИЛИКДА ЭНГ ДОЛЗАРБ ПАЛЛА

Жорий йил баҳор фаслининг мураккаб келиши: айрим минтақаларда ёгингарчилик нисбатан кам, айрим минтақаларда эса кўп бўлиши кузги ғалла ривожига ўз таъсирини кўрсатмоқда. Ёгингарчиликнинг кўпайиши оқибатида намлик ортиб, ғаллага ўз таъсирини кўрсатмоқда.

Бу турли зараркунанда ҳашаротлар ва сариқ занг, қўнғир занг, септариоз, ун шудринг каби касалликларнинг кучли тарқалишига шароит яратмоқда. Бу ғалла ривожига учун ўта хавфли ҳисобланади. Айниқса, сариқ занг касаллиги ғаллани зарарлаши оқибатида ҳосилнинг 50–60 фоизга камайиб кетишига олиб келади. Бу йилги об-ҳаво шароитида ғалладан мўл ва сифатли ҳосил етиштиришда май ойида бажариладиган агротехника тадбирларига ўта масъулият билан ёндашишни тақозо этади.

Ушбу ойда кузги ғалланинг асосий – бошоқлаш, гуллаш ва сутмум пишиш даври кузатилади. Бунда кузги бошоқли дон экинларининг ривожланиш фазаларига қараб қуйидаги агротехника тадбирларини соҳа мутахассислари билан маслаҳатлашган ҳолда, уларнинг тавсияларига асосан қатъий жадвал асосида олиб бориш зарур.

**Ғалланинг бошоқлаш, гуллаш, дон шаклланиши ва дон тўлишини ҳисобга олган ҳолда азотли ўғитлар билан озиқлантириш муҳим аҳамиятга эга. Айниқса, кеч экилган, ривож суст майдонлар қўшимча 100–150 кг. дан азотли ўғитлар билан озиқлантирилади. Эртапишар навлар экилган майдонларда ўрта ва кечпишар навларга нисбатан 7–10 кун эртароқ озиқлантириш ҳамда пешма-пеш шарбат усулида суғориш ташкил қилиш мақсадга мувофиқ.**

Замбуруғли касалликлар билан кучли зарарланган майдонларда баргдаги физиологик ва биокимёвий жараёнлар пасайиши туфайли ўсимликларнинг ташқи муҳитда содир бўладиган ноқулай омилларга бардошлилиги йўқолади. Бу эса дон ҳосилдорлиги ва доннинг технологик сифатлари пасайиб кетишига олиб келади. Шунинг учун ғаллазорларда қатъий ишлов графиги тузилиши шарт.

Бундай майдонларда 20 майга қадар ҳар 300 гектар майдон ҳисобига биттадан махсус отряд ташкил этиб, уларга 1–2 нафар мутахассис кузатувчиларни бириктириб, ҳар 2 кунда мониторинг олиб бориш керак. Касаллик аниқланган

майдонларга зудлик билан ишлов беришни ташкил этиш лозим.

Сариқ занг касаллигига қарши курашишдан аввал касалланиш даражасини аниқлаш лозим. Биринчи навбатда сариқ занг энг кўп тарқалиши аниқланган майдонлардан бошланиши ҳамда шу майдонларга фунгицидларни белгиланган меъёрдан 20–30 мл/га кўп қўшиш зарур.

**Биринчи кун қайси контур ёки дала майдонида касалликка қарши ишлов берилган бўлса, кейинги ишловни ҳам касаллик тушиши даражасига қараб, худди шу майдонга 10–12 кундан кейин қайта ишлов ўтказилиши лозим. Агар ушбу графика асосан иш ташкил этилмай, бошқа далаларга ўтиб кетилса, бунда ҳеч қандай самарага эришилмайди.**

Ғалла касалликларига ишлов беришда, албатта, штангали пуркагичлардан фойдаланиш, агар бунинг имкони бўлмаса ОВХ мосламаларида сепиш қурилмаларини ўткир бурчакда пасайтириб ғалла барглари тагига тўлиқ ювилишини таъминлаши талаб этилади. Чунки, ишлатилаётган фунгицидлар ўсимлик баргидога ёки танасидаги сариқ занг спораларига тегиб, уни ювгандагина унинг споралари ҳалок бўлади.

Ғалла касалликларига қарши республикамизда рухсат этилган қуйидаги фунгицидларни қўллаш мақсадга мувофиқ: 28 фоизли “Аканто Плюс” сус.к. (0,3–0,5 л/га), “Крестъ” эм.к. (0,5 л/га), 25 фоизли “Тилзол” эм.к. (0,5 л/га), “Титул Дуо” эм.к. (0,2 л/га), 33 фоизли “Альто Супер” эм.к. (0,3 л/га), 22,5 фоизли “Дуплет ТТ” эм.к. (0,3–0,5 л/га), “Энтоликур” (0,3–0,5 л/га) препаратларидан бири билан 200–300 литр ишчи эритма ҳисобида ишлов бериледи.

Зараркунанда ҳашаротларга ҳам қатъий жадвал асосида уларнинг кўпайиш ҳолатига қараб ишлов ўтказилиши лозим. Ғаллазорларда асосан зарар етказадиган зарарли хасва, шиллиқ курт, поя арракаши, ғалла трипси, ғалла гуллилар шираси каби ҳашаротларга қарши курашда қуйидаги инсектицидлар яхши самара беради: 10 фоизли

“Альфацид” эм.к. (0,15 л/га), “Бестселлер” эм.к. (0,1–0,15 л/га), “Далате Плюс” эм.к. (0,07 л/га), 2,5 фоизли “Делцис” эм.к. (0,25 л/га), “Децибан” эм.к. (0,25 л/га), 20 фоизли “Багира” с.э.к., “Энталучо” эм.к. (0,07–0,1 л/га), 5 фоизли “Атилла” эм.к. (0,2 л/га) 200–300 литр ишчи эритма ҳисобида ишлов бериледи.

Ғаллани ортиқча пайҳон қилмаслик учун ушбу препаратларни уйғунлашган ҳолда, яъни фунгицид ва инсектицидларни қўшиб ишлаши мақсадга мувофиқ.

Юқоридаги ишларни ташкил этишда, албатта, ўсимликларни химоя қилиш отрядлари, соҳа олимларини жалб этиш лозим.

**Уруғлик учун экилган майдонларда соҳа мутахассислари ва селекционер олимлар билан биргаликда ғаллани бошоқлаш ҳамда сутмум пишиш даврида икки марта бегона нав аралашмалардан тозалаш, сўнгра дала апробация кўригига тайёр ҳолатига келади. Апробация жараёнида нав тозаланиши олиб бориш, уруғлик майдонларда навга хос бўлмаган бегона нав бошоқларидан ҳамда уруғлик сифатини бузадиган бегона ўтлардан тозалаш ишларини амалга ошириш лозим.**

Бугдой бошоқлаб, пишиб етилиш даврига ўтгунга қадар бошоқ ранги, шакли ўзгармас ҳолда бўлади. Бугдой пишиб етилгандан кейин нав тозалаш ишлари олиб борилса, фақат тур хиллиги (қилтиқли, қилтиқсиз) бўйича ажратиш мумкин ва тозалашда бошоқларнинг синиши, дон тўкилиши натижасида ғалла ҳосилининг камайишига олиб келади.

Кузги бошоқли дон экинлари ривожига ва дон шаклланишида энг долзарб палла ҳисобланган май ойида юқоридаги агротехник тадбирларни белгиланган муддатларда сифатли амалга ошириш мўл ҳосил олишга замин яратади.

**Р.СИДДИҚОВ,**

Дон ва дуккакли экинлар илмий-тадқиқот институти директори, қ.х.ф.д., РФА академиги,

**Н.ЮСУПОВ,**

илмий ходим.

# БОҒЛАРДА ИШ ҚИЗҒИН

Эрта баҳорда боғлар етарли миқдорда озиклантирилмаган бўлса, шу кунларда боғларга соф ҳолда 50–60 кг азотли, 65–70 кг фосфорли ҳамда 40 кг калийли ўғитлар солиб, кетидан суғориш ҳамда қатор ораларини 10–12 см чуқурликда юмшатиш зарур.

Қиш илиқ келганлиги туфайли боғроғларда турли зараркунанда ва касалликлар ривожлана бошлади. Шу боис олма курти ва нок шира бургасига қарши олма дарахтлари гулдан чиқиши билан дарҳол боғларда пуркаш ишларини амалга ошириш зарур. Бунда қуйидаги препаратлардан бири: “Карбофос”, “Бензофосфор”, “Залон” (200–300 г), “Донитол” (100 г) ёки “Децис” (50 г) ёки “Каратэ”, “Циракс”, “Талстар” (30–40 г) ёки “Фуфанон” (10 г) 100 л сувга аралаштириб қўлланилади. Парша касаллиги кўпайиш хавфи бор жойларда олма ва нок дарахтларига 1 фоизли Бордо суюқлиги пуркаса бўлади. “Вектра” ёки “Топсин-М” (100 л сувга 30–100 г) ёки “Сопроль” (100 г) препаратларини ҳам қўллаша бўлади. Беҳзорда монилиоз касаллигига қарши 1 фоизли Бордо суюқлигини дарахт шохлари жиққа ҳўл бўлгунга қадар пуркаш керак. “Вектра”, “Курбат” ва “Топсин” препаратларини қўллаш ҳам яхши самара беради.

**Май ойининг 2-ярмида олма курти ва нок шира бургасига қарши пуркаш ишлари такрорланади. Бунда юқорида баён этилган препаратлар қўлланилади. Беҳзорда монилиоз касаллигига қарши 1 фоизли Бордо суюқлиги билан ҳар 8–10 кунда пуркаш такрорланади.**

Данакли мева боғларида: ўрик, шафтоли, олхўри дарахтлари клястериоспориоз, барг бужмалоқлиги, уншудринг касалликларига қарши Бордо суюқлигининг 1 фоизли эритмаси ҳафта-ўн кун оралатиб 1–2 марта пуркалади.

Ёш боғларда дарахт тагларини юмшатиш ва суғориш ишлари олиб борилади. Улар ёш новдаларининг уч қисми май ойининг охири ва июнда чилпиб турилади. Ушбу тадбир шохшаббанинг шаклланишига ҳамда дарахтларнинг тезроқ ҳосилга киришига ёрдам беради. Ёш дарахтларга 1–2-йил шакл берилгандан сўнг уларни кўп буташ тавсия этилмайди, чунки бу ҳолда улар зўр бериб бўйига ўсади.

Иссиқхона ва ҳандаклардаги лимон дарахтларининг мева тугиши ва уларнинг ривожланиши учун ҳаво ҳарорати 20–25°C гача қизиши ва нисбий намлик 70–80% бўлиши зарур. Бундай шароитда лимон ўсимлиги анча яхши гуллаб, мўл ҳосил беради. Ҳаво қуруқ-

лиги ва ҳароратнинг кескин ошиши мева тугунларининг кўплаб тўкилиб кетишига олиб келиши мумкин. Бунинг олдини олиш учун лимонзор май ойида тупроқ намлигига қараб 3 марта суғорилади. Тупроқда намлик 70–85 фоизни ташкил этиши керак. Ҳар суғоришдан сўнг тупроқ 10–15 см чуқурликда юмшатилади.

Лимон дарахтлари мева тугиб бўлгач, 20–25 кун оралатиб шарбат усулида суғорилади. Бунда сигир, кўй-эчки, парранда гўнгини (2:1:1) ариқ сувида яхшилаб эзиб, суғориш эгатлари орқали кечкурун ва эрталаб қуйилади.

Токзорларда ёш тоқлар 2 марта суғорилади, қатор оралари культивация қилиниб, қатор оралари юмшатилади. Новдалар барча узунлиги бўйича бир текис ривожланиши учун симбағазларга горизонтал ёки сал қия қилиб боғланиши лозим.

Занглар йўғонлашганда боғичлар узилиб кетмаслиги ва новдалар симга ишқаланмаслиги учун боғич симбағазларга 8 рақами шаклида боғланади.

**Ҳосилли токзорларда ток новдалари 50–60 см узунликка етганида 1-шўра хомток ўтказилади, ёш новдалар иккинчи, баъзан учинчи симга боғланади. Кўк новданинг ўсиш кучи ва жойлашишига қараб, 2-маротаба учинчи ёки тўртинчи симга боғланади. Токда тўпгуллар пайдо бўлиши билан хомток қилишга киришиш керак. Новдада тўпгул ўрнида жингалакларнинг борлиги унинг ҳосил қилмаслигидан далолат беради. Ҳосил қилмаслиги аниқ бўлган новдаларни эрта хомток қилиш қўшимча миқдорда новдалар, жумладан, ҳосил қиладиган новдаларнинг ривожланишига ёрдам беради. Хомтоқни эрта гуллайдиган навлардан бошлаш керак. Бунда ток тупининг кўп йиллик зангларидан ўсиб чиққан бачки новдаларни биринчи навбатда олиб ташлаш керак. Бунда ток тупини шакллантириш ва зангининг ўрнини босиш керак бўладиган новдалар қолдирилади. Агарда токда зарарланиш натижасида ва бошқа сабабларга кўра кам новда ривожланган бўлса, бачки новдаларнинг бир қисми озикланиш юзасини ошириш учун қолдирилади.**

Ҳар бир нав учун тупдаги ҳосилдор ва ҳосил қилмайдиган новдалар нисбати олинадиган ҳосил ва новданинг

ўсиш кучи, шунингдек, экологик ва агротехник шароитини ҳисобга олган ҳолда белгиланади. Суғориладиган токзорларда ҳўраки ва кишмишбоп навларда ҳар 2 та ҳосилли новдага 1–2 та ҳосилсиз новда қолдириш керак.

**Лалми токзорларда қиш-баҳор давридаги ёғингарчиликни ҳисобга олган ҳолда хомток қилинади. Бунда бир вақтнинг ўзида ҳосил миқдори макбуллаштирилади ҳамда ҳар бир ҳосилли новдага 1 та ҳосил қилмайдиган новда қолдирилади.**

Ёғингарчилик кам бўлган йилларда токнинг жуда кучсизланиб кетишининг олдини олиш мақсадида тўпгулли новдаларнинг 1/3 қисмини олиб ташлаш керак.

Ҳосилли токзорларни озиклантириш мақсадида май ойида минерал ўғитлар билан озиклантиришда асосий меъёрнинг ярмидан кўпроғи берилди: фосфорли ўғитлар — 90 кг, калийли ўғитлар — 40–50 кг тупроққа чуқур солинади. Токзорларга фосфорли ва калийли ўғитлар нисбатан кўп берилиши ток новдаларини тўлиқ етилишига, касалликларга чидамлилигини оширишга ва мавсум охирида новдаларнинг пишишига ҳамда янги йил ҳосилига пухта замин яратилади. Агар минерал ўғитлар билан озиклантиришнинг имкони бўлмаса, у ҳолда маҳаллий ўғитлардан фойдаланиш керак. Бунда ҳар 1 гектар токзорга 5–6 тонна гўнг шарбат усулида оқизилади. Токзорларда шўра хомтогининг ўз вақтида ва сифатли бажарилишига алоҳида эътибор берилиши билан бирга, кул (оидиум) касаллигининг олдини олиш мақсадида токзорлар гуллагунга қадар 1–2 марта туйилган олтингургурт чанглатилади (20–25 кг/га меъёра).

Бундан ташқари 100 л сувга “Топаз” (50 г) ёки “Вектра” (30 г) кимёвий препаратларни аралаштириб пуркаса ҳам бўлади.

Боғбонларимиз ушбу тадбирларни ўз вақтида сифатли қилиб бажарсалар, сифатли ва мўл ҳосил олишга мустақам замин ҳозирлаган бўладилар.

**Р.АБДУЛЛАЕВ,**  
қ.х.ф.н.,

**Ж.АГЗАМХОДЖАЕВ,**

**Х.АБДУЛЛАЕВА, М.ИСРОИЛОВ,**  
илмий ходимлар, академик М. Мирзоев  
номли БУВАВИТИ.

# САБЗАВОТЧИЛИКДАГИ ДОЛЗАРЪ ТАДБИРЛАР

**Иссиқсевар помидор, ширин қалампир ва бақлажон кўчатларини экиш ишларини республикамизнинг жанубий ва марказий минтақаларида майнинг биринчи ўн кунлигигача тугаллаш лозим. Шимолий ҳудудларда эса кўчат экиш ишлари 15 майгача давом эттирилади.**

Экиш ишлари тугалланган майдонларни яхшилаб кўздан кечириб, тутмаган, хато, жуда нозик кўчатлар ўрнига илдири ва пояси яхши ривожланган кўчатларни ўтказиш мақсадга мувофиқ. Экиш тугаллангандан сўнг, ўсимликлар ўзини яхши тутиб олиши учун суғориш зарур.

Ушбу ойда полиз экинларининг эртапишар ва ўртапишар навлари уруғлари экилади. Уруғлар экилгандан сўнг уяларни чириган гўнг, шоли қобиғи, ёғоч қириндилари билан мульчаланса, тупроқ қатқалоқ бўлишининг олди олиниб, тез ва сифатли униб чиқишини таъминлайди.

Полиз экинларини парваришлаш ўсимликларни яганалаш, тупроқни юмшатиш, озиқлантириш, чопиқ қилиш, суғориш, палакларни тўғрилаш, бегона ўтлар ва зараркунандаларга қарши курашиш тадбирларини ўз ичига олади.

Яганалаш икки босқичда: биринчиси ўсимлик чинбарг чиқарганда ва биринчи чопиқ вақтида ўтказилади. Ниҳоллар ялпи униб чиқиши билан ораларини юмшатишга киришилади.

Ниҳолларда иккита-учта чинбарг пайдо бўлганидан кейин экин биринчи марта чопиқ қилинади, озиқлантирилиб, сув берилади. Орадан 25–30 кун ўтгандан кейин иккинчи чопиқ ўтказилади. Вегетация даврида қатор оралари 4–5 марта культивация қилинади.

Полиз экинлари, айниқса, тарвуз ва мускат туридаги қовоқнинг илдишлари жуда кучли ўсиб, 3, ҳатто 5 м чуқурликкача етади, диаметри эса 8–10 м. га боради. Шунинг учун ҳам полиз экинлари қурғоқчиликка ўта чидамлилиги билан ажралиб туради. Чунки уларда илдиш тукчаларнинг сўриш кучи юқори бўлиб, тупроқ унча нам бўлмаса ҳам мавжуд намдан фойдаланиш қобилиятига эга. Шу сабабли полиз экинлари сув буглантирадиган барг шапалогининг катталигига қарамай лалми ерларда ҳам бемалол ўсиб, дурустгина ҳосил беради. Қурғоқчиликка чидамлилиги жиҳатдан тарвуз биринчи, қовун иккинчи, қовоқ эса кейинги ўринда туради.

Полиз экинлари қурғоқчиликка чидамли бўлишига қарамай юртимиз шароитида уларни суғориш керак. Бироқ, ҳаддан ташқари сернам тупроқ полиз экинларига салбий таъсир этади. Сернам тупроқда мевадаги қанд моддаси камайдди, пўсти қалинлашади, ҳар хил замбуруғли касалликларга, жумладан, фузариоз – сўлиш касаллигига чалинади.

Полиз экинлари суғориладиган ерларга экилганда бўз тупроқли майдонларда ўсув даври мобайнида ҳар гал 400–500 м<sup>3</sup>/га ҳисобда 8–9 марта суғорилади. Сизот суви юза жойлашган далаларда эса 4–5 марта суғорилади.

Ўсув даврида полиз экинларининг сув билан бир текис таъминланиши ҳосилдорликни ошириш гаровидир.

Ниҳоллар кўрингандан кейин биринчи чопиққа қадар экинлар 1–2 марта суғорилади. Биринчи чопиқ

тугаллангандан кейин экин 20–25 кунгача сувдан қантарилади. Бу даврда ўсимлик илдизининг чуқурроқ таралишига зўр беради, чопиқда илдири кесилган бегона ўтлар тезроқ қурийдди ва ниҳоят полизнинг найчалаш-мева тугиши тезлашади. Навбатдаги сув иккинчи чопиқ олдида берилади.

Шундан кейин полиз экинлари ҳосил тўплашга киришади ва уларнинг сувга талаби ошади. Бинобарин, бу даврда полизни ҳар 10–12 кунда суғориб туриш керак. Қовун-тарвуз пиша бошлаши билан сув камроқ берилади. Ҳосил етилганда суғориш тўхтатилади акс ҳолда қанд моддаси камайиб, узоқ сақлашга ярамай қолади.

Полиз экинларидан 25–30 т ҳосил олиш учун гектарига 75 кг азот, 75 кг фосфор ва 50 кг калий, органик ўғитлардан гектарига 30–40 т солинади. Йиллик меъёрга нисбатан органик ва калийли ўғитларнинг ҳаммаси, фосфорнинг 70–75 фоизи шудгор остига солинади. Фосфорли ўғитнинг қолган қисми ва азотнинг 50 фоизи экиш олдида берилади. Азотли ўғитнинг қолган ярми экинлар уч-тўрт барг чиқарганидан кейин эгатларга 10–12 см чуқурликка солинади.

Қовун ва тарвуз ҳосили пишиб етилганларини танлаб-танлаб, уч-беш марта йиғиб олинади. Кечки муддатда экилган кечки навлар эса бир марта йиғиштириб олинади.

Сабзавот, полиз ва картошка экинларига зараркунандалардан – оққанот, колорадо қўнғизи, полиз шираси, ўргимчак кана, занг кана, карам ширалари, касалликлардан – замбуруғли касалликлар (қўнғир доғланиш, сохта ун шудринг ва вирусли) хавф солиб, ўсимликнинг яхши ўсиб-ривожланиши ва ҳосилдорлигига салбий таъсир кўрсатади. Шунинг учун уларга қарши кураш чораларини ўз муддатида ўтказиш зарур.

Оққанот ва қанотли ширалар очик майдонларга асосан иссиқхоналарда қишлаб ҳаво исиши билан дарчалар очилганда тарқалади. Улар тарқалишининг олдини олиш мақсадида иссиқхоналардаги ўсимлик қолдиқларини чуқурларга кўмиб ташлаш ёки кимёвий препаратлар билан дориллаб йўқ қилиш тавсия этилади.

Картошкани май ойининг бошидан бошлаб картошка куяси, колорадо қўнғизи зарарлай бошлайди. Шунинг учун картошка, помидор ва бақлажон экинлари зараркунандаларига қарши қуйидаги препаратлар – 20 фоизли “Маспиан” (0,02 л/га) ёки “Багира” (0,05 л/га), 25 фоизли “Цирокс” (0,16 л/га), 30 фоизли “Бензофосфат” (1,7–2,3 л/га), 2,5 фоизли “Децис” (0,1–0,5 л/га) нинг бирортасини 300–600 л сувга аралаштириб пуркаш тавсия этилади.

Помидор куясининг биологик потенциали жуда юқори бўлиб, 250–300 тагача тухум кўяди ва йил давомида 10–12 авлод беради. Бу ҳашаротга қарши 1,8 фоизли “Вертимек” (0,4–0,5 л/га), 57 фоизли “Фуфанон” (0,6–1,2 л/га), 15 фоизли “Эзиом” (0,3–0,4 л/га)

ёки “Аваунт” (0,1 л/га), 20 фоизли “Конфидор” ёки “Багира” (0,4 л/га) ёки “Такуми” (0,3 кг/га) препаратларининг бирортасини 300–600 л сувга аралаштириб пуркаш яхши самара беради.

Оққанот ва полиз шираларига қарши 25 фоизли “Апплауд” (0,5 кг/га) ёки “Циперметрин” (0,3 л/га), 48 фоизли “Калипсо” (0,1–0,15 л/га), 57 фоизли “Фуфанон” (2,4–3,6 кг/га), 20 фоизли “Моспилан” (0,25–0,3 кг/га) препаратларининг бирортасини 300–600 л сувга аралаштириб пуркаш лозим.

Ўргимчаккана, занг каналарга қарши очиқ ва ёпиқ майдонларда 10 фоизли “Ниссоран” (0,1 кг/га), 57 фоизли “Омайт” (1,5 л/га), 20 фоизли “Митак” (2,5 л/га) препаратларининг бирортасини 300–600 л сувга аралаштириб пуркаш самаралидир.

Карам майдонларида карам ширасига қарши 2,5 фоизли “Децис” (0,3 л/га), 35 фоизли “Золон” (1,6–2,0 л/га), 30 фоизли “Бензофосфат” (2,0–2,6 кг/га) препаратларининг бирортасини 300–600 л сувга аралаштириб пуркалади.

Пиёз экилган майдонларда трипсга қарши қуйидаги дорилардан бири билан курашиш лозим: 55 фоизли “Циперфос” (0,3 л/га), 20 фоизли “Суми-альфа” (0,1 л/га), 50 фоизли “Карбафос” (0,6 л/га), 40 фоизли

БИ-58 (0,5–1,0 л/га) препаратларининг бирортасини 300–600 л сувга аралаштириб пуркаш тавсия этилади.

Помидор, бақлажон, ширин қалампир ва бошқа экинларни замбуруғли касалликлардан — ризоктониоз, фузариоз сўлиш, фитотфорозлар кучли зарарлайди. Илдиз бўғзида бироз ботиқ, кўнғир ёки қизғиш кўнғир доғлар пайдо бўлади. Илдиз тукчалари чириб туксиз бўлиб қолади, барглари сарғаяди ва пасткиларидан бошлаб аста-секин қуриydi. Ўсув даврида экинда касалликнинг биринчи белгилари қўриниши билан ўсимликларга профилактика учун 68 фоизли “Риддомил голд” мц (2,5 кг/га), “Курзат Р” (2,5 кг/га), “Превикур” SI (1,5 л/га) препаратларининг бирортасини пуркаш тавсия этилади.

Зараркунанда ва касалликларга қарши курашиш тадбирларини ўз вақтида, меъёрида ва сифатли ўтказиш сабабот, полиз ва картошка экинларидан мўл ва сифатли ҳосил етиштириш имконини беради.

**Р.ХАКИМОВ,**  
қ.х.ф.н.,

**М.ХОЛДОРОВ,**  
б.ф.н.,

**Ф.РАСУЛОВ,**  
қ.х.ф.ф.д., (СПЭВАКИТИ).

## Мутахассис маслаҳати

# ҒАЛЛА КОМБАЙНЛАРИНИНГ ТЕХНИК ҲОЛАТИНИ БАҲОЛАШ

**Айни пайтда жойларда ғалла комбайнларини жорий ўримиғим мавсумига таъмирлаш ишлари ниҳоясига етказилмоқда. Ғалдаги вазифа таъмирдан чиққан ҳар бир комбайннинг техник ҳолатини текшириш ва баҳолашдир. Мазкур тадбир таркиби туман “Давтехназорат” инспектори, қишлоқ хўжалиги бўлимининг масъул мутахассислари, фермерлар, юқори ма-лакали муҳандис-техник ходимлар ва бошқа тегишли ташкилотларнинг вакиллари билан иборат нуфузли туман комиссияси томонидан амалга оширилади. Бунда таъмирдан чиқарилган комбайнларнинг қуйидаги детал, узел ва агрегатларининг техник ҳолатига алоҳида эътибор қаратиш зарур.**

**Юриш қисми.** Вариатор гупчаклари орасидаги тирқиш кенлиги 0,5 мм. дан катталашса, у таъмирланади. Узатмалар бир-бирига қийин қўшилса ёки ўз-ўзидан ажралиб кетса, илашиш муфтаси силтов билан уланса ёки шатакисираса, корпусда ёриқлар бўлса узатма кутиси ва муфта таъмирга тортилади. Тишлари синган ёки едирилган шестернялар носоз деб топилади. Ҳаракат давомида тормоз барабанлари ўз-ўзидан қизиқ кетаверса ёки комбайн зарб билан тўхташа филдираклар тормозларини таъмирлаш талаб этилади. Пайванд чоклариди ёриқлар пайдо бўлган, кронштейнлари узилган, дифференциал ва борг редукторлари корпуслари дарз кетган, шестернялари едирилган орқа ва олд кўприклар таъмирланади. Протекторлари едирилиб кетган шиналар янгиларига алмаштирилади.

**Гидравлик система.** Шланг ва қувурлардан суюқлик томчиласа бирикмалар тортилади, шунда ҳам тўхтамас, албатта алмаштириш зарур. Мой тақсимлагич ва гидроцилиндрлар равон қўшилиши ва ажраши лозим. Жатка 4 секунд ичида тепага қўтарилиши керак.

Тақсимлагич дастаги пружина таъсирида ишчи ҳолатдан нейтрал ҳолатга автоматик равишда қайтиши даркор. Дастакка қўйиладиган энг катта куч — 6 кгк. Агар гидробачоқда мой кўпикласа, гидроцилиндрлар штуцерларининг гайкалари 1,5–2 оборотга бўшатилади ва системадан ҳаво чиқариб юборилади.

Барча насосларнинг созлиги КИ-4200 стенда текширилади. Зарур бўлса ейилган таркибий қисмлар янгиларига алмашади.

**Занжирлар ва тасмалар.** Занжир пластиналари ва втулкаларида ёриқлар бўлишига йўл қўйилмайди. Занжир қадами КИ-6814 асбоби ва ШЦ-П-400-01 штангенциркул билан ўлчади: қадам ошиб кетган бўлса, занжирдан бир ёки икки звено олиб ташланади, бу ҳам наф бермаса, янгисига алмаштирилади. Понасимон, текис ва тишли тасмаларда ёриқлар, қатламларга ажралган кордлар, шишлар, бурмалар бўлмаслиги керак. Сиртлари ялтираб едирилиб кетган, иплари очилиб қолган ва тарангланганга захира-си қолмаган (ортиқча чўзилиб кетган) тасмалар алмаштирилади.

**Юлдузчалар ва шкивлар.** Юлдузча тишларида синган, эзилган ва ейилган жойлар бўлмаслиги керак. Тишлари синган юлдузчалар алмаштирилади. Тишларнинг ейилиш даражаси калибрлар ва шаблонлар ёрдамида баҳоланади. Агар калибр икки ёнма-ён тиш орасига эркин кириб борса, бундай юлдузчани алмаштириш зарур. Шкивларда синган ва қаттиқ деформацияланган борглари бўлишига йўл қўйилмайди.

Шкив ёки юлдузчани қўлда у ёки бу томонга кескин айлантининг. Шпонкали бирикмада тирқиш катталашгани сезилса, шпонкалар қирраларини текшириш, ариқчаларга суюқ металл қоплаб, торайтириш лозим.

Ҳаракат узатувчи шкивлар ва юлдузчаларнинг бир текисликда ётиши текширилади.

**Подшипникли бирикмалар ва валлар.** Подшипник корпуси ва зичлагичида ёриқлар бўлмаслиги керак. Зичлагичдан мой сизиби чиқаётган бўлса, подшипник очилади, сепараторлар, соққалар, айланиш йўллари кўздан кечирилади. Агар металл сиртида ёриқлар, едиришлар, ишчи юзларнинг эзилиши топилса, подшипник алмаштирилади. Агар бу деталлар соз бўлса мойни қўйиб юборадиган зичлагич янгиланади. Подшипник втулкаси тортилган, валга маҳкам шплинтланган бўлиши лозим.

Вал айланттирилганда энгил, қадалишларсиз ҳаракатланиши керак. Валнинг учига ўрнатилган шкив ёки юлдузчани икки қўллаб кескин кўтарилганда подшипникли бирикмада тирқиш сезилса, унинг қиймати КИ-1871.02 мослама ёрдамида ўлчанади. Бу қиймат рухсат этилганидан ошмаслиги даркор.

Шкив бортларининг ёнлама тегиши индикатор билан ўлчанади. Унинг қиймати 1–3 мм. дан ошмаслиги керак. Агар ошса, шкив ечиб олиниб, валнинг тегиши текширилади. Вал эгилган бўлса тўғриланади. Тегиш шунда ҳам йўқолмаса, шкив алмаштирилади.

Подшипникли бирикмалар ҳаракат жараёнида текширилади. Ҳаракат пайтида подшипник корпуслари қизимаслиги керак. Акс ҳолда янги-сига алмаштирилади.

**Сақловчи муфтлар.** Бошоқ, дон ва юклаш шнеклари, орқа контрюртмиси, мотовило, қия камера ва жатка шнегидаги сақловчи муфтлар храповикларининг техник ҳолати кўздан кечирилади. Деталлари синган, едирилган ва эзилган муфтлар таъмирланади. Сақловчи муфгани текшириш учун вал тормозланади, шкив ёки юлдузчага махсус ОПР-484–20 ричагли мослама ёрдамида 10–25 кг.м қийматли максимал айланттирувчи момент берилади. Бунда шкив ёки юлдузча айланиб кетса, муфта деталлари қайта текширувдан ўтказилади.

Сақловчи муфтлар доимо соз ҳолатда бўлса деталлар синмайди, узеллар бузилмайди.

**Мотовило.** Трубалар, планкалар, тортқилар, ёйлар, подшипниклар, дискалар деформациясиз ва ёриқларсиз бўлиши даркор. Айланиш вариатори пастки шкивининг гупчаги ва цилиндри орасидаги тирқиш 0,5, етакловчи диск гупчаги ва цапфаси орасидаги тирқиш 0,7 мм. дан ошмаслиги керак. Бу қийматлар индикатор

билан ўлчанади. Эгилган планкалар ва паншахалар тўғриланади, жуда яроқсизлари алмаштирилади.

**Қирқиш аппарати ва узатмаси.** Деталлар текширилганда, уларда, айниқса сегмент пичоқларда синишлар, ёриқлар бўлмаслиги керак. Пичоқ суянчиғининг кенлиги энг камида 17 мм бўлиши лозим. Бармоқ вкледиши ва пичоқ қаллаги орасидаги тирқиш кенлиги 3,25 мм. дан катта бўлса, брусдаги қистирмалар сонини камайтириш орқали торайтирилади. Пичоқнинг тебраниш қадами 72,5 мм. дан катта ёки кичик бўлса узатма ростланади.

Шатун ва кривошип вали подшипникларидаги тирқиш кенлиги 0,2, коромислода 0,8, карданли вал вилкасида 0,3 мм. дан ошмаслиги зарур.

Сегмент пичоқлари бармоқ вкледишлари сиртига тегмасдан эркин ҳаракатланиши зарур, акс ҳолда улар синиб кетади.

**Жатка шнеги.** Винтсимон лента,



кожухлар, бармоқлар филофи деформацияланганда, бармоқлар, втулкалар, маҳкамловчи деталлар синганда шнек таъмирланади. Бармоқлар филоф тешикларига эркин кириб чиқиши керак, ўқи атрофида айланиши мумкин эмас. Филоф сирти ва шнек трубаси орасидаги тирқиш кенлиги 0,7 мм. дан ошганда филоф янгиланади.

Жатка туби ва ён деворларидаги тешиклар ямалади, эгилган жойлари текисланади.

**Қия камера.** Таглик лист, оралик шитоги, юқори ва пастки қопқоқлар ёрилганда ёки узилганда, занжир йўналтиригичлари ейилганда камера таъмирланади. Шкив, юлдузча, занжирлар, подшипниклар, планкалар, пружиналардаги нуқсонлар бартараф этилади.

**Янчиш аппарати.** Дон савағичлар, уларни барабан (ротор) дискларига маҳкамловчи болтлар, барча битерлар ва шитоклар текширилади. Савағич қовурғаларининг баландлиги 6 мм. дан кам бўлмаслиги лозим. Савағичлар маҳкамлиги болга билан энгил уриб текширилади. Қалтироқ овоз болтларнинг бўшаганидан далолатдир. Барабан валига ҳаракат берувчи шкив гупчагидаги шпонкали бирикмада тирқиш сезилмаслиги лозим. Барабан (ро-

тор) рамага тўғри ўрнатилиши керак. Агар барабан савағичлари билан барабан остлиги (дека) планкалари орасидаги тирқишлар бирдай бўлса, бу талаб бажарилган ҳисобланади.

Барабан остлигининг турли планкалари ва прутоклари узилган ва қаттиқ эгилганда, йўналтирувчи шитоклар ва осии механизми эксцентриги корпуслари едирилганда дека таъмирга юборилади.

**Дон тозалаш механизмлари.** Тебранма доска, сомонсилкитгич, юқори ва пастки галвирлар, бармоқлар, юқоридаги галвир узайтиригичи, вентилятор, тебрантирувчи валлар деталларининг техник ҳолати текширилади. Қадалиб ишлаётган подшипниклар, синган ёки эзилган жалюзалар, бармоқлар, эгилган узайтиригичлар алмаштирилади.

Тебранма доска, сомонсилкитгич ва галвирлар иш жараёнида бир-бирига ва рама корпусига тегмасдан ишлаши керак.

**Шнеklar, элеваторлар.** Винтсимон ленталар ва кожухлар узилганда ёки эзилганда, валлар эгилганда шнеklar таъмирланади. Корпуслари эзилган, ёрилган, доскалари едирилган элеваторлар носоз деб баҳоланади. Элеватор занжири ва юлдузчаси текширилади. Резина қирғичларда учган ва титилган жойлар бўлмаслиги керак. Кожухи тешилган, ёрилган, парраклари синган вентилятор таъмирланади ёки алмаштирилади. Парраклар ва кожух орасидаги тирқиш бир хил бўлиши лозим. Энг асосийси, шнек ва элеваторлардан дон ва бошоқ тўкилмаслиги даркор.

Кейинги босқичда комбайннинг юриш қисмлари, тормоз ва гидравлика системалари ҳаракат жараёнида текширилади. Комбайн жойида энг камида 10 минут ишлатилади: бегона товушлар ва таққиллашлар эшитилмаслиги керак.

Агрегат, қисм ва деталларнинг техник ҳолати текшириш далолатномаларида қайд этилади, комбайнчи ва таъмирлаш корхонасининг муҳандис-технологи томонидан имзоланади, комиссия раиси томонидан тасдиқланади. Техник ҳолати яхши деб топилган комбайнлар “ишга тайёр” деб баҳоланади, носозлари қабул қилинмайди — тузатишга қайтарилади.

Шуни эсда тутиш лозимки, техник ҳолати талаблар даражасида бўлган комбайнлар мавсум давомида бузилмасдан ишлайди, ҳосилни нестобуд қилмасдан ўриб-йиғиб беради.

**М.ТОШБОЛТАЕВ,**  
т.ф.д., (ҚХМЭИТИ).

# ЕТТИ ХАЗИНАНИНГ БИРИ

**БМТнинг Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилоти (ФАО) 2016 йил 4–6 май кунлари Туркиянинг Анталия шаҳрида ўтказилган Европа ва Марказий Осиё давлатлари минтақавий конференциясининг XXX сессиясида асалариларнинг инсоният учун фойдали маҳсулотлар етиштириб беришдаги ҳамда қишлоқ хўжалиги экинларини чанглатиш ҳисобига уларнинг ҳосилдорлигини ошириш ва сифатини яхшилашдаги аҳамияти бениҳоя катта эканлигини ҳисобга олиб, 20 май санасини “Халқаро асалари кун” сифатида белгилаш ташаббуси билан чиқди ва ушбу сана ҳар йили бутун дунёда кенг нишонланмоқда. Шунингдек, ушбу ташаббус нафақат асаларичиликни ривожлантириш, балки асалариларни инсоният ва табиат учун фойдали бўлган жонзот сифатида муҳофазалашда ҳам муҳим аҳамиятга эга.**

Мамлакатимиз табиати шифобахш неъматларга жуда бой. Улар ўзига хос жиҳатлари билан инсон саломатлиги йўлида ғоят фойдали ҳисобланади. Асал — табиатнинг ана шундай беназир, мўъжизавий тўғраларидан бири.

Кейинги йилларда республикамизда аҳолининг озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш, шу жумладан, сифатли асал маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмини кўпайтиришга алоҳида эътибор берилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 16 октябрдаги “Республикамизда асаларичилик тармоғини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори бу борада муҳим дастуриламал вазифасини ўтамоқда.

Мазкур ҳужжатда асал маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг илғор технологик жараёнларини тизимли ташкил этиш, зотдор она асалари ва асалари пакетлари етиштириш, асаларичилик озуқа базасини мустаҳкамлаш, шунингдек, асал етиштириш жараёнида илмий асосланган усуллар ва замонавий технологияларни жорий этиш каби қатор долзарб вазифалар белгилаб берилган.

Бундан ташқари, ушбу қарор билан “Ўзбекистон асаларичилик” уюшмасининг “Апимондия” халқаро асаларичилик уюшмалари федерациясига аъзо бўлиш ҳам назарда тутилган. Халқаро асаларичилар “Апимондия” федерациясига ўзбек асаларичиларининг аъзо бўлиши, бу уларнинг азалий орзуси эди. Чунки бу федерацияга аъзо бўлгандан сўнг жаҳон асаларичилигида бўладиган янгиликлар, илғор технологияларни республикамизда жорий этиш имкониятлари туғилади.

Аҳолининг асал маҳсулотларига бўлган эҳтиёжини таъминлаш мақсадида 2017 йилда 15,4 минг тоннадан зиёд асал етиштирилди. Бу 2016 йилда етиштирилганга нисбатан 1,2 мар-

та кўпдир. Лекин, бу кўрсаткич республикамиз аҳолиси жон бошига тақсимлаганимизда, атиги 300–320 граммни ташкил этади, холос.

Ваҳоланки, бу кўрсаткич Голландия, Германия, Руминия каби давлатларда 2–4 кг. ни ташкил этса, Болтиқ бўйи мамлакатларида 1,3 кг, Украинада 1,2 кг, Россияда 1,0 кг, Беларусияда 0,9 кг. га тўғри келмоқда.

Албатта, бунинг ўзига хос объектив ва субъектив сабаблари мавжуд. Асаларичиликда зарур бўлган дори-



дармонларнинг етишмаслиги, қишлоқ даврида тўйимли озуқа ва асаларичилик асбоб-ускуналари танқислиги, шунингдек, асал қадоклаш, маҳсулот савдо-сотиғи ҳамда экспорт қилиш билан боғлиқ муаммолар шулар жумласидандир. Профессонал ва ҳаваскор асаларичиларнинг тарқоқлиги, мазкур соҳага оид ўзбек тилида адабиётлар камлиги, айрим йўналишлар бўйича эса умуман йўқлиги, солиққа тортиш ҳамда чегара назорати тизимларининг такомиллашмагани каби жиҳатлар ҳам бугунги кунда асаларичилик соҳасининг ривожига салбий таъсир кўрсатмоқда.

Президентимизнинг юқорида номи зикр этилган қароридан ана шу каби муаммоларни бартараф этиш билан боғлиқ қатор вазифалар белгилаб берилган. Жумладан, “Ўзбекистон асаларичилари” уюшмасига аъзо ташкилотлар томонидан хориждан олиб келинадиган насли материаллар (маҳсулот), асаларичилик соҳасида

қўлланиладиган инвентарлар ва ускуналар, асалари уяларини ташиш учун махсус транспорт воситалари ва тиркамалар, асалари касалликлари ва зараркунандаларига қарши қўлланиладиган ветеринария дори воситалари ва препаратлар, асалари уялари ишлаб чиқариш учун ёғоч ва зарур материаллар, пенополиуретан, уларга ёрдамчи ускуналар, бутловчи буюмлар ва эҳтиёт қисмлари ва бошқа маҳсулотлар 2023 йилнинг 1 январигача божхона тўловларидан (божхона йиғимларидан ташқари) озод этилган.

Шунингдек, қарорга асосан республикамиз шароитида асал етиштириш ва уни қайта ишлаш ҳажмларини кўпайтиришга, зотдор она асалари ва асалари пакетлари билан хўжаликларни таъминлашга, асал етиштиришнинг замонавий, илғор усулларини жорий этишга йўналтирилган 2018–2021 йилларда республикамизда асаларичилик тармоғини комплекс ривожлантириш Стратегияси бўйича чора-тадбирлар дастури тасдиқланган. Ушбу дастурда асал маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмини 2021 йилга бориб 23,7 минг тоннадан ошириш кўзда тутилган.

Ўтган йилнинг 1–10 декабрь кунлари илк бор Тошкент шаҳрида “Асал байрами” ўтказилиб, унда республикамизнинг барча ҳудудларидан 100 дан зиёд илғор тадбиркор асаларичилар иштирок этиб, 93,5 тоннадан зиёд асал, гулчанги, прополис, асалари сути каби асалари маҳсулотлари сотилди.

Маълумки, асал таркиби бўйича инсон қон плазмасига жуда яқин турувчи юқори қувватли маҳсулотдир. 100 г табиий асал таркибида 100 дан зиёд инсон организми учун зарур бўлган ҳар хил моддалар ёки фақатгина углеводларнинг 42 хили мужасамлашган. Шу боис асалари маҳсулотларига дунёда талаб жуда катта. Масалан, дунё бозоридан бир грамм асалари захри 100 АҚШ долларидан ортиқ баҳоланади.

Тажрибаларда мунтазам асал истеъмол қиладиган мактаб ўқувчилари, богча тарбияланувчиларида жисмоний ва ақлий ўсиш юқори бўлиши аниқланган. Шунингдек, уларда ижодкорлик қобилияти нисбатан юқори бўлар экан.

**О.ТўРАЕВ,**  
ЧПТИ Асаларичилик лабораторияси  
мудир, қ.х.ф.н.

## МЕХНАТДАН КЕЛГАН ШУХРАТ

**Ҳаёт нима ўзи? У ҳар бир тирик мавжудотнинг, шу борада инсон зотининг ҳам умр манзилларида ўз шакли шамойили, меъёрлари, қилган эзгу амаллари билан ўлчанадиган мақсадларнинг ёрқин изи эмасми?**

Ўзининг тиниб-тинчимаслиги, умрининг ҳар бир кунини ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш, тўкинлик, яратувчанлик каби эзгу амаллар билан безаб, одамларга яхшилик қилиш туйғулари яшаб келаётган тажрибали деҳқон, Шовот туманидаги “Анор” фермер хўжалиги раҳбари, “Меҳнат шуҳрати” ордени ва “Шуҳрат” медали соҳиби Бозорбой Оқманов ҳақида фикр айтишдан олдин Оқмановлар оиласи ҳақида тўхталиб ўтишни жоиз деб билдик.

Иккинчи Жаҳон урушининг заҳматларини тотиб, кўксини қатор орден, медаллар безаган, урушдан қайтгач қишлоқ хўжалигида танилиб, 1994 йилда “Меҳнат шуҳрати” ордени билан тақдирланган Жумабой Оқманов ва унинг турмуш ўртоғи, кўчатчиликни касб қилиб 11 фарзандни вояга етказган қаҳрамон она Анор Қозоқоваларнинг номи бугун ҳам эл-юрт, маҳалладошлари ҳурмат билан тилга олади. Ватанга, халққа меҳру садоқат билан хизмат қилган бу азизларнинг ишини давом қилдираётган фарзандлари ҳам бугунги кунда эл-юрт эътирофига сазовор.

Анор она ўз томорқасида мева кўчатлари етиштириб бозорга сотар, пилла мавсумида ипак қурти боқиш билан шуғулланарди. Бозорбой ака онасини эслаб шундай дейди: Онам ҳам жуда фидойи ва фикри теран инсон эдилар, ипак қуртининг оқликка ўралиб ҳаёти ниҳоясига етишини инсон умрига қийёслаб: “Болам, инсон умри ҳам шундай фидойилик талаб этади”, — дердилар.

Ўйлаб қаралса, бу фикр оддий ва заковатли, оиласининг куйинчаги бўлмиш қишлоқ аёлининг, зотан муниса онанинг ҳаёт ҳақидаги ақидаси шаксиз тўғри ва беқиёс умр ҳақидаги тугал фалсафадир.

— Бу пайтларда жуда тушқунликка тушдим, битта хона ичида 12 йил бемор ётдим, аммо мени дўстлар, яхши инсонлар эътибори, яна шу ҳаётга қайтарди, — дейди у. — 1991 йилда аҳволимни кўриб туман ҳокими, раҳматли Йўлдош Ҳожиев 0,5 гектар ер майдони ажратиб бериб, дала ҳавоси шифо,

ахир сен деҳқон фарзандисан, деб менга отам, онам ҳақида эслатиб қўйдилар. Айниқса, онам яхши кўрган арча дарахтидан тараладиган ифор бронхиал астма касаллигига даъволигини билгач, турли навларини экиб парваришлашни бошладим. Бугун соғлиғим анча яхши, мана шу арча ва бошқа турли кўчатларни етиштириб юртимизни кўкаламзорлаштиришда ўз хиссамни кўшсам, элга нафим тегса қувонавераман.

“Анор” фермер хўжалиги 1996 йил 2 гектар ерда тут кўчати етиштириш билан ўз фаолиятини бошлади. Ҳозирги кунда 33 гектар ер майдонига эга хўжаликнинг экин майдони 23 гектарни ташкил қила-



ди. 7 гектар ерда тут ниҳоллари баравж ривожланиб турибди. 8,5 гектарга арча дарахтининг моржевенник, туя каби Хоразм шароитига мос турлари экиб етиштирилади. 1 гектар ер майдонида япон сафораси, 1,5 гектарда каталпа гуллари, 0,5 гектарга манзарали юқа гуллари, 0,5 гектарда бодом кўчатлари экилган. 2,5 гектарда сабзавот, 1 гектарда эса ғалла етиштирилмоқда. 2 гектар ерга бу йил саксовул кўчатлари ҳам экилди. Кўм-қўк арча ниҳолзорлари ястаниб ётган далада иш қизғин, ниҳолларини саралаётган, экаётган ишчилар Ўктам Отамуротов, Султон Хусайнов, Достон Юсупов каби тажрибали кўчатчилар бор экан, хўжаликда унумдорлик яна ошади.

Жорий йил эрта баҳорда хўжаликда етиштирилган 10 000 туп каталпа, 19 000 туп япон сафораси, 8 000 туп гужум кўчатлари Сирдарё вилоятига сотилди, шунингдек, 7 500 туп турли кўчатлар кўка-



ламзорлаштириш ишлари учун хайрия қилинди.

Меҳр ва саҳоват билан эл-юртга хизмат қилаётган фермернинг ҳар бир куни фидойилик билан йўғрилган. Бу унга шуҳрат келтириши табиий.

— Маҳалламизда 721 оила, 2793 киши истиқомат қилади, кўпчилиги шу ерда меҳнат қилади, — дейди Қозоққалъа маҳалла фуқаролар йиғини раиси Ўктам Қозоқов. — Бозорбой Оқманов кам даромадли оилаларга доимо ёрдам бериб келмоқда, 4 та хўжаликка мол берди, тўй-томоша, маъракаларида ҳам моддий ва маънавий ёрдамни аямайди. Атроф-муҳитни ободонлаштиришда ҳам ўз ҳиссасини қўшиб кўчат билан таъминламоқда.

Қизиғи шундаки, Бозорбой ака кўпроқ хайрия ишларини амалга оширади. Бу йил 3000 туп ўрик ниҳолларини хайрия сифатида тарқатди.

1 гектар ғалланинг ўзидан 70 центнер ҳосил олиб, такрор экин экаётган хўжалик аъзолари кўчатчиликда ҳам шу тажрибани қўллаб, далалар кўчатлардан бўшатилган заҳоти ишлов бериб, суғориб ва вақтида озиклантириши сабабли яна янги ниҳоллар экиб етиштиришни йўлга қўйишган. 7 гектар табиий балиқ ҳавзасидан йилига 10 тонна балиқ олинарди. Бу йил қўл қайта таъмирланди, 50 млн. сўм даромад олиш мўлжалланмоқда. Ўтган йили умумий 262 млн. сўм тушумнинг 169 миллиони соф фойда бўлиб, бу тушум хўжаликни ривожлантиришга сарфланмоқда. Бу йил 500 млн. умумий фойда кўриш кўзда тутилмоқда.

**Ш.ЖАББАРОВА,**  
ўз муҳбиримиз.

*Суратларда: фермер Б.Оқмонов ва хўжалик ҳаётидан лавҳалар.*



# СУВИ БОРНИНГ КЎНГЛИ ТЎҚ

Хоразм юртимизнинг ўзига хос тупроқ-иқлим шароитига эга ҳудуди ҳисобланади. Айниқса ўлкага баҳор жуда ўжарлик ва ўйноқилик билан кириб келади. Табиатидек серзавқ ва бир сўзли қишлоқ аҳли қийинчиликлардан чўчимайди. Далаларда иш қизиган сайин сув тақчиллиги муаммоси ҳам бошланади. Аммо миробларимиз ҳам қараб туришмайди, улар бор имкониятни ишга солиб, ўлканинг боғ-роғларини, далаларини оби-ҳаёт билан таъминлайдилар. Шунинг учун ҳам вилоятда қишлоқ хўжалиги экинларидан салмоқли ҳосил олинмоқда.



“Амударёчапқирғоқ” ирригация тизимлари ҳавза бошқармасида ишлаб чиқилган график асосида эрта баҳордаёқ барча туманларда сув ресурсларидан унумли фойдаланиш, ирригация тизимлари ва суғориш тармоқларини тозалаш, насос агрегатлари ва гидротехника иншоотларини таъмирлаш, фермер хўжаликларининг сув олиш жойларини сувни бошқариш воситалари билан жиҳозлаш, сув тежайдиган технологияларни жорий қилиш, сувчилар шароитларини яхшилаш каби қатор вазифалар белгилаб олинди.

Бу йил Амударёда сув ҳажми меъёрига нисбатан 85–90 фоиз бўлишини инobatга олиб, Туямўйин сув омборидаги мавжуд сув ресурсларидан оқилona фойдаланиш бўйича сув чиқаришни Сув хўжалиги комиссияси, яъни Хоразм вилояти, Қорақалпоғистон Республикаси ва кўшни Туркманистоннинг Дошқовуз вилояти сув хўжалиги раҳбарлари биргаликда ҳар 10 кунда йиғилишиб, белгиланган тартибда Туямўйин сув омборидаги мавжуд сув миқдорларини тақсимлаш бўйича келишиб иш олиб борилмоқда.

Вилоятда 2018 йилнинг 3 апрелигача 146,6 км узунликда хўжаликлараро каналлар (94%) тозаланди. 115,5 м<sup>3</sup> бетон ишлари бажарилди. Улардаги 40 дона гидротехник иншоотлар тўлиқ таъмирланди, 89 дона затворлар янгиланди. Давлат ҳисобидаги 70 дона, СИУ ва фермер хўжаликлар ҳисобидаги 56 дона насос агрегатлари тўлиқ таъмирланди.

84 нафар фермер хўжаликлари “Шўртангазимё комплекси” ОАЖ билан 250 млн. сўмлик шартномалар имзолаб, 70,3 млн. сўм маблағ ўтказиб берилди. Кўчма эгилувчан қувурлар орқали суғориш бўйича 54 фермер 1000 гектар ер учун 34,02 млн. сўм қийматида шартнома қилиб, 18,460 млн. сўм маблағ

ўтказди. “Жиззах пластмасса” ОАЖ заводидан 50 комплект эгилувчан қувурлар олиб келиб фермерларга тарқатилди. Бу каби ишларнинг бари вилоят туманларида сув тақчиллигининг олдини олиш учун қилинаётган айна куннинг долзарб вазифаларидир.

“Амударёчапқирғоқ” ирригация тизимлари ҳавза бошқармасининг “Қарамази-Қиличбой” ирригация тизими бошқармасида 155 нафар ишчи ходимлар меҳнат қилади. Бу жамоа Гурлан туманидаги 29700 гектар суғориладиган майдонларни



белгиланган лимитлар асосида сув билан таъминлайди.

Туманда сувни тежовчи замонавий технологиялар жорий қилинган. 2017 йилда 400 гектар майдонда кўчма эгилувчан қувурлар ёрдамида суғориш, 25 гектар майдонда эгатларга полиэтилен пленка тўшаб суғориш, 10 гектарда томчилатиб суғориш технологиялари татбиқ қилинди. Жорий йилда яна 13 гектар майдонда томчилатиб, 140 гектар майдонда эгатга полиэтилен плёнка ётқизиб суғориш жорий қилинмоқда.

“Амударёчапқирғоқ” ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси бошлигининг ўринбосари Мақсуд Собиров ҳамроҳлигида “Қарамази-Қиличбой” ирригация тизими бошқармасига қараб йўл олди. Йўл бўйи бўялган ва таъмирланган насослар, гидротехника иншоотларини кўздан кечирдик.

Йўлда иссиқхонага кўзимиз тушди. 6 сотих майдонни эгаллаган иссиқхонада помидор, лимон етиштирилмоқда. Иссиқхонада ишлаётган Отабек Раҳимбоев, Файзулла Сафарбаевлар бу ерда қиш бўйи болгар қалампири ва кўкатлар ҳам етиштиришиб, яхшигина даромад олганларини таъкидлашди.

“Қарамази-Қиличбой” ирригация тизими бошқармаси бошлиғи Шавкат Раҳмонов, бошқарма бошлигининг ўринбосари Зокир Холлиев ва Давлатмурод Эшнӣёзовни экскаватори ёнида, Амударёдан сув олувчи насос станциясига сув келтирувчи 0,8 км узунликдаги канални лойқадан тозалаш ишлари олиб борилётган жойда учратдик. Бу ерда иш олиб бораётган “Жуньян” экскаваторида Александр Вафаев, Ўктам Шомуродовлар кунлик режа-топшириқларни 105–110 фоизга удалаб, илгорлар сафида меҳнат қилмоқдалар.

Насос таъмирловчи Омонбой Арнамуротов, Жаҳонгир Бобожонов, Саъдулла Ортиқовларнинг фаолиятини кузатиб, ҳар бир иншоотнинг эътиборда эканлигига иқрор бўлдик.

Ҳар йилгидек миробларимиз ўз вазифаларининг уддасидан чиқсаларгина ҳосил мўл бўлади. Сувчиларимизнинг шарафли меҳнати, фидойилиги, кечаю кундуз тиним билмаслиги эвазига фермер хўжаликларда ва қишлоқ хўжалигининг барча соҳалари ривожланиб, далаларда ҳаёт суви жилдираб, деҳқон чехрасига табассум ёйилади. Илло, бугунги меҳнат кузги улкан, мўъжизакор хирмонларнинг юксалишида катта имкониятдир.

*Ўз мухбиримиз.*

*Суратларда: “Қарамази-Қиличбой” ИТБ ходимлари ҳаётидан лавҳалар.*

# МУКОФОТ – МАСЪУЛИЯТ ДЕМАК

Деҳқончиликда қишлоқ хўжалиги техникаларининг ўрни беқиёс. Чунки бир кун кечиктирилган тадбир бир йиллик ҳосилнинг чўғини йўққа чиқариши мумкинлиги ҳеч кимга сир эмас. Шунинг учун деҳқонларимиз "Техника – деҳқоннинг қаноти" деб қишлоқ хўжалиги техникаларини ва уларнинг "чавандоз"-лари бўлмиш механизаторларни ҳурмат қилиб эъзозлашади.

– Жорий йилда туманимиз деҳқонлари 8800 гектар майдонида ғалла ва 10000 гектарда пахта етиштиришмоқда, – дейди Бешариқ тумани "Агромаштехсервис" МЧЖ раҳбари Абдунозир Кенжаев.



– Албатта, 365 та фермер хўжалигининг экин майдонларига уруғ экиш, агротехник ишлов бериш ва етиштирилган ҳосилни нест-нобуд қилмасдан йиғиштириб олишда жамоамизнинг ўрни беқиёс. Бунинг учун 12 та юқори унумли ҳайдов тракторимиз, пневматик экиш сеялкамиз ва 14 та комбайнимиз доимо хизматга шай ҳолда сақланади. Экин майдонида ишлаётган техникаларимизга ёнилғи етказиб берувчи ва техник хизмат кўрсатувчи машиналар хизмат кўрсатишади. Мақсадимиз экин майдонларида агротехник тадбирларни тез ва самарали амалга оширишдан иборат. Жамоамизда бир-бирига ёрдам қўлини чўзиш одат тусига кирган. Бу аънанани ривожлантириб боришимизда малякали оператор Нўмонжон Раҳматиллаев каби ҳамкасбларимизнинг хиссаси катта бўлмоқда.

– Механизаторликка бўлган қизиқиш ёш коллеж битирувчиларини жамоамизга етаклаб келмоқда. Уларнинг қишлоқ хўжалик техникаларини бошқаришга бўлган қизиқишларини янада ошириш бизнинг вазифамиз, – дейди Нўмонжон ака.

– Уларни кўриб ўзимнинг ҳам техникага илк ўтирган даврларим эсимга тушади. 1995 йили билим юртини тамомлаб, собиқ «Бешариқ» ширкат хўжалигига механизатор бўлиб ишга киргандим. Устозим Кенжавой Чиланов "Эрта тонгда техникани кўздан кечириб, яхшилаб ювиб, кейин рулга ўтир" деб берган насиҳатлари ҳамон қулоғимда. У пайтларда эски Т-4 ҳайдов тракторини бошқарардим. Устозларимиз бизнинг ҳовуримизни тушириш учун ҳайдов тракторига ўтказиб, экин майдонига киритиб юборишарди. Бир-икки сутка деярли ухламай ер шудгорлаганимиздан сўнг аста-секин техникангизнинг ҳолатию дардини тушуниб борардик. Эртасига устозимизга бажарган ишимиз ёқмаса, ёнимизга ўтириб сифатли иш қандай бажарилишини кўрсатарди. Бир неча марта ушбу ҳолат қайтарилгач, рулда ўтирган жойингизда омонларнинг ерни қанча чуқурликда ағдараётганигача айтиб берадиган бўлиб қоласиз. Чунки техниканинг овози иш сифатини айтиб беради-да. Шунга ҳам 23 йилдан ўтибди. Бу орада ўзим ҳам қанчадан-қанча

шогирдлар етиштириб чиқардим. Яна атрофим тўла шогирдлар. Бу ҳам, албатта, бахт. 2000 йилдан "Кейс" ғалла ўриш комбайнида оператор бўлиб ишлай бошладим. Мана, неча йилдирки, кеч кузда МХ-255 юқори унумли ҳайдов тракторида ер шудгорлайман. Эрта баҳорда эса ушбу тракторимга пневматик сеялка тиркаб чигит экман. Ёзда яна "Кейс" комбайнини бошқариб, бугдой ўримида қатнашман. Ўтган йилги мавсумди жами 130 млн. сўмдан ортиқ иш бажаришга эришдим.

"Меҳнат инсонни улуғлайди", дейишади. Чиндан ҳам халқимиз ҳақ гапни айтган. Қилган меҳнатларим туфайли жамоада ўз ўрнимни топдим, дўстлар, шогирдлар орттирдим. Давлатимиз ҳам менинг камтарона меҳнатимни юксак қадрлаб "Шухрат" медали билан тақдирлади. Бу эътибор мен ва мен каби далада меҳнат қилаётган механизаторларнинг янада шижоат билан ишга киришишлари учун замин бўлиб хизмат қилади, албатта.

**Э.КАРИМЖОНОВ,**  
*Ўз мухбиримиз.*

*Суратда: Нўмонжон Раҳматиллаев.*

## ДЕХҚОН ФАРЗАНДИ ДЕХҚОНАЛИ

**Кўхна Олмос қишлоғи аҳлини нафақат Наманган вилоятида, балки бутун республика-мизда яхши танишади. Сабаби олмосликлар мамлакатимизда азал-азалдан миришкор деҳқонлар сифатида донг таратишган. Улар болаликдан ер билан ошно бўлиб вояга етишишади.**

Биз ҳикоя қилмоқчи бўлган қаҳрамонимиз ҳам ана шундай тажрибали деҳқонлар авлодидан. Бундан бир неча ўн йиллар аввал Юсуфжон ота Избосаров (раҳ-магли)га қишлоқ аҳли “Бободехқон ота” деб иззат-икром кўрсатишар эди. Сабаби у киши узоқ йиллар ширкат хўжалигида бригада бошлиғи бўлиб, кўплаб ёшларга деҳқончилик сир-синаотларини ўргатган эди. Эрта тонгдан кун ботгунча ёш деҳқонларни ортидан эргаштириб пахта ва ғалла кўчатларини соғлом кўкар-тириш, агротехник тадбирларни ўз вақтида амалга оширишнинг афзалликлари ва ҳосилдорликни оши-риш ҳақидаги ўз фикрлари билан ўртоқлашарди.

Отанинг тўрттинчи фарзанди Деҳқонали ўзига тортиди. У отасининг маслаҳатларини болалигиданоқ кўнглидан мустақкам жой-лаб олганлиги сабабли ер-дан узоқлашиб кета олма-ди. 2003 йил туман ҳокимли-гига мурожаат қилиб 23 гек-тар экин майдони билан “Юсуфжон ҳожи Избоса-ров” номли фермер хўжа-лигини ташкил қилди. Чуст туманининг Олмос қиш-лоғи экин майдонларининг талайгина қисми қир-адир-ликларда жойлашганлиги сабаб бу ерларда меҳнат қилиб мўлжалланган ҳосилни олиш деҳқонлардан тад-биркорлик ва уддабуронликни талаб қилади. Қолган гапларни фермернинг ўзидан тингласак.

— Экин майдонларимизнинг мелиоратив ҳолати кўнгилдагидай эмасди. Ҳар гектар майдондан ўртacha 23 центнердан пахта ва 25–30 центнердан ғалла олиш мумкин эди, холос. Қишлоғимизнинг тажрибали деҳ-қонлари билан экин майдонларига ишлов беришни бошладик. Ерлар ёввойи ўт-ўлан томирларидан тоза-ланди, сувни, йўқотишларсиз етиб келишини таъ-минлаш мақсадида ариқ ва зовурлар қавланди, уват-ларда фойдаланилмай ётган ерлар текисланиб, экин майдонига қўшилди ва барча майдонлар маҳаллий ўғит билан озиклантирилди. Қилинган меҳнатнинг на-тижаси ҳам кўп кутдирмади. Ер ўзининг ҳолатини тик-лаб, ҳосилини кўз-кўз қила бошлади. Минг бор шу-кур, отамнинг маслаҳатлари туфайли бирор йил дав-латга пахта ва ғалла сотиш режасини бажара олмай қийналганимиз йўқ. Ҳозирда 21 нафар доимий ишчи-ларимиз билан 101,8 гектар экин майдонида меҳнат қиляпмиз. Шундан 11 гектари чорвамизга ем-хашак етиштириш учун, 1,7 гектари тут плантациясига аж-ратилган. Ишчиларимизнинг самарали меҳнат қилиш-лари учун дала шийпонимизда барча шароитлар яра-тилган. Ишчиларимиз 8 ой ўртacha 1–1,5 миллион сўмдан ойлик маош билан таъминланишади. Жорий йил ҳосили учун 55 гектар майдонга ғалланинг уруғ-лик элита “Таня” навини экканмиз, мақсадимиз дав-

латга сотиш режаси бўлган 40 центнердан ошириб 60–65 центнердан ҳосил кўтариш. 45 гектар экин май-донига пахтанинг уруғлик “Наманган-34” навини эяпмиз. Мана бир неча йил бўлибдики, ҳар гектари-дан 40 центнердан ошириб ҳосил оламиз. Жорий йилда бу маррани янада оширишга бел боғлаганмиз. Тут плантацияларимизда парваришланаётган тут кўчат-ларига ҳам алоҳида эътибор қаратганмиз. Чунки жо-рий йилги мавсумда 10 қути ипак қурти боқиб 600–650 килограмм сифатли пилла маҳсулоти етиштириб беришни режалаштирганмиз. Бунинг учун тут барг-лари етарли ва хўжалигимиздаги пиллакорлар билан шартномалар тузилган.

Маълумки, мамлакатимиз фермерлари кўп тармоқ-лиликни йўлга қўйишга алоҳида эътибор қаратмоқда-лар. Чунки бу йўналишда хўжаликнинг иқтисодий мус-тақамлиги ошиши баробарида, кўплаб қишлоқ ёшлар-ининг доимий иш билан таъминланишига ҳам замин яратилади. Натижада бозорларимиз тўкин, халқимиз ҳаёти фаровон бўлади. Д.Избосаров ҳам учта муҳим йўналишни ривожлантириб бормоқда.

— 5 йил бўлди 6 гектар майдонда ёнғоқзор барпо этганмиз, — деб сўзида дав-вом этади фермер. — Ёнғоқ мевасининг инсон органи-зми учун қанчалик фойдали эканлиги халқимизга аён. Шунинг учун бу мевани етиштириб, халқимиз дастурхонига тортиқ қилишни мақсад қилганмиз. Ушбу майдонларга ёнғоқнинг сер-ҳосил “Королевский” нав-ини экдик. Бу нав бошқа нав-лардан узум сингари ҳосил солиши билан ажралиб ту-ради. Келгуси йилдан ҳар тупидан 90–100 килодан ҳосил олишни кўзлаб турибмиз. Дала шийпонимизда 34 бош қорамолни бўрдоқи учун парваришлаймиз. Бўрдоқчилик жуда оғир соҳалардан бири. Чунки қорамол берган озукангизга қараб гўшт беради. Ҳозирда гўшт нархининг кескин кўтарилишида озуканархининг ўрни катта. Биз ажратилган экин майдон-ларига ва такрорий экин майдонларига чорва озукаси учун маккажўхори ва дуккакли экинлар экамиз. Бу ўсимликлар ҳам ерга азот беради, ҳам чорва учун озуканга. Бундан ташқари хўжалигимиз йил давомида ўртacha 7 тонна сифатли гўшт маҳсулотини аҳолига етказиб беради. Жорий йилда Германиядан 33 бош гольштин ва сементал зотли насли қорамоллар харид қилдик. Хўжалигимизда 75 бош насли ҳисори қўйлари ҳам парваришланмоқда. Келгусида бу соҳадан ҳам юқори даромад олишни режалаштирганмиз.

Хўжалик аъзоларининг эришаётган ютуқлари боис 2017 йил Президентимиз Фармонига биноан Деҳқонали Избосаров “Шуҳрат” медали билан тақдирланди. Ушбу мукофот фермер ва унинг ишчиларини руҳлантириб, уларни яна юксак марралар сари одим-лашга ундайди, албатта.

*Ўз мухбиригимиз.*

*Суратда: фермер Деҳқонали Избосаров (чапда) ва механизатор Улуғбек Турсунов келгуси агротехник тадбирлар юзасидан суҳбатлашмоқда.*



## “ШИДДАТ”НИНГ ШИДДАТИ БАЛАНД



Улуғнор чўл ҳудудида жойлашган туман. Ер ости сув сатҳи нисбатан юзада жойлашганлиги сабабли шўрланиш даражаси ҳам Андижоннинг бошқа туманларига қараганда анчагина юқори. Баҳор ойларида эсадиган кучли шамол қум кўчкиларини юзага келтириши туфайли экинни икки ёки уч маротаба қайта экиш ҳоллари ҳам кузатилади.

Шунингдек, коллектор-зовурларда ҳам тозалаш ишларини тез-тез ўтказиб туриш тақозо этилади.

Туманда амалга оширилаётган ислохотлар билан яқиндан танишиш мақсадида Улуғнорда бўлди. Бизни туман Қишлоқ хўжалиги бўлимининг бош мутахассиси Шавкатбек Якубов кутиб олди. У билан суҳбатимиз туман фермер хўжалиқларининг истиқболли лойиҳалари хусусида кечди.

— Туманимиз фермерлари 20 565 гектар майдонда деҳқончилик қилишади, — дейди Ш.Якубов. — 327 та фермер хўжалиги 5285 гектар экин майдонида галла ва 9014 гектар майдонда пахта етиштиради. Бундан ташқари, 35 та чорвачилик, 4 та паррандачилик ва 182 та балиқчиликка ихтисослашган фермер хўжалиқлари халқимиз дастурхони тўқинлиги йўлида меҳнат қилишмоқда. Кейинги йиллар давомида давлатимиз яратган имкониятлардан унумли фойдаланиш мақсадида хўжалик раҳбарлари қўшимча хўжалиқлар ташкил этиш юзасидан ўз лойиҳаларини тақдим қилишмоқда. Албатта, туманимиз ҳокимлиги мутахассислари ҳам уларни қўллаб-қувватлаб, келгуси режаларининг тезкорлик билан амалга ошишида ёрдамларини аяшмаяпти. Натижада қорамоллар, паррандалар бош сони йилдан-йилга ортиб бораёпти. Балиқ етиштириш салмоғининг ошишига эришиляпти.

Биз Шавкат ака билан Мингбулоқ қишлоғи томон йўлга чиқдик. Одамнинг қўли гул, деб бежиз айтишмаган. “Шиддат” фермер хўжалиги ҳудудига кириб борар эканмиз, кенг кўламда олиб борилаётган бунёдкорлик ишлари эътиборимизни тортди. Бизни хўжалик раҳбари Азизбек Жамолитдинов кутиб олди.

— Асли касбим иқтисодчи, — деб гап бошлади фермер, — 2002 йилда собиқ Мирзааҳмедов номли ширкат хўжалигининг 2-бўлимида ёрдамчи-иқтисодчи бўлиб фаоли-

ят бошлаганман. Бир неча йил ширкатда ишлаб, туманнинг кўплаб уста деҳқонларидан пахта ва галла етиштириш сир-саноатларини ўргандим. 1997 йил отам Акбарали Жамолитдинов туманда биринчилардан бўлиб 10 гектар майдонда фермер хўжалигимизни ташкил қилганди. 2006 йил отам ишонч билдириб, хўжалик раҳбарлигини менга топширди. Ҳозирги кунда 31 гектарга галланинг “Краснодар-99” навини, 61 гектар майдонга пахтанинг “Андижон-35” навини экиб парваришляпмиз. 25 нафар доимий ишчиларимиз билан ҳар гектар майдондан 60 центнердан галла ва 40 центнердан пахта ҳосили олишга бел боғлаганмиз.

Барчамизга маълумки, галла ва пахта ҳосилини сотганидан кейингина хўжалик ҳисобига маблағ келиб тушади. Қолган вақт оралиғида фермер ер учун маблағ сарфлашга мажбур. Агротехник тадбирларнинг ўз вақтида амалга оширилмаслиги ҳосилдорликнинг кескин камайиб кетишига олиб келади. Шунинг учун хўжаликни молиявий қўллаб-қувватловчи объекти бўлиши зарур. Бу борада давлатимиз раҳбари барча шарт-шароитларни яратиб бермоқда. Бу имкониятлардан оқилона фойдаланган фермерлар салмоқли муваффақиятларга эришмоқда.

2016 йилда 2400 бош бройлер жўжаларини харид қилиб, парваришлагга киришдик. “Интилганга толе ёр” деганларидай иш олға силжиб, хўжаликка соф фойда кириб кела бошлади. Натижада “Андижон бройлер” фермер хўжалигимиз алоҳида субъект сифатида ўз фаолиятини бошлади. 2017 йилда паррандаларимиз бош сони 850 000 бошга етиб, халқимиз дастурхонига қарийб 2000 тонна парҳез парранда гўшти етказиб беришга муваффақ бўлдик. Шу йили 100 тонна сифимга эга бўлган совутгич қуриб ишга туширдик. 45 сотихга иссиқхона қуриб, лимон,

қалампир, булғор қалампери, помидор ва бодринг етиштиришни йўлга қўйдик. Паррандалар учун кушхона қуриб ишга туширишимиз натижасида даромадимиз янада ортиб борди. Паррандачилик нозик соҳа бўлиши билан бирга даромадли ҳам. Паррандани бежиз етти хазинанинг бири дейишмаган. Шу соҳани йўлга қўйганимиз сабаб 80 дан ортиқ қишлоқ ёшлари доимий иш жойига эга бўлишди. Бу эса шунча ёш чет давлатларда сарсон-саргардон бўлмасдан ўз оиласи бағрида меҳнат қилиш имконига эга бўлди деганидир.

“Шиддат”чиларнинг келгуси режалари янада улкан. Ўтган 2017 йилда 8 млрд. сўмлик лойиҳа амалга оширилган бўлса, бу лойиҳани янада ривожлантириш жорий йилда ҳам давом эттирилмоқда. Жумладан, 5 та ҳар бири 35 минг бош жўжа парваришлагга мослаштирилган паррандахоналар замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланмоқда. Бундан мақсад хўжаликка яна 300 000 бош “Ломан браун” зотли жўжаларини олиб келишдир. Шунингдек, хўжаликда парранда гўшти билан бирга тухум ҳам етиштириб, халқимиз дастурхонига тортиқ қилиш. Бу ҳали ҳаммаси эмас. Азизбекнинг ташаббуси билан яқин кунларда хўжаликда яна бир соҳа — чорвачилик ҳам ўз фаолиятини бошлайди.

Хўжалик раҳбарининг айтишича, Германия давлатидан 300 бош насли қорамол харид қилиш учун барча тадбирлар амалга ошириб бўлинган. Фақат узоқ йўл босиб келаётган қорамолларни қабул қилиб олиш қолган, холос. Бу эса хўжаликда 2018 йил яна 40–50 нафар қишлоқ ёшлари доимий иш билан таъминланишлари учун замин бўлиши шубҳасиз.

**К.ҲАЙИТБОВЕВ,**  
ўз мухбиримиз.

*Суратда: “Паррандалар саломатлиги сифатли маҳсулот гарови”, — дейди Шавкатбек Якубов.*

## БАХТИ ҚУЛГАН ФЕРМЕР



**Юртимизни жаннатга менгзашади. Бу, бежиз эмас, албатта. Боиси сайёрамизнинг бармоқ билан санарли мамлакатларидагина фасллар алмашинуви ўз вақтида амалга ошади. Жонажон Ўзбекистонимиз ҳам ана шундай юртлар сирасига кириши халқимизнинг бахтидир. Зеро, юртимизнинг ҳар бир фасли ўзига хос тароватга эга. Шу билан бирга, қуёш нурларига тўйиниб етилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг ҳам донги бутун жаҳонда маълум ва машҳур.**

Халқимиз баҳор фаслини кутиб олар экан, Аллоҳдан юртимизга тинчлик-осойишталик, халқимизга сиҳат-саломатлик тилаш билан бирга, албатта, бободехқонларимизнинг ҳосили мўл бўлишини сўрайди. Бу ҳам бежиз эмас. Ҳосилнинг мўл бўлиши дастурхонимизнинг тўқинлиги, дастурхон тўқинлиги эса фаровон ҳаёт ифодасидир.

Жорий йилда Наманган тумани деҳқонлари ҳам ана шундай эзгу ниятларни кўнгилга жо айлаб иш бошлашди. Туман аҳли 12457 гектар майдонида деҳқончилик қилишади. Шунинг 5270 гектарига ғалла, 6050 гектарига чигит, қолган майдонларга озиқ-овқат экинлари уруғини қадаб, керакли агротехник тадбирларни ўз вақтида амалга оширишга киришишган. Туман меҳнаткашлари жорий йилда давлатга 20200 тоннадан зиёд пахта ҳамда қарийб 18500 тонна сара дон сотишга бел боғлаган.

— Туманимиз аҳолиси кўп йиллардан буён деҳқончилик, боғдорчилик ва чорвачилик билан шуғулланиб келади, — дейди “Уста Қурбон” фермер хўжалиги раҳбари Исмоил Арслонов. — Шунинг учун бўлса керак, ёшларимиз ҳам болалигидан деҳқончилик сир-асрорларини ўрганиб катта бўлишади. Менинг ўзим ҳам мактабни тамомлаб, 1973 йили собиқ Й.Охунбобоев номи хўжаликда тракторчи бўлиб иш бошлаганман. 1993 йилдан бригада бошлиғи бўлиб фаолиятимни давом эттирдим. 2002 йилда 105 гектар майдонда фермер хўжалигимизни ташкил қилдик. Хўжалигимизнинг экин майдонлари Норин дарёси бўйида жойлашган бўлиб, халқ орасида “Орол” номи билан танилган. Бу ерлар туман марказидан анчагина олисда жойлашганлиги учун қаровсиз

ҳолга келиб қолган эди. Ер эгаси эканлигини ҳис қилсангиз, туни билан ухламай режалар тузиб чиқар экансиз. 50 нафар доимий ишчиларимиз билан экин майдонларини яхшилаб ағдариб, ёввойи ўт-ўланлар томирларини йиғишга киришдик. 25 гектар майдондан 50 тележкадан зиёд томирларни чиқариб ташладик. Сўнгра далани обдон текисладик.

Йиллар давомида ишлов берилмай зах босган ва берг ҳолга келиб қолган ер эркин нафас олиб, ҳосилдорлик аста-секин оша борди. Ишонасизми, ўша пайтларда гектаридан 20 центнер ҳосил олганмиз, десак биров ишонмайди. Астойдил қилган меҳнатларимиз эвазига ҳосилдорлик борасида туманимизда энг юқори кўрсаткичга эришадиган жамолардан бирига айландик.

Жорий йил 60 гектар майдонга ғалланинг “Таня” навини экканмиз. Давлатга сотиш режамиз ҳар гектар майдондан 34 центнер бўлса-да, ўртача 55—60 центнердан ошириб ҳосил олишни мақсад қилганмиз. 45 гектар майдонга пахтанинг С-6524 навини экиб, агротехника тадбирларини ўз вақтида амалга ошириб келяпмиз. Ҳосилдорликни 40 центнерга етказишни кўзлаганмиз. Бунинг учун сувчиларимиз — Усмонжон Алибоев, Рустамжон Султонов ва малакали механизаторларимиз Исроил Арслонов ҳамда Маъруфжон Жўраевлар астойдил меҳнат қилиб, бошқаларга ўрнак бўлишмоқда. Ўғлим Зоҳиджон ҳам вояга етиб, ёнимга кирди. Оғиримни енгил қилиб, ишчилар билан елкама-елка меҳнат қиляпти.

— Эсимни таниганимдан отам билан дала кезиб меҳнат қиламиз, — дейди Зоҳиджон. — Юртимизда

барча соҳаларда бўлгани каби қишлоқ хўжалигида ҳам ислохотлар жадал олиб борилмоқда. Бугунги кун фермери фақат битта йўналиш билан чекланиб қолмаслиги керак. Хўжаликнинг келажагини таъминлайман деган раҳбар албатта қўшимча тармоқлар ташкил қилиши, бўш ишчи ўринлари яратиши зарур. Биз ҳам хўжалигимизда асаларичиликни йўлга қўйганмиз. Ҳозирда 40 та оилада асалари парваришляпмиз. 1,6 сотих майдонга эккан хурмо ва олма дарахтларимиз ҳосилга кирган. Жорий йилда тўқсонбости усулида 2 гектар майдонда редиска етиштирдик. Бу ишлар ортида, албатта, даромад ётади. Январда экилган редисканинг ўзи март ойига келиб 15—20 миллион сўм даромад келтириши хўжаликнинг баҳорги тадбирлари учун айна муддао-ку! Жорий йилда хўжалигимизда қорамоллар бош сонини кўпайтиришни режалаштирганмиз. Ҳозирда парваришланаётган 14 бош қорамолга яна 40 бош қорамол қўшиб, кўпроқ сут ва гўшт етиштироқчимиз.

Яхши ният — ярим давлат, дейдилар. Исмоил Арслонов бошчилигидаги хўжалик яхши ниятларни кўнгилга туккан ҳолда иш юритаётгани туфайли ажойиб ютуқларга эришмоқда. Бунинг замирида аҳил ва ғайратли жамоанинг меҳнати мужассам, албатта. 2017 йил Қишлоқ хўжалик ходимлари кун муносабати билан Президентимизнинг фармонида мувофиқ Исмоил Арслоновнинг “Шухрат” медали билан тақдирланиши эса хўжалик аъзоларини янгидан-янги марралар сари етаклаётгани, шубҳасиз.

*Ўз мухбиримиз.*

*Суратда: фермер И.Арслонов ғалла ҳолатини кўздан кечирмоқда.*

## ПИЛЛАЧИЛИК ИСТИҚБОЛИ



**Пиллачилик қарийб минг йиллик тарихга эга соҳа. Халқимизнинг энг қадимги битикларидан бўлмиш "Ўрхун-Энасог ёдгорликлари" да ҳам Хитойнинг ипак матолари харидорчилиги туфайли давлатнинг ривожланишида ўз ўрнига эга эканлиги ҳақида сўзланган. Юртимизда ҳам ушбу соҳага алоҳида эътибор қаратилмоқда. Айниқса, фарғоналик пиллакорлар жорий йилги мавсумни ўзгача руҳда кутиб олишди. Сабоби, пиллакорларга яратилган шароитлар ва маҳсулот нархининг мақбуллаштирилганлигидир. Вилоятнинг Бешариқ тумани бир неча ўн йиллардан буён пиллачиликда пешқадамликни қўлдан бермай келаётган туманлардан саналади.**

Биз туман "Агропилла" масъулияти чекланган жамияти раиси Абдувоҳид Ҳамдамов билан ушбу ютуқларнинг омили ҳақида суҳбатлашдик.

— **Бешариқликлар нафақат вилоятда, балки республикамизда ўзларининг ташаббускорлиги ва ўз вазифаларига масъулият билан ёндашишлари билан ажралиб туради. Бунинг сири нимада?**

— Аввало, пиллачилик ўта нозик соҳалардан бири эканлигини унутмаслик керак. Ипак қуртидан мўл ҳосил кўтариш учун озуқа базасини етарли даражада жамғаришга ҳаракат қилиш лозим. Туманимизда 386 гектар тут плантацияларимиз мавжуд. Шундан 11 гектари тутчилик фермер хўжаликлари ихтиёрида, 5 гектарига Хитойдан келтирилган тут кўчатлари ўтказилган. Кўчатларимиз тўлиқ ер-каллак шаклида парваришланади. Бу усулда кўчатларга кимёвий ишлов бериш ва ўғитлаш ишлари самарали амалга оширилади. Бундан ташқари, тут новдаларини кесишда ҳам қийинчилик туғилмайди.

— **Бешариқликларнинг юқори ҳосилдорликка эришиши ҳақида ҳам тўхталиб ўтсангиз...**

— Жамиятимиздаги 16 нафар доимий ишчиларимиз билан биргаликда Марғилон шаҳридаги "Нурли тонг силк" масъулияти чекланган жамияти раҳбарияти билан маслаҳатлашган ҳолда ҳар йил апрель ойининг бирин-

чи ўн кунлигида туманимизнинг барча маҳаллалар йиғинларидан биттадан вакил таклиф қилиб ош тортамиз. Ҳаммамиз биргаликда жорий йилги пилла мавсумини уюшқоқлик билан ўтказиш, мўл ҳосил етиштириш борасида фикр алмашамиз. Уларни рағбатлантириб, ҳар 30 кути ипак қуртининг назорати учун ўртача 300 минг сўмдан бўнак берамиз. Жорий йил ҳам 4 апрелда ушбу маслаҳат тadbиримизни ўтказдик.

— **Демак, маҳалла фуқаролар йиғинлари вакиллари пиллакорлар билан жамият ўртасида кўприк вазифасини ўташади, шундайми?**

— Ҳа, улар ипак қурти парвариш қилаётган хонадонлардан доимо хабардор бўлишиб, агар муаммо туғилса, зудлик билан бизга етказишади. Жорий йилда туманимиз пиллакорларига 3080 кути ипак қурти тарқатдик. Шундан 2000 қутиси Хитойдан келтирилган. Айни кунларда туманимизнинг 2640 та хонадониде ички меҳнат шартномаси асосида ипак қуртлари парваришланаяпти. Ушбу мавсумда ҳосилни ўз вақтида йиғиб олиш мақсадида 52 нафар мавсумий ишчи ва 85 нафар туман фаоллари жалб қилинган.

— **Барча соҳаларда бўлгани каби пиллачиликда ҳам янгидан-янгилар усуллар татбиқ этилмоқда. Бешариқликлар пилла етиштиришда қандай илгор усуллардан фойдаланишмоқда?**

— Туманимиз пиллакорлари ипак қуртини асосан плёнка остида парвариш қилишади. Бу усулнинг афзалликлари талайгина. Авваллари очиқ усулдан фойдаланардик. Бунда барг исроф бўлиб, кўп миқдорда олиб келишни талаб қиларди. Бошқача айтганда, пиллакор 28–30 кун ипак қурти қандай қимирласа, ўзи ҳам шундай қимирлашга мажбур бўларди. Плёнка остида парвариш қилганда эса озуқа анчагина кам миқдорда сарфланади, пилланинг сифати яхшиланади ва энг кераклиси 25–27 кунда ҳосилни йиғиштириб олиш мумкин бўлади.

— **Кўпгина пиллакорлар хориж уруғларини парваришлагга истак билдиришяпти. Ўзимизнинг ипак қурти билан хориж ипак қуртининг қандай фарқи бор?**

— Биз шиддат билан ривожланаётган замонда яшайпмиз. Бунда доимо олға интилиб, замон билан ҳамнафас бўлиш шарт. Ҳақиқатан ҳам, хорижда етиштирилган ипак қуртининг ҳосилдорлиги, ҳаётчанлиги, касалликка чидамлилиги бизникдан юқори. Агар ўзимизнинг уруғнинг бир қутисидан 55–60 кило пилла олинса, хорижникида бу кўрсаткич 75–80 килони ташкил этади. Ушбу муаммони ҳал этиш мақсадида жорий йилда хориждан 25 кути элита уруғларини олиб келдик. Хитойлик мутахассислар билан биргаликда янги нав яратишни мақсад қилганмиз. Келгуси 2–3 йил ичида чет элдан сотиб олинадиган уруғлар билан рақобатлаша оладиган уруғларни тайёрлашга эришамиз.

— **Жорий йилда Президентимиз томонидан пиллакорлар учун қатор имтиёзлар тақдим этилди...**

— Бу имтиёзлар соҳа вакиллари хурсанд қилиб юборди. Ўтган йиллар давомида пиллабоқарларнинг айрим саволларига жавоб беришга қийналардик. Ҳозирда ҳар бир пиллакорнинг бир ойлик меҳнати бир йиллик меҳнат стажига сифатида ҳисобланадиган бўлди. Пилланинг ҳар килосига 18 000 сўмдан ҳақ тўланади. Кўпчилик юртдошларимиз ипак қурти уруғи беришимизни сўрашяпти.

— **Мазмунли суҳбатингиз учун раҳмат. Жорий йилда пиллакорларимизнинг ҳосили мўл, даромади кўп, турмуши янада фаровон бўлишини тилаймиз.**

**Суҳбатдош: К.ЭРГАШЕВ,**  
ўз мухбиримиз.

**Суратда:** "Нурли тонг силк" МЧЖ ходимлари жорий йилда мўл ва сифатли ҳосил етиштириш омиллари хусусида суҳбатлашмоқда.

## ЧОРВАЧИЛИК – БАРАКАЛИ ТАРМОҚ

– дейди Амударё туманидаги чорвачиликка ихтисослашган “Хўжасўл” фермер хўжалиги раҳбари Хидирбой Хайдаров

Хидирбойга деҳқончилик, хусусан, чорвачилик ота касб. Қишлоқда туғилиб, шу ерда вояга етган бу инсон гоят камтар, камсукум. Кўп ўйлаб, кам гапирди. Мақтанчоқлик, дабдабозлик, гийбатни жини суймайди. Унинг ҳаётдаги асосий шиори: “Инсон ҳасад билан эмас, ҳавас билан яшаши керак”.

Дарвоқе, у раҳбарлик қилаётган фермер хўжалиги мустақиллик меваси бўлган қалдирғоч жомалардан бири. Асосан сутчилик ҳамда гўшт етиштиришга ихтисослашган. Қарамоғида 210 бошдан кўпроқ зотдор қорамол мавжуд. Шундан 94 боши соғин сигирлардир. Ҳар бир соғин сигирдан кунига 15–20 литрдан серқаймоқ сут соғиб олинмоқда. Давлатга ҳар йили 400–450 тонна сут, 25–30 тонна гўшт топширилади. Жамоада шу ерлик 60 нафар ишчи фаолият кўрсатмоқда.

Умумий ер майдони 126 гектарга яқин. Шунинг 93 гектарига қорамоллар учун озуқабоп экинлар экилади. 33 гектарига эса яйлов ташкил қилинган. Жониворларнинг ҳаммасининг саломатлигию вазни, озуқа рациони доимо назоратда. Айниқса, бу борада туман ветеринария бўлими бошлиғи Рустам Худоёровнинг ёрдами катта бўлмоқда.

Умуман, Амударё туманида пахтачилик, бугдойчилик қаторида чорвачиликни ривожлантиришга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Шу боис ўтган йили тумандаги чорвачилик фермер хўжаликларидан сут ва гўшт етиштириш режалари ортиги билан бажарилди.

Бугунги кунда туманда қорамоллар бош сони 143 минг 450, жумладан сигирлар бош сони 39 минг 500 бошдан кўпроқни ташкил этмоқда. Натижада гўшт ишлаб чиқариш ҳажми 12 минг 499 тоннага, сут ишлаб чиқариш 51 минг 749 тоннага етказилди. Бу ўтган йилларга қараганда анча юқори кўрсаткичдир. Туманда бундан ташқари, чорвачиликни ривожлантириш дастурига асосан қорамолчилик йўналиши бўйича 8 та, эчкичилик ва қуёнчилик бўйича 2 та, паррандачилик бўйича эса 7 та лойиҳа амалга оширилмоқда. Қўй-эчкилар бош сони барча тоифали хўжаликларда 94 минг 360 бошга етказилди. Бу ўтган йилга таққослаганда 126,9 фоизга кўпдир. 2017 йилда тумандаги чорвачиликка ихтисослашган 3 та фермер хўжалиги наслчилик тоифасига киритилди. Натижада тумандаги бундай хўжаликлар сони 8 тага етказилди. Жорий йилда наслчилик хўжаликлари сонини 11 тага етказиш режалаштирилмоқда.

Маълумки, мустаҳкам озуқа базасини ривожлантирмасдан туриб чорвачиликни фойдали тармоққа айлантириш қийин. Шу боис туманда жорий йилда қарийб 2000 гектар майдонга беда, маккажўхори, хашаки лавлаги, оқ жўхори, қовоқ каби озуқабоп экинлар экилди.

## ЮКСАК НАТИЖАЛАРНИ КЎЗЛАБ

Шароф Рашидов номидаги масъулияти чекланган машина-трактор парки Тўрткўл тумани маркази яқинида жойлашган. Бу ҳудуд аҳолиси зич. Ўнга яқин миллат вакиллари аҳил-иноқ яшаб келмоқда. Мазкур ҳудудда пахтачилик, галлачиликдан ташқари чорвачилик, пиллачилик, паррандачилик, балиқчилик, асаларичилик ва бошқа қишлоқ хўжалиги соҳалари жадал суръатларда ривожланиб, фойдали тармоққа айланмоқда. Лекин барибир асосий тармоқ давлат буюртмасини ташкил қилувчи – пахта ҳамда галладир. Бу борада жами 16 та фермер хўжалиги фаолият кўрсатмоқда. Ҳаммаси ҳам ўтган йилни муваффақиятли яқунлади ва мазкур соҳалардан миллионлаб сўм фойда олдилар.

Натижада 2017 йилда 436 гектар пахта майдонидан 1 минг 298 тонна пахта, 230 гектар галла майдонидан салкам 800 тонна кузги бугдой ҳосили гамланди. Ҳар иккала тармоқдан олинган ҳосил гектарига 25–30 центнерни ташкил қилди. Умуман, бу мазкур туман шароитида яхши кўрсаткич.

Ўтган йил куз фаслида сепилган кузги бугдой кўм-қўк денгиздек мавж уриб бошоқламақда. Гектарига 250 экин майдонларини суғориш, маҳаллий ва минерал ўғитлар билан озиклантириш ўз вақтида амалга оширилади. Бу агротехник тадбир барча фермер хўжаликларидан, айниқса, “Гофур” фермер хўжалигида гоят намунали юритилаётганлигининг гувоҳи бўлди. Умуман жами фермерларнинг пахта ва галла майдонларини суғоришга 50 нафарга яқин сувчилар бириктирилган. Уларнинг тенг ярми сув хўжалиги ва сув истеъмолчилари уюшмаларидандир. Яна бир эътиборга молик жиҳати: фермерлар айна кунларда кузги бугдойзорларни яна бир карра кўздан кечириб, зарарли ҳашаротлар кўпайишининг олдини олмоқдалар. Жорий йилда 430 гектар ер майдонга чигит қадалди. Эрта экилган майдонлардаги далаларда чигит қийғос униб чиқди. Айна кунларда далаларга сифатли ишлов бериш ҳамда яганалаш бошлаб юборилган.

“Наргиза” ва “Исоқбобо” фермер хўжалиги чорвачиликка, қисман пахта ҳамда боғдорчиликка ихтисослашган. Уларнинг биринчисидан 51 та, иккинчисидан 35 та қорамол асралмоқда. Ҳар иккала фермер хўжалиги давлатга гўшт ва сут топшириш режаларини анча ортиги билан бажариб келмоқда. Даромад ҳам шунга яраша бўлмоқда.

Ҳудуддаги “Қорақалпоғистон универсал-экспорт инвест” фермер хўжалиги чорвачилик ва боғдорчиликка ихтисослашган. 30 гектардан кўпроқ ер майдонига эга, боғдорчилик билан бир қаторда, чорва учун озуқабоп экинлар экилади. 110 бош қорамолларнинг 50 боши зотдор соғин сигирлардир. Уларнинг ҳар биридан кунига 25–30 литрдан сут соғиб олинмоқда.

2017 йилда давлатга 500 тонна сут, 40 тонна гўшт топширилди. Жорий йилда сутни 600 тоннага, гўшт миқдорини эса 70 тоннага етказиш чамаланмоқда. Бу борда илғор сутсоғар ва молбоқарлар Интизор Отажанова, Меҳрибон Дурдиева, Хуршида Собирова, Азамат Жабборов, Улуғбек Шарипов, Исмоил Рўзимбетовлар астойдил меҳнат қилмоқдалар.

Умуман, Тўрткўл аҳлининг бугунги ҳаётида шижоат, фаолиятида жадаллик ҳукмрон. Бу юксак натижалардан далолат.

Рейимбой ҚОЗОҚОВ.

## ЎЗИМИЗНИНГ СОҲИБА ОПА



**Юрт равнақи ва эл фаровонлиги йўлида хотин-қизларимиз ҳам елка-елка туриб меҳнат қилишмоқда. Бунинг учун давлатимиз томонидан уларга барча шарт-шароитлар яратилган. Мана шундай шижоатли аёллардан бири Андижон вилоятининг Балиқчи туманида яшаб меҳнат қилади. Балиқчиликлар уни “Ўзимизнинг Соҳиба опа” деб аташади.**

Гарчи касби ҳамшира бўлса-да, болалиқдаги ерга бўлган меҳри уни яна дала сари чорлади. 17 йил туман туғруқхонасида оналарга ўз меҳрини бериб хизмат қилди. 1999 йил туман ҳокимлиги рухсати билан 13 гектар экин майдони олиб, “Коинот” фермер хўжалигини ташкил қилди. Энди гапни Соҳиба опанинг ўзидан эшитсак.

— Ўша йили ширкат хўжалиги тасарруфидаги ерлардан фермер хўжаликлари учун ер ажратиб берилаётганлиги ҳақидаги хабарни эшитиб тинчимни йўқотдим, — дейди фермер. — Наҳотки, болалигимдаги орзуим амалга ошса? Хўжайиним билан ҳокимликка бориб мақсадимизни айтдик. Мутасаддилар ҳам бизга ишонч билдиришди. Ажратилган 13 гектарнинг ҳаммасига пахтанинг “Омад” навини экдик. Ғўза кўчатлари назаримда жуда секин ривожланаётганга ўхшайверди. Ўша пайтдаги раисимиз Аҳмаджон ака Хожиевнинг олдига бориб фикримни айтдим. Шунда Аҳмаджон ака “Бориб далангнинг ичига кириб обдон айланиб чиқ, шунда кўчатларинг сенга дардини айтади”, дедилар. Шу куниёқ экин майдонларини бир бошдан кўздан кечиришни бошладим. Дарҳақиқат, кўчатларнинг айримлари сувсаган, айримларида касаллик аломатларини кўриб, раиснинг нима учун бундай маслаҳат берганликларини англадим. Шу кундан бошлаб ҳар куни бир маротаба экинзорларни кўздан кечирмасам нимамамнидир йўқотгандай бўламан.

Биринчи йилиёқ 18—20 центнер ҳосил берадиган майдонлардан 35 центнердан ҳосил олишга эришдик. Ҳозирги кунда 38 нафар доимий ишчиларимиз билан 54 гектар экин майдонида меҳнат қиламиз. Намунали дала шийпонимизда кўли ширин ошпазимиз Гулзира Усмонова ҳар кун икки маҳал иссиқ овқат тайёрлайди. Жорий йилда 20,1 гектар экин майдонига галланинг “Краснодар” навини экиб парваришляяпмиз. Давлатга сотиш режамиз ҳар гектаридан 40 центнер қилиб белгиланган бўлса-да, биз 70 центнерлик ҳосил учун астойдил меҳнат қияпмиз. Пахта учун ажратилган 24,3 гектар майдонга чигит қадалди. Ҳар гектардан 45 центнердан ҳосил олишни режалаштирганмиз. Ишчиларимизнинг деярли барчаси узоқ йиллардан буён биз билан елкама-елка меҳнат қилишади. Чунки хўжалигимиздан олаётган даромадлари уларни қониқтиради. Такрорий экин майдонидан рўзгорлари учун керакли маҳсулот экиб фойдаланишади. Ўғлим Жаҳонгирмирзо Худойбердиев менинг доимий ҳамроҳим, иш юритувчим, ўринбосарим. Унинг ташаббуси билан экин майдонининг бир четидан 15 сотих жойда иссиқхона ташкил қилганмиз. Асосан, помидор экаимиз. Бу ҳам ўртача 20 миллион сўм фойда келтиради, ҳам ишчиларимизнинг оиласига асқотади. 2013 йил намунали уй харид қилган эдик. Жорий йил муҳтарам Президентимизнинг маърузаларидан таъсирланиб, шу йуни 25 ўринли хусусий мактабга-

ча таълим муассасасига айлантиришга қарор қилдик. Бунинг учун ошхона, ётоқхона ва дарс тайёрлаш хоналарини замонавий мебеллар билан жиҳозлаб, малакали тарбиячиларни танлов асосида ишга қабул қилиш ишларини бошлаб юбордик. Мақсадимиз қишлоғимиз болалари шу ерда тарбия топиб, келажакда юртимиз равнақига равнақ қўшадиган инсон бўлиб етишишига ҳисса қўшиш. Бундан ташқари, хўжалигимиз ишчиларининг фарзандлари арзонлаштирилган нархларда қабул қилинадилар. Бу ҳам ёш оналарга қулайликлар туғдириши табиий. Онанинг фарзандидан кўнгли тинч бўлса, унинг ишида унум бўлади. Ёшлигида тарбиячи таълимини олган болалар мактабда ўқишни тез ўзлаштириши ҳам сир эмас.

Соҳиба опанинг меҳнатлари юксак қадрланиб, ўтган йили давлатимиз томонидан “Шуҳрат” медали билан тақдирланди. Бу эса фермер ва унинг ходимларининг кучларига куч, шижоатларига шижоат қўшди.

— Ишчилар билан кенгашиб, хўжалик таркибида чорвачилик ва асаларичилик тармоқларини ривожлантириш ҳисобига хўжалиқда янги иш ўринлари сонини кўпайтиришга бел боғладик, — дейди опа мамнуният билан.

**Ўз мухбиримиз.**

*Сурабда: Соҳибахон Худойбердиева ва ўғли Жаҳонгирмирзо Худойбердиевлар галла кўчатларининг ривожланишини кўздан кечиришмоқда.*



## ЧИМҚЎРҒОНДА ЧАҚНАГАН ЮЛДУЗ



Йиллар давомида фақат пахтачилик ва ғаллачилик билан шуғулланиб келган Зафаробод тумани қишлоқ хўжалиги ходимлари кейинги икки-уч йил ичида соҳанинг бошқа тармоқларида ҳам унумли ишлаш мумкинлигини исботлашмоқда. Кўп тармоқли фермерлар сони кўпайиб, олинаётган ҳосил ва маҳсулот ҳажми, тури, сифати ошаётир. Янги иш ўринлари яратилмоқда.

Туманнинг Фориш чўлига тугаш бўлган Қорамолтоғ этакларида серҳосил ҳудудлар кўп. Бироқ шу пайтгача ушбу ерлардан фақат чорва яйлови сифатида фойдаланилган. Энди эса, “Чимқўрғон” ҳудудий фермерлар уюшмаси аъзолари бу ерларда полиз ва сабзаёт маҳсулотлари, дуккакли экинлар етиштириб, истеъмол бозорининг тўкин бўлишига ҳисса қўшишяпти. Шундай жамоалардан бири саналган “Чимқўрғон юлдузи” фермер хўжалигининг 150 гектар ер майдони мавжуд. 25 гектарга ғалла экилган, 5 гектарда эса боғ мавжуд. Қолган ҳудудларга жамоа фаолиятида асосий тармоқ ҳисобланган чорвачилик учун озуқабоп экинлар экилади.

Шу ерда хўжалик аъзолари яратган бир янгилик ҳақида икки оғиз сўз: Улар икки йилдан буён ўз ерларининг 5 гектарига қовуннинг экспортбоп навини экишмоқда. Хўш, бунинг нимаси янгилик, дейишингиз мумкин? Ҳудудда сув танқислиги анча сезиларли бўлгани учун қовун уруғи иссиқхоналарда ундирилиб, кўчат олинади.

— Бу иш сувни тежаш ва экиннинг барвақт ҳосилга киришига замин бўлади, — дейди фермер хўжалигининг деҳқончилик ишлари бўйича иш бошқарувчиси Анзират Қодирова. — Бу йил 20 минг тупга яқин қовун кўчатини шу усулда тайёрладик. Унган ниҳоллар кей-

ин плёнка остига кўчириб, ўтқазилди. Ҳозир пайкалларимизда ҳосил тугунчалари кўзга ташланиб қолган. 60—65 кун ичида эртаги қовун тайёр бўлади. Ундан кейин бу майдонларга яна уруғ қадаш, кечки полиз маҳсулотлари етиштириш имконияти яратилади.

Фермер хўжалиги меҳнаткашлари қовундан ташқари яна 50 гектар майдонга нўхат экишган. Айни дамда бир текис униб чиққан ниҳолларга ишлов бериш ишлари жадал олиб борилмоқда. Ушбу экиндан олинадиган ҳосилнинг харидори олдиндан маълум эканлиги миришкорлар ғайратига-ғайрат қўшаётир. Нўхат учун Туркия ва россияликлар аввалдан буюртма бериб қўйишган-да, ахир!

Фахриддин Уришев раҳбарлик қилаётган фермер хўжалиги чинакам кўп тармоқли жамоа — ҳозирча етти йўналишда фаолият юритади. Ўтган йили 50 бош қорамол боқилаётган чорвачилик мажмуасининг маҳсулотлари — 3 тонна сўт ва 7 тонна гўшт истеъмол бозорига чиқарилди.

Сони 20 бошдан ошган отларнинг аксарияти миллатимизнинг фахри бўлган қорабайир зотидан. Фермер уларнинг наслини янада янгилаш мақсадида Туркменистон ва Қозоғистондан зотли айғирлар келтиришга муваффақ бўлди.

Бошида оддий ишқибозлик, бошқача айтганда “хобби” учун

қўл урилган иш Ф.Уришев учун бугун сердаромад соҳага айланди. Натижада ўтган йили у яна бир янги юмушга қўл урди. Банкдан олинган кредит ҳисобига 10 бош туя сотиб олиб, туячиликни ҳам йўлга қўйди. Беозор жониворлар кенг-кўл яйлов, қир-адирларга тез мослашди. Иш шундай кетадиган бўлса тез орада уларнинг бош сони икки ҳисса кўпайиши турган гап.

Фахриддин Уришев биз билан бўлган суҳбат давомида ҳамқишлоқларидан 30 кишини доимий иш билан таъминлагани, мавсумий ишларга эса, уларнинг яна камидан 120 нафарини жалб қилишини ҳам айтиб ўтди. Жамоасининг ўтган йилда давлат хазинасига қўшган солиқ ва бошқа тўловларининг ўзи 600 миллион сўмдан ошиб кетганини ёдга олди.

Тадбиркор фермер ушбу ютуқ ва натижаларга осонлик билан эришмаяпти. Ҳаммаси кечаю кундуз тиним билмай ишлаш, ҳаракат қилиш, интилишнинг натижаси. Мамлакатимизда Президентимиз раҳбарлигида ишбилармонлар учун яратилаётган қулайлик ва имтиёзлар эса, ушбу ютуқларга мустаҳкам замин бўлмоқда.

**Х.КАРИМОВ,**  
ўз мухбиримиз.

*Суратда: “Чимқўрғон юлдузи” фермер хўжалиги раҳбари Фахриддин Уришев ўғли Муҳаммадаминга паррандачиликдан сабоқ бермоқда.*

# ШИЖОАТДАН ЯРАЛГАН АХД

**Ўзбекистон ёшлар иттифоқи қошида Ёш фермерлар Кенгашининг ташкил этилиши изланувчан, фидойи, юрт тақдири ва келажаги учун масъулиятни ўз зиммасига олишга қодир бўлган ёш фермерларни аниқлаш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга қаратилган. Эндиликда мамлакатимизнинг турли ҳудудларидан истиқболли, юқори натижаларга эришаётган, ўз изланишлари ва ташаббускорлиги билан юртимизда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларга муносиб ҳисса қўшаётган ёш фермерларга кенгаш томонидан алоҳида эътибор қаратилмоқда.**

– Мамлакатимизда озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш йўлида олиб борилаётган ишлар, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш, улардан мўл ҳосил олиш, кўп тармоқли фермер хўжаликлари ташкил этиш ва бу орқали хизмат кўрсатиш тизимини яратиш, қишлоқ хўжалигига илғор инновацион технологияларнинг жалб қилинаётганлиги мен каби ёш фермерлар гайратига гайрат қўшиб, катта масъулият юклайди, – дейди Бувайда туманидаги “Ибрат зар замини” фермер хўжалиги раҳбари Бегали Мухаммадаминов. – Бугунги кунда фермерлик йўналишида олиб борилаётган улкан ислоҳотлар, айниқса, биз ёш фермерларга берилаётган эътибор ва ғамхўрлик, яратилаётган шарт-шароитлар бизни янги зафарларга чорлайди.

Фермер хўжалигимиз 2014 йилда ташкил этилган. Айни вақтда хўжалигимиз майдони 44 гектарни ташкил этиб, қишлоқ хўжалигининг илмий асосларини амалда татбиқ этиш баробарида пахта-ғалла уруғчилиги субъекти сифатида фаолият кўрсатмоқда. Ҳозирда 12,5 гектар майдонда парваришланаётган буғдойнинг “Гром”, ғўзанинг истиқболли С-8290 навининг ҳолати қониқарли. Ердан фойдаланиш самарадорлигини ошириш мақсадида экин экиш имконияти мавжуд бўлган ҳар қарич ерга экинлар экиб фойдаланишни йўлга қўйганмиз.

Келажақда имтиёзли кредит олиб, ўзимизда етиштирилаётган мева-сабзавот маҳсулотлари, гўшт ва сутни ҳамда пахта-

ни қайта ишлаш цехларини ишга туширишни режалаштирганмиз. Мамлакат, вилоят миқёсидаги Ёш фермерлар Кенгаши томонидан ўтказилаётган тад-



бир-танловлар орқали кўплаб дўстлар орттирдим, тажрибали ёш фермерлар билан ўзаро фикр алмашдик. Бу эса келажакдаги фаолиятимизни янада ривожлантиришда катта хизмат қилади.

Бегали фермерларга ажратилаётган имтиёз ва преференциялар натижасида хўжалигини кўп тармоқли, иқтисоди барқарор хўжаликка айлантириш йўлида илмий асосланган ғоялар асосида изчил ҳаракат қилаёпти. Фермерлик ҳаракати аҳоли бандлигини таъминлаш, турмуш фаровонлигини оширишнинг ҳал қилувчи омилларидан бири. Хўжалик қошида 16 нафар қизларни бир жамоа қилиб шакллантирган тикувчилик цехида тикилаётган 5 турдаги маҳсулотлар бугун ички бозорга чиқарилмоқда. Келгусида цехда тайёрланаётган маҳсулот турлари ҳамда ишчилар сонининг кескин ортиши ҳисобига хўжаликнинг

ташқи савдо экспорти яратилди. Ҳозирда фермер хўжалигида 30 нафар киши доимий иш билан таъминланган.

Бегали аслида спортчи – олимпия захиралари спорт коллежини тугатган. Бир неча бор миллий кураш бўйича ўтказилган вилоят, мамлакат, жаҳон миқёсида, шунингдек, анъанавий ўтказиб келинаётган “Баркамол авлод” спорт мусобақаларида ғолибликни қўлга киритиб, совриндорлар қаторидан жой олган.

– Ёшлиқдан спорт билан шуғулланиш уйғунлигида деҳқончиликка бўлган меҳр мени эл-юрт тўкинлигига муносиб ҳисса қўшишга йўллаш натижасида авлодлар анъанасини давом эттириб, фермер бўлишга аҳд қилдим. Хўжалик ерлари Марказий Фарғона чўли билан туташиб кетган. Мазкур майдонлардан самарали фойдаланиш бўйича турли мева-сабзавотларни ноанъанавий турлари агробиологиясини ўрганиш бўйича изланишларнинг натижасида мазкур майдонларда унаби боғи ташкил этиш бўйича амалий ишларни бошлаб юборганмиз.

Ёш фермерлар фаолиятининг ривожланишида вилоятда, Тошкент шаҳрида ташкиллаштирилаётган кўргазмаларнинг ўрни беқийс бўлгани ҳолда уларга қатнашиб, мева-сабзавот, чорвачилик ва паррандачиликка ва бошқа йўналишларга ихтисослашган фермерларнинг аҳоли фаровонлиги йўлида амалга ошираётган ишлари, илмий-тадқиқот институтларининг лойиҳалари билан яқиндан танишаётганлигимиз тажрибамизни оширишга, кўпроқ изланишга, янада фидойи ва фаол бўлишга ундайди.

Юртимизнинг дунёга юз тутиши, порлоқ истиқболи, элимизнинг фаровонлиги кўп жиҳатдан ёшларга боғлиқ. Элим деб, юртим деб фидойи бўлиб яшаш ҳар биримизнинг авлодларимиз олдидаги муқаддас бурчимиздир.

*Ўз мухбиримиз.*

## КЎЧАТ — ЭНГ ЯХШИ СОВҒА

**Тойлоқ туманининг Қундузак қишлоғида умргузаронлик қилаётган Аҳтамхон Исматиллоев кўчатчилик билан шуғулланади. Кўчатчилик унга ота касб. Қишлоқнинг кекса кишилари Аҳмадхон отани уста деҳқон-соҳибкор сифатида эслаб туришади. Аҳмадхон ота Зурафо ая билан тотув ҳаёт кечириб, боғбончилик ортидан 5 нафар фарзандни эл корига ярайдиган инсонлар қилиб вояга етказишди.**



— Ҳаётий тажрибаларим ва алломалар фикрларига таяниб айтадиган бўлсам, инсонни дангасалик енгган кун қарилик бошланади, — дейди кўчатчи боғбон Аҳтамхон Исматиллоев. — Отам 75 ёшни қоралаб қолганларида ҳам томорқадан чиққиси келмасдилар. Меъёр, эҳтиёткорлик, мутаассиблик, хавф-хатар ва ногаҳоний ўзгаришлардан узоқроқ юриш хоҳиши кўпинча қариликнинг доимий ҳамроҳи бўлиб қолади. Ёшим етмишга яқинлашган бўлса-да ҳали ҳам далада меҳнат қиламан. Кексайганини одам қачон сезади? Орзу-умиддан воз кечиб, фақат хотиралар билан яшай бошлаганда...

Нафақага қадар ҳам, ҳозир ҳам даладаман, кўриб турганингиздек мевали дарахтлар кўчатчилиги билан шуғулланаман. Ўтган йили 13 сотихли томорқамда етиштирилган 48 хил мева ва узумнинг сара навларини сотишдан 30 миллион сўмга яқин даромад олдик. 5 нафар фарзандларим ҳам ҳовлисида кўчат етиштириш билан шуғулланади. Зеро, эл-юрт тўқинлигига ҳисса қўшиб яшаш ҳам ибодат саналади.

Мазкур ҳудудда аллома Имом Бухорийнинг замондоши, устози

Баҳром Дорамий Самарқандий мангу кўним топган қадамжо атрофида 50 тупга яқин 700–800 йиллик марварид тут мевасидан эл баҳраманд бўлиб келмоқда.

Ҳозирда ўлкамизда балхи тутнинг камайиб кетганлиги сезилмоқда. Шу боис, саховатпеша соҳибкор ибратли ишга қўл уриб ҳар йили 20 мингтадан кўчатни юртимиз ҳудудларига ўзи юриб тарқатмоқда.

Ёш фермерларнинг Тошкентда бўлиб ўтган қурултойидан хабар топган Аҳтамхон ота анжуман ниҳоясида ҳар бир қатнашчи, ёш фермерга 3–5 тупдан марварид тут кўчатини инъом этди.

— Фермер хўжалигимизнинг дала шийпони йўл бўйида жойлашганлигини айтганимда боғбон ота менга 10 туп тут кўчати тортиқ қилдилар, — дейди Олтиариқ туманидаги “Нурлиобод” фермер хўжалиги раҳбари, “Фидокорона хизматлари учун” ордени соҳибаси Лола Муротова. — Раҳмат. Эқдик. Баравж ўса-япти.

Отахон Тошкент, Бухоро, Андижон, Самарқанд вилоятларида бўлиб, ўтказилган таҳсинга лойиқ тадбир — Қуръон мусобақалари қатнашчиларига ҳам тут кўчати улашди.

— Яратганнинг марҳамати билан бундан кейин ҳам юртдошларимизга кўчат тухфа қилишни давом эттираман, — дейди отахон. — Зеро, тут кўчати энг яхши, асрларга тагиулик совға.

Тиниб-тинчимас соҳибкор жуда кам сақланиб қолган нокнинг маҳаллий навларидан 10 мингта кўчатни парвариш қилмоқда. Шунингдек, боғбоннинг мева кўчатзоридида 30 минг туп гилос, 10 минг туп олманинг сара навлари ҳамда 30 минг туп балхи тут парваришланяпти. Янгилликка ташна боғбон юртимиз боғдорчилигида кам тарқалган ноанъанавий мевалар агробиологиясини ўрганиш бўйича ҳам илмий тажрибалар олиб бормоқда.

Саховатлилик энг яхши амаллардан бўлиб, яхшилиқ қилиб яшаш баркамол инсоннинг хислатларидан саналади. Зотан, кўчат экиб боғ яратиш, дунё тургунча туришнинг ифодасидир.

## ҲАРАКАТДАН КЕЛАЁТГАН БАРАКА

**Президентимиз Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан мамлакатимизда томорқа ер майдонларидан самарали фойдаланишни ташкил этиш бўйича амалга оширилаётган ислохотлар натижасида қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмлари сезиларли даражада ошишига эришилмоқда.**

Айниқса, аҳоли томонидан хонадонларда барпо этилган иссиқхоналарда лимон етиштириш, 100 бошдан товуқ боқиш ташкил қилиниши натижасида 2017 йилнинг ўзида қўшимча 1,2 минг гектар майдонда лимонарий барпо этилди, 32 минг хонадонга 3,2 миллион бош 90 кунлик товуқ тарқатилди. Шунингдек, грек ёнғоғи, унаби каби инсон саломатлиги учун

фойдали мевали кўчатлар экиш ташкил қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 9 октябрда қабул қилинган “Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгаларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, қишлоқ хўжалиги экин майдонларидан самарали фойдаланиш тизимини тубдан такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида”ги фармони

ижросини таъминлаш ҳамда деҳқон хўжаликлари ва аҳоли томорқа ер майдонларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш, аҳоли бандлигини таъминлаш ва томорқа ер участкасидан олинадиган даромадларни янада кўпайтириш мақсадида Бекобод туманида ҳам эътиборга молик ишлар кенг қўламда амалга оширилмоқда.

Президент фармонининг ижросини таъминлаш мақсадида туманда бу борада махсус штаб, секторлар ва маҳалла фуқаролар йиғинларида ишчи гуруҳлар ташкил этилди. Дастлаб тумандаги томорқа майдонлари хатловдан ўтказилди. Аниқланишича, 25385 та томо-



рқа хўжаликлари ихтиёрида 2568,6 гектар ер майдони бўлиб, шундан 978,9 гектарига тўқсонбости экинлари, жумладан, пиёз, саримсоқ-пиёз, турли кўкатлар экилган. Шунингдек, 1675,4 гектар майдонда эртаки карам, картошка, помидор, бодринг, сабзи, пиёз, нўхат каби экинлар парваришланмоқда. Хонадонларда 70009 бош чорва моллари, жумладан, 44563 бош қорамол, 20827 бош қўй-эчки, 1848 бош йилқи ҳамда 771 бош қуён мавжуд.

Шунингдек, туманда 2017 йил 296 та иссиқхона мавжуд бўлиб, жорий йилнинг ўзида 500 та иссиқхона қуриш ишлари бошлаб юборилган. 2017 йил ўртача ҳар бир хонадон 7,2 миллион сўм ёки ҳар бир сотих ердан ўртача 1,8 миллион сўм даромад олинган бўлса, жорий йилда ҳар бир хонадон томорқасидан ўртача 8,64 миллион сўм, 1 сотих майдондан 2,16 миллион сўм фойда олиш кўзланмоқда.

– Назорат ҳамда амалий ёрдам тадбирлари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 18 мартда қабул қилинган “Деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер участкаларидан самарали фойдаланишни ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори билан тасдиқланган “Деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер участкаларидан самарали фойдаланишни ташкил этиш ва мониторингини юритиш тартиби тўғрисида”ги Низомга кўра амалга оширилмоқда, – дейди туман “Маҳалла” жамоат фондининг масъул ходими Абдухолиқ Норматов. – Томорқа ер участкаларидан самарали фойдаланишнинг илғор тажрибалари ва иқтисодий фойдаси тўғрисидаги тавсиялар мунтазам

ўтказилиб борилаётган семинар-кенгашларда ва туман газетасида бериб борилмоқда.

“Маллабой” маҳалласидаги меҳнат фахрийси Турдиали Маматқуловнинг хонадони томорқаси четларида мевали дарахтнинг сара навлари тартиб билан экилган. 4 сотихли иссиқхонада экилган бақлажон ҳосили

март ойидаёқ пишиб етилган бўлса-да, ҳозирда ҳам яшнаб турибди.

– Иссиқхонадан йилига 3 марта – бақлажонни териб олиш билан помидор, кейин бодринг экиб мўл ҳосил оламан, – дейди Турдиали ака. – Бу йилги даромадим 50 миллион сўмдан ошяпти. Эндликда тажрибаларимга таяниб, маҳаллий навлар уруғчилигини ташкил этиш ниятидаман. Чунки маҳаллий сабзавот навларимизнинг сифати, мазаси хорижникидан анча устун экан.

– Турдиали акада томорқачилик илми шаклланган, – деб суҳбатимизга қўшилди маҳалла фуқаролар йиғини раиси Абдуллажон Сирожиддинов. – Шунинг учун ёш оилалар вакилларига у киши иштирокида давра суҳбатлари ўтказиб тураемиз. Маҳалламизда ердан самарали фойдаланиш бўйича эришаётган ютуқларимизда нуруний уста деҳқонларнинг тажрибаларидан фойдаланиш ўз самарасини бермоқда.

Яна бир хонадон соҳиби Маҳмуджон ота Нишонов ҳам томорқадан фойдаланишда ибратли ишларни амалга оширмоқда.

– Томорқасидан самарали фойдаланган, ҳовлисига файз киритиб қўйган инсоннинг баракаси улуг бўлади, – дейди Маҳмуджон ота. – Фаришталар ҳам ҳар куни эрта тонгда марҳаматларини кўркам, осуда хонадонларга улашар экан. Мавжуд 10 сотих томорқамиздан ҳар йили 2–3 марта ҳосил оламиз. Ўтган йилги даромадимиз 45 миллион сўмдан ошди. Бу йил янада салмоқли даромад олишни мўлжаллаб турибмиз.

Маҳалладаги яшнаб турган файзли хонадонлардан яна бирига Зарипа Раҳматова бекалик қилади. 10 сотихли ҳовлида экинга зарар етказмайдиган қилиб, 30 туп ҳар хил мева ва ток яшнаб, хонадон кўркига кўрк бериб турибди.

– Мактабда ўқитувчилик қилман, – дейди Зарипа опа шукроналик билан. – Қатор йиллардан буён кўкат етиштириш билан шуғулланамиз. Ҳар йили томорқамиздан 30–40 миллион сўм даромад оламиз. Яратганга шукр, юртимиз тинч, дастурхонимиз тўқин.

Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон Республикасининг 2017 йил 29 де-



кабрда қабул қилинган “Солиқ ва бюджет сиёсатининг 2018 йилга мўлжалланган асосий йўналишлари қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонунига мувофиқ Солиқ кодексига яқка тартибда уй-жой қуриш ва уй-жойни ободонлаштириш учун берилган ер участкаларининг томорқа қисмига қишлоқ хўжалиги экинлари экилмаган ёки уни ободонлаштирилмаган ҳолларда қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда уч баробар мутқалда ер солиғи тўлалигини белгилловчи қўшимча киритилганлиги аҳоли томонидан томорқа майдонларидан янада самарали фойдаланишни ташкил этишда аини муддао бўлди.

**Ф.МИРЗО.**

**Суратларда:** (чандан ўннга) – 1-суратда: илғор томорқачи Турдиали Маматқулов, Маҳалла фуқаролар йиғинининг хотин-қизлар масалалари бўйича мутахассиси Мухайё Алимova; 2-суратда: Зарипа Раҳматова.

# ИЛМ-ФАНГА ЭЪТИБОР – КЕЛАЖАККА ЭЪТИБОР

Олтмиш йиллик илмий фаолиятимга назар ташлаб шундай хулосага келдим: олим ҳар қандай даврда ҳам ўз эътиқодига собит қолиши, изланишлардан тўхтамаслиги, фанда эришган натижаларини халқига, юртига бағишлаб яшамоғи лозим. Мен тупроқшунос, мелиорация ва агрокимё фанлари профессори сифатида сўнги йигирма йилда мамлакатимиз тупроқ таркибидаги салбий жараёнлар ҳақида ҳукуматга тўрт бора мурожаат қилдим. Таклифларимнинг аксарияти инobatга олинди. Айниқса, сўнги бир ярим йилда давлат томонидан тармоқдаги муаммоларни бартараф этишга қаратилган амалий ишлар кўнглимга мамнуният бағишлапти. Амалиётдаги кенг кўламли жадал ислохотлар билан бирга илм-фанга берилётган эътиборни ватанимиз, халқимиз келажакка эътибор, деб биламан.

2016 йилнинг 30 декабрь куни ҳеч эсимдан чиқмайди. Ўша куни мамлакатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев республикамизнинг етакчи илм-фан намоёндалари билан учрашди. Улар орасида мен ҳам бор эдим.

Тўғриси айтиш керак, қайси даврда, қайси мамлакатда илмга, фанга эътибор берилган бўлса, ўша даврда ўша мамлакатда тараққиёт, ривожланиш бўлган. Бунга узокдан мисол излаб юриш шарт эмас. Соҳибқирон Амир Темур, унинг невараси Мирзо Улуғбек ҳукмронлик қилган йилларни эслаб кўринг. Айнан шу икки улуғ зот даврида юртимизда илм-фан тараққий топди, халқимизнинг турмуш фаровонлиги ошди.

Бугунги кунда ривожланган мамлакатлар тараққиёти заминидан ҳам илм-фан муҳим рол ўйнамоқда. Шу нуқтаи назардан олиб қарайдиган бўлсак, Юртбошимизнинг илм-фан намоёндалари билан учрашуви тарихий ҳодиса, деб айтиш мумкин.

*Пиллапоя бўлдим сенга, азизим,  
Кези келса сен ҳам пиллапоя бўл.*

**Эркин ВОҲИДОВ.**



Яшириб нима қиламиз, анча йиллар давомида мамлакатимизда илм ва фанга эътибор сусайди. Олимлар, тадқиқотчилар моддий ва маънавий жиҳатдан изланишларига, тадқиқотларига яраша рағбатлантирилмади. Бу эса кўплаб иқтидорли ёшларни, олимларни илмдан совутди, ҳатто, уларнинг айримлари моддий ва ижтимоий жиҳатдан қийналиб, ўз соҳаларини ташлаб кетишга мажбур бўлишди.

Учрашувда Президентимиз, нақадар аччиқ бўлмасин, юқоридаги салбий ҳолатларни эътироф этган ҳолда, олдимизда турган вазифалар, илм-фан ривожини йўлида давлат томонидан белгиладиган чора-тадбирлар хусусида батафсил тўхталиб ўтди. Ишонасизми, мазкур учрашувдан мен руҳан куч-қувват олиб, қушдай енгил бўлиб чиқдим. Учрашувда мамлакатимиз раҳбари биз олимлар олдига ўз мактабларини яратиб, ёш, иқтидорли кадрларни тайёрлаш, илм ва амалиёт ўртасида кўприк вазифасини бажариш, яъни ишлаб чиқариш ва илм-фан интеграциясида фаол иштирок этиш каби долзарб вазифаларни кўйди.

Илм билан шуғулланиш, янги кашфиёт ва ихтиролар қилиш

жуда машаққатли иш. Бошқача айтганда, игна билан қудуқ қазишдек гап. Шундай экан, бу оғир меҳнат, машаққатли изланишлар тегишли даражада рағбатлантирилиши ҳам керак. Президентимиз томонидан кейинги йилларда қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси академиклари фаолиятини такомиллаштириш тўғрисидаги фармон ва мазкур фармонга асосан қабул қилинган қарор, Республика олий таълим ва илмий-тадқиқот муассасалари ходимларининг меҳнатига ҳақ тўлаш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисидаги қарор ҳамда соҳага оид бошқа ҳужжатлар бу йўлдаги муҳим қадам бўлди.

Мен бугун ёшларнинг чақноқ нигоҳларига қараб, уларнинг юзида, шижоатида ўзига хос фидойиликни, изланишни, касбига мустақкам эътиқодни кўриб, қувонаман. Боиси, бугунги ёш олимларимиз, тадқиқотчиларимиз давлатимизнинг моддий, маънавий рағбатидан баҳраманд бўлишмоқда. Энди улардан юксак натижалар, буюк кашфиётлар, ихтиролар кутишга ҳақлимиз. Бу борада биз – устозлар уларга илмий ва ҳаётий тажрибаларимиз билан ўрнатилган бўлишимиз, ҳар жиҳатдан ибрат кўрсатишимиз лозим.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, юртимизда илм-фан билан шуғулланиш, кашфиётлар яратиш, инновацион ғоялар ва технологияларни амалиётга жорий этиш учун барча имкониялар яратилди. Демак, ҳар бир олим учун, у кексадир, ёшдир, ўз виждони олдига қилаётган ишлари ҳақида ҳисобот бериш вақти келди.

**Қирғизали МИРЗАЖОНОВ,**  
академик,  
“Меҳнат шухрати”  
ордени соҳиб.

# ИЛМУ АМАЛ ОСТОНАСИ

**2002 йилда ташкил этилган Касби туманидаги Денов қишлоқ хўжалик касб-хунар коллежида бугунги кунда агрономия, қишлоқ хўжалик машина ва жиҳозларини ишла-тиш ва таъмирлаш, автомобилларга техник хизмат кўрсатиш бўйича техник-механик, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини консервалаш технологияси, сут ва сут маҳсулотларини ишлаб чиқариш техник-технологии, тикув ва тикув-трикотаж буюмла-ри ишлаб чиқариш, компьютер ва компьютер тармоқларини ишлатиш йўналишлари мавжуд.**

Ўқувчиларнинг касбий салоҳия-тини оширишда электргазпайванд-лаш, чилангарлик, тикувчилик уста-хоналари ҳамда автомобиль тузили-ши, ўсимликшунослик, агрономия, трактор ва автомобиль лаборатория-ларининг муносиб ҳиссаси бор.

— Халқимиз кутубхонани нурга қийслади, — дейди касб-хунар колле-жи раҳбари Латиф Мирзоқулов. — Ҳозирда ўқувчи-мураббийларимиз 15534 турдаги умумтаълим, 7292 та

ийгит, қизлар ўртасида ўтказилган энгил атлетика бўйича Ўзбекистон чемпионатида 1500 метрга югуриш тури бўйича 1-ўринни, 800 метрга югуриш тури бўйича 3-ўринни, Жиззах шаҳрида ўтказилган "Баркамол авлод—2017" спорт мусобақала-рининг энгил атлетика спорт тури-нинг 800 метрга югуриш тури бўйи-ча 1-ўринни эгаллашга муваффақ бўлишди.

Коллежнинг 4,3 га экин майдо-



**Ўқитувчи Фурқат Бўриев машгулот пайтида.**



**Ўқитувчи Бахтигул Жавлиева ўқувчилари Сўғдиёна Бўриева, Кибриёхон Рашидова билан.**

касбий таълим фанлари, 541 хилда-ги сиёсий, бадиий адабиётларнинг 10085 та, электрон дарсликнинг 71 та, 161 турдаги маъруза матнлари жами 34019 хил билим манбаидан ҳамда қатор газета, журналлардан баҳраманд бўлишмоқда. Муҳтарам Президентимиз томонидан китоб ишлаб чиқаришига, китоб ўқишга бўлган алоҳида эътиборларидан руҳ-ланиб коллеж китоб фондини яна-да кенгайтириш бўйича аниқ дастур асосида фаолият олиб бормоқдамиз. Ўқувчиларнинг пухта билим олиш-ларида, серқирра мутахассис бўлиб етишишларида 12 та умумтаълим фанлар, 12 та махсус фанлар, маъ-навий-маърифий ҳамда спорт тур-лари бўйича 12 та мунтазам фаоли-ят олиб бораётган тўғарақларнинг ўрни катта ва бу ўз натижаларини берапти. Коллеж вакиллари ўсмир

ни мавжуд бўлиб, мазкур майдон-ларнинг бир қисмида ҳамда коллеж ҳудудида 2120 туپ мевали, 10320 туپ манзарали дарахтлар, 1,2 га ер май-донида доимий ва мавсумий гуллар экилган. 1,8 сотих ер майдонида ис-сиқхона ташкил этилган бўлиб, лимон экилган. 20000 дона манзара-ли дарахт кўчатлари парваришлан-моқда. Дарахт таглари юмшатиш, гуллар парваришланиб, бегона ўтлардан тозаланган. Бир сўз билан айтганда, коллеж сўлим, файзли масканга айланган.

— Агросаноатни ривожланти-ришнинг бош омили — агро илм-дан кенгроқ фойдаланишдadir, — дейди Латиф Мирзоқулов. — Шу маънода Муҳтарам Юртбошимиз-нинг 2017 йил 1 ноябрдаги "Илмий-тадқиқот муассасаларининг инфра-тузилмасини янада мустаҳкамлаш

ва инновацион фаолиятини ривож-лантириш чора-тадбирлари тўғри-сида"даги қарори, 2017 йил 29 но-ябрдаги "Ўзбекистон Республика-си Инновацион ривожланиш ва-зирлигини ташкил этиш тўғриси-да"ги фармонида ҳам таълим тизи-мини такомиллаштириш, илм-фан сирларини ўқувчиларга янада кўпроқ сингдириш маъсулиятини юклайди.

Коллежда Ўзбекистон Республи-касининг "Таълим тўғрисида"ги Қонуни, Кадрлар тайёрлаш миллий дастури талабларини ҳаётга изчил татбиқ этиш, кадрлар тайёрлаш са-марадорлигини ошириш, таълим турлари ўртасидаги ўзаро интегра-ция жараёнини кучайтириш ҳамда улар ўртасидаги узвийлик ва узлук-сизликни таъминлаш мақсадида Қарши муҳандислик-иқтисодиёт институти билан узвий алоқа ўрна-тилган. Шунга кўра, тизимда таълим самарадорлигини оширишга хизмат қилувчи имкониятлар ва шарт-шар-ойитлар яратиш бўйича тавсиялар, дарслик, ўқув қўлланма, маъруза матни ва замонавий педагогик ва ахборот технологиялар билан бойи-тилган маърузалар яратиш масала-ларида ҳамкорлик дастурларини ишлаб чиқиш йўлга қўйилган.

Ўқувчиларнинг ўқишини кўчи-риш, тиклаш ва ўқишдан четлаш-тириш масалалари ярим йиллик ўқувдан сўнг бир йилда икки маро-таба кўриб чиқилади. Вакант ўқитувчилар ўрнини тўлдириш ма-саласида олий таълим муассасала-рига мурожаат қилинади. Коллеж билан ота-оналар, маҳалла, ҳоки-мият ва ҳуқуқ-тартибот идоралари ўртасида ҳамкорлик ўрнатилган бўлиб, вақти-вақти билан тадбир-лар ўтказиб турилади.

Шунингдек, жамоа олдида ўқув-чиларнинг коллежга қатнаши учун транспорт қатновини такомиллаш-тириш, ҳозирда ишлаб турган ах-борот коммуникация технология воситалари, тикув машиналарини янгилаш, ўқув биноларини таъмир-лаш, кутубхона китоб фондини янада бойитишни жадаллаштириш масаласи турибди.

**М.ФАЙЗУЛЛАЕВ.**

## НАМУНАЛИ ҲЎҚУВ ДАРГОҲИ

**Андижон гидромелиорация техникуми 1993 йилда Андижон мелиорация ва сув хўжалиги коллежига айлантирилган эди. 2000 йилдан Марҳамат қишлоқ ва сув хўжалиги касб-хунар коллежи деб атаётган бу даргоҳ тажрибали устоз Абдурашид Болтабоев раҳбарлигида агросаноат тизимига муносиб кадрларни тайёрлаб келмоқда.**

– Ҳўқувчиларни мазкур ҳўқув йилида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 14 мартдаги "Ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги, 2017 йил 2 майдаги "2017/2018 ҳўқув йилида Ўзбекистон Республикасининг ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларига ўқишга қабул қилиш тўғрисида"ги қарорлари асосида ҳўқувчилар ва уларнинг ота-оналари билан ҳўқувчиларнинг қизиқишлари ва лаёқатларига му-



**Кимё фани ўқитувчиси  
Шоҳруҳбек Тўрахонов.**

вофиқ таълим йўналишлари ва касблар онгли танлашига таяниб қабул қилганлигимиз, – дейди коллеж директори А.Болтабоев. Ҳўқувтарбия жараёнининг сифатини таъминлашда жамоамизни малакали ўқитувчи кадрлар билан тўлдириш, зарур замонавий ҳўқув-лаборатория асбоб-ускуналари, компьютер техникаси, ҳўқув-меъёрий ҳужжатлар, ҳўқув ва услубий адабиётлар билан таъминлашга алоҳида эътибор қаратаймиз.

Ҳозирда таълим ўчоғи 137 нафар педагог ходим билан тўлиқ таъминлангани ҳолда суғориладиган ерлар мелиоратив тизимлари, автоматлаштирилган сув хўжалиги объекларини монтаж қилиш, таъмирлаш ва хизмат кўрсатиш, транспортларда ташиш ва бошқаришни ташкил этиш (автомобиль транспорти), компьютер инжиниринги, гидротехника иншоотлари ва насос станцияларидан фойдаланиш техниклари ҳамда автомобилларга техник хизмат кўрсатиш, гидромели-

Сигирларни сут маҳсулдорлиги уларнинг зоти, зотдорлиги, ёши, биринчи қочириш, вазни, лактация даври, озиқлантириш, сақлаш, соғиш ва бошқа омиллар таъсир қилади. Уларнинг ичида энг биринчи ўрин-

алмашинувчи энергия, 124 г ҳазмланувчи протеин, 81 г қанд мавжуд бўлган [3].

Сигирларнинг сут маҳсулдорлиги ва тирик вазни ўртасида ҳар доим ҳам ижобий корреляция кузатилавермайди. Лекин жуссаси йирик, бақувват, кўкрак қафаси яхши ривожланган ҳайвонларнинг аксариятининг вазни юқори бўлиб, бундай ҳайвон кўпроқ озуқа истеъмол қилиш уни самарали ҳазмлаш ва ўзлаштириш натижасида сермаҳсул ҳисобланади.

1-жадвал

Бир типли сигирлар рациони

Озуқа тури	Миқдори, кг	Озуқа бирлиги	Қуруқ модда, кг	Алмашинувчи энергия, мДж	Ҳазмланувчи протеин, г	Клетчатка, г	Қанд, г	Кальций, г	Фосфор, г	Каротин, мг
Пичан	3	1,32	1,25	11,4	119,1	402,3	120	5,1	1,8	63
Сомон	3	0,66	2,646	16,2	36	1134	180	15,9	3,6	-
Сенаж	10	2,5	4,260	35	475	1579	190	100	13	50
Силос	20	3,8	6,340	56	284	2204	120	28	8	240
Ем	4	3,6	3,488	42,4	461,6	3128	224	21,2	34,8	-
Барда	20	1,4	1,680	18	220	-	200	8,0	4,0	-
Туз	100 г	-	-	-	-	-	-	-	-	-
<b>Жами:</b>	<b>x</b>	<b>12,77</b>	<b>19,66</b>	<b>179,0</b>	<b>1595,7</b>	<b>5632</b>	<b>1034</b>	<b>178,2</b>	<b>61,6</b>	<b>353</b>

ни озиқлантириш эгаллайди. Фаразларга кўра, сигирлар сут маҳсулдорлигининг 60 фоизи озиқлантиришга, қолган қисми эса бошқа омилларга боғлиқ. Рацион тузишда асосий мезон қилиб сигирларнинг тирик вазни бир кеча-кундузда берадиган сут миқдори ва сутнинг ёғлилик даражаси олинади. Рационнинг тўйим-

Шу боис сигирлар подасини шакллантиришда наслчилик ишлари олиб бориш жараёнида ҳайвонларнинг соғлом, яхши ривожланган, бақувват, вазни йирикларини танлаб олишга ҳаракат қилинади.

Республикамизнинг кескин континентал иқлим шароитида урчитилаётган сигирларнинг сут таркибидаги

2-жадвал

Австрия швиц зотли биринчи туққан сигирларнинг тирик вазни, кг

Гуруҳ	Андоза талаби, Ўзбекистон	Ҳақиқий тирик вазни, м±	Андозага нисбатан, %	Андозага нисбатан, ±
Австрия швиц сигирлари	1) Назорат	491,7±9	117,1	+71,7
	2) Тажиба	517±13	112,4	+57

лиги бўйича дағал озуқалар 31, ширали озуқалар 41 фоизни ва қолган 28 фоизни ем ташкил этиб, ушбу нисбатни меъёрлар даражасида айтиш мумкин. Ҳазм-

пасайиши кўпайтиради.

Агарда сигирлар касалликка чалиниб, физиологик ҳолатида ўзгариш юз берса, у ҳолда сутнинг таркибий қисми ўзгаради. Сигирларнинг елини ва ошқозон-ичак тизими касалланганда сутнинг таркибида кескин ўзгаришлар рўй беради. Юқумли касалликларга учраган сигирлардан соғиб олинган сут фақат қайнатилгандан

3-жадвал

Сигирларнинг сут маҳсулдорлиги

Сигирлар	Сут соғими андоза талаби, кг	Ҳақиқатда, кг м±	Андозага нисбатан, ±	Сут ёғи андоза талаби, %	Ҳақиқатда, кг м±	Андозага нисбатан, %	Андозага нисбатан, ±
1-лактация сигирлари	2400	4712±112	196,3	3,7	3,75±	101,3	+0,25
	2900	4815±119	166	3,7	0,035 4,1±904	101,6	+0,06

ланувчи озуқаларнинг 7,2% бўлиши катта қоринда микроблар, бактериялар ва бир ҳужайрали содда жонзотлар фаолияти учун қулай бўлиб, озуқаларнинг ҳазмланишига ижобий таъсир қилиши аниқланган.

кейин бузоқларга берилади.

Бир озуқа бирлигида 1,54 кг қуруқ модда бўлиши унинг тўйимли моддалар билан яхши тўйинганлигидан далолат беради. Бир озуқа бирлигида 14,02 мДж

**А.АБДУВОСИҚОВ,**  
ассистент,

**Ғ.АМАНТУРДИЕВ,**  
доцент,

**Х.ХОЛИҚОВ, И.АБДУВОСИҚОВ,**  
талабалар, (ТошДАУ).

АДАБИЁТЛАР

1. Айбашев М.К. Молочная продуктивность качества молока и некоторые биологические особенности коров черно-пестрой породы и их помесей с голштиномы в условиях жаркого климата. Автореф. дис. ... канд. - Ташкент. 1993.
2. Аширов Б. Выход молочной продукции у коров разного типа // Журнал "Зооветеринария". - Ташкент, 2013. - №2. - 34 с.
3. Дмитриева В.И., Кольцов Д.Н., Гонтов М.Е., Чернушенко В.К. Продуктивное долголетие коров и влияние на него ряда факторов // Журнал "Зоотехния". - Ташкент, 2009. - №7. - 18 с.



## ИПАК ҚУРТИНИ БОҚИШ ЖАРАЁНИГА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ЭКИНЛАРИДА АМАЛГА ОШИРИЛАДИГАН АГРОТЕХНИК ТАДБИРЛАРНИНГ ТАЪСИРИ

*In the given article is given recommendation on caring silkworm, as well as protection agricultural plants cotton fields, from harmful insects by poisoning them with the chemicals such as insecticides and insectacarasids given chemicals also make harm mulberry trees and their poisoned leaves are given silkworms. According to this poisoned leaves killed silkworms.*

Маълумки, тут ипак қурти боқиш мавсуми ғўза, ғалла ва бошқа қишлоқ хўжалиги экинларини парваришlash агротехника тадбирларини ўтказиш билан биргаликда амалга оширилади.

Тут ипак қурти касалликка чалинса, уларни даволаш деярли имконсиз. Бунда фақатгина касалликларнинг олдини олиш чора-тадбирларини олиб бориш мумкин, холос.

Ипак қурти парваришланаётган бир пайтда ғалла ва пахта майдонларида тарқалган хасва, шира,

Республикамиздаги якка тут қаторлари ва тутзорларни қуйдаги турларга бўлиш мумкин:


1. Йўл ёқалари ва далаларнинг атрофларига ихота сифатида экилган баланд ва бута шаклидаги тут дарахтлари (бундай турдаги тут дарахтлари ипак қурти озуқа фондининг 75 фоизини ташкил этади).

2. Махсус ажратилган майдонларда етиштирилаётган баланд танаги ва бута шаклидаги тут плантациялари.

3. Бошқа турдаги дарахтлар би-

ла”, “Энджео”, “Данте”, “Суперкилл”, “Нурелл-Д”, “Ниссоран”, “Энтосоран” каби препаратларнинг таъсири бир неча кунгача давом этиб, ипак қурти учун ҳам ўта хавfli ҳисобланади.

Ушбу муаммонинг олдини олишда ҳудудлардаги ўсимликларни ҳимоя қилиш отряди аъзолари, ҳудуд агрономи ва пиллачилик агрономлари бир-бирлари билан ҳамкорликда ишлаши муҳим аҳамиятга эга. Экин майдонларида зараркундаларга қарши кимёвий усулдан фойдаланишга



ғалла пашшаси, трипс, ўргимчаккана, қандала, оққанот, карадрина каби зараркундаларга қарши кураш чора-тадбирлари ҳам амалга оширилади. Бу эса парваришланаётган ипак қуртларига таъсир этмасдан қолмайди, албатта. Айниқса, зараркундаларга қарши кимёвий ишлов берилганда экин майдонларининг чеккаларига ихота сифатида экилган тут дарахтлари ҳам мазкур препаратлар таъсирида бўлади. Бундай тут дарахтларининг баргларида ипак қурти учун озуқа сифатида фойдаланиб бўлмайди. Афсуски, фермерлар ва мутахассислар ушбу ҳолатга етарлича эътибор бермайдилар. Бунинг оқибатида боқилаётган ипак қуртлари захарланиб, қирилиб кетишига сабаб бўлади. Бу эса пировардида хўжаликнинг иқтисодийётига жиддий зарар келтиради.

лан аралаш ҳолда экилган тут дарахтлари (бундай турдаги тут дарахтлари асосан аҳоли томорқаларида учрайди).

Юқорида таъкидланганидек, ипак қурти озуқа базасининг 75 фоизини ташкил этувчи тут дарахтлари йўл ёқалари ва далаларнинг чеккаларида жойлашганлиги боис уларни турли кимёвий воситалар таъсиридан асраш мушкул вазифа ҳисобланади.

Куйи Чирчиқ туманидаги “Юлдуз” фермер хўжалиги ҳудудида олиб борган кузатишларимиз натижасида юқорида таъкидлаб ўтилган муаммоларнинг олдини олиш борасида амалий натижаларга эришилди.

Кузатишларимиз асосида олинган маълумотлар шундан далолат берадики, экинзорларда қўлланилган “Карате”, “Киллер”, “Атил-

эҳтиёж сезилса, бу ҳақда, албатта, ҳудуднинг пилла агрономи огоҳлантирилиши лозим. Шунда пилла агрономи биринчи навбатда ушбу майдон теварак-атрофида жойлашган тут дарахтларининг шох-шаббаси кесиб олинишини ташкил этиши керак. Бунинг натижасида тут дарахти барглари кимёвий воситалар таъсирида қолишининг олди олиниб, тут дарахтининг барг ҳосилдан ипак қуртини боқишда унумли фойдаланиш имконияти яратилади. Шу билан биргаликда, озуқа танқислиги, ипак қуртининг кимёвий восита таъсирида нобуд бўлиши каби муаммолар бартараф этилади.

**Қ.ЖУМАҚУЛОВ, Н.РАЖАБОВ,**  
мустақил изланувчи-тадқиқотчилар,

**М.БОЛТАЕВ,**  
талаба (ТошДАУ).

# ФАРҒОНА ВОДИЙСИДА АСАЛАРИ ОИЛАСИ БИОЛОГИЯСИ ВА УНИНГ ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИДАГИ АҲАМИЯТИ

*The article illuminated of bee family's biology in the Fergana valley and its importance in raising productivity of agricultural crops.*

*Асаларичилик қишлоқ хўжалигининг муҳим тармоғи ҳисобланади. Асаларилар инсон соғлиғи учун ўта фойдали бўлган асал ҳамда халқ хўжалигида кенг ишлатиладиган асалари сути, асалари елими, асалари захари каби маҳсулотлар етиштириб беради. Шу боис халқимиз асаларичиликни етти хазинанинг бири деб атайди. Шунингдек, асаларилар қишлоқ хўжалик экинларини чанглатишда муҳим аҳамиятга эга. Қолаверса, бу дунёда табиатнинг бебаҳо неъматини бўлган асални хуш кўриб истеъмол қилмайдиган одам бўлмаса керак.*

Асалари, болари (*Apis mellifera* L.) – арилар оиласининг бир тури. Асаларининг ватани Жанубий Осиё ҳисобланади. Асаларилар асосан оила бўлиб яшайди. Бу оила бир она (халқ тилида “подшо” деб ҳам юритилади), бир неча минг ишчи ва бир неча юз эркак арилардан иборат. Она асалари танасининг узунлиги 20–25 мм, вазни 200–250 миллиграмм бўлиб, баҳордан кузгача тухум қўйиш ва оилани бошқариш вазифасини бажаради. Қаноти танасининг ярмини қоплайди, нектар, гул чангини йиғувчи аъзосининг йўқлиги билан фарқланади.

Она асаларининг жинсий аъзолари ривожланган бўлиб, беш йилгача яшайди (тажрибали асаларичилар она асаларини бир-икки йилда янгилаб турадилар). Бир кечакундузда 2–2,5 мингтагача тухум қўяди. Оталанган тухумлардан 21 кунда ишчи асалари, оталанмаган тухумлардан 24 кунда эркак асалари чиқади. Агар личинкаларни ишчи асаларилар асалари сутини билан озиқлантириб турса, 16 кунда она асалари чиқади. Тухумдан чиққан она асалари 7–8 кунда жинсий ба­лоғатга етади.

Эркак асалари танасининг узунлиги 15–17 мм, вазни 200 мг, қорин қисми тўмтоқ бўлиб, олдинги қанотлари узун, гул чанги ва нектар йиғувчи аъзоси, найзаси йўқ. Кўкраги кенг, хартуми қисқа. Бир оилада 80–100 тагача эркак асалари бўлади. Асосий вазифаси она асаларини уруғлантиришдан (асосан ҳавода жуфтлашади, уруғлантирганидан кейин нобуд бўлади) иборат. Улар уяда фақат ёзда бўлади, кузда оилада урчиш тўхташи билан уларни ишчи асаларилар уядан қувиб чиқаради.

Ишчи асалари танасининг узунлиги 11–15 мм, вазни ўртача 100 мг, жинсий аъзолари ривожланмаган ургочи асаларилардир. Ёзда 35–

40 кун, қишда 3 ой яшайди. Бир оилада ёзда 60–80 минг, қишда 10–15 минг ишчи асалари бўлади. Со­ати­га 65 километргача тезликда уча олади, оиладан 2–3 километр ва ундан ортиқ масофага учиб бориб, нектар ва гул чангини йиғиш, нектарни асалга айлан­тириш, мум ишлаш, личинкаларни боқиш, катак қуриш, уяни кўриқлаш каби ишларни бажаради.

Асаларилар гўзани чанглатиши натижасида пахта ҳосилдорлиги ортади (10–24%) ҳамда унинг сифати яхшиланади. Ҳосилдорликнинг ор­ти­ши­га қўшимча тарзда иқтисодиёт учун тўғридан-тўғри олинадиган маҳсулотнинг – асалнинг олиниши ҳам ўта муҳимдир. Олиб борган тадқиқотларимиздан маълум бўлишича, гўза навларига қараб, 1 га майдондан 1 кутидан бир кунда 0,5 кг. дан 3,5 кг. гача асал олиш мумкин. Ўрта ҳисобда тўлиқ чангланиш амалга ошиши учун 1 га майдонга 1–2 оила (уя) асалари зарур. Гуллаш даври бошланган июль ойининг охиридан сентябрнинг охиригача 10 га пахта даласи ёнида доимий тарзда жойлашган ҳар бирида 12 тадан рамка бўлган 20 та асалари уяси асаларичига 700 кг. дан 3000 кг. гача соф асал бериши кузатилди. Асалариларнинг ўсимликларни чанглатиши туфайли қишлоқ хўжалиги ўсимликлари ҳосилдорлигининг ор­ти­ши яна бир бор ўз тасдиғини топди. Масалан, мевали дарахтлардан 50–60%, кун­га­боқар ва рапсадан – 45–50%, эс­пар­цет, бедадан – 35–40%, полиз экинларидан – 80–90% кўпроқ ҳосил олиш мумкин. Асаларилар

гулларни чанглатганда айниқса Фарғона водийсининг сабзавоткор хўжаликлариди­ка­рам, пиёз, сабзи каби сабзавотларнинг ҳосили сал­моқли ор­ган­ли­гини кузатиш мум­кин. Яна шу нарсани муҳимки, аса­ларилар гулларни яхшилаб чанг­лат­са, мева ҳамда уруғларнинг си­фати сезиларли даражада яхши­ла­нади. Айнан асаларилар аграр ланд­шафтдаги зарур экологик вази­фани бажарувчи асосий ҳашаротлар сифатида аҳамиятга эга.

Тадқиқотларимиз давомида беда ва сабзавотларнинг ҳосилдорлиги асалариларнинг бор-йўқлигига боғ­лиқ ҳолда ўзгариши кузатилди. Бир хил суғориш шароитига эга бўлган бир хил далалар танланди. Лекин назорат қилинаётган далалар аса­ларилар томонидан чанглатилма­ган эди, намойиш қилинаётган да­ланинг ёнида эса ҳар бир ари уяси­да 12 тадан рамка бўлган 10 та ари уяси­дан иборат асалари қутилари жойлаштирилди. Натижада беда уру­гининг ҳосилдорлиги асалари қўйилмаган жойга нисбатан ҳар бир гектарига 19,7 кг. га ортган. Бодринг палагида эса бодринглар ширин, серсув бўлиб, ҳосилдорлиги гекта­рига 600 кг. дан ортган.

Тадқиқотларимиз давомида шун­дай хулосалар олинди.

1. Қишлоқ хўжалиги далалари олдида асалариларнинг мавжудли­ги фермер хўжаликлари учун фой­дали ҳисобланади;

2. Асаларилар ўсимликни чангла­тиши натижасида ўсимлик турига ва экиш шароитларига қараб, ҳосилдорликнинг ўсиши 10 фоиз­дан 90 фоизгача ортади;

3. Асаларичиликни ривожланти­риш аҳолининг соғлиғи учун муҳим бўлган асал ва асаларининг бошқа маҳсулотлари олишда, шунингдек, фермер хўжаликлариди­ка ҳосил олишлари учун қўшимча даромад манбаи бўлиб хизмат қилади.

**М. ЮНУСОВ,  
Ф. ХАБИБУЛЛАЕВ,  
М. НИЗОМИДИНОВА,  
(ФарДУ).**

## АДАБИЁТЛАР

1. А.И. Исамухаммедов. Асаларичилик. - Тошкент, "Ўқитувчи", 1995.
2. А.С. Нуржидин, Г.Ф. Таранов, В.И. Полтев, Е.Г. Понамарева, Г.В. Чудаков. Асаларичилик қўлланмаси. - Москва, "Колос", 1984.
3. А.И. Исамухаммедов, Ҳ.К. Никадамбаев. Асаларичиликни ривожлантириш асослари. - Тошкент, "Шарқ", 2013.

# ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ЭКИНЛАРИ МЕВАЛАРИНИНГ ҚОБИҒИНИ АЖРАТИШДА БОСИМЛИ ҚУРИЛМАНИ ҚўЛЛАШ

Қишлоқ хўжалик экинлари меваларининг (масалан, ерёнғоқ) қобиғини ажратишда ҳозирда қўлланилаётган механик услуб қобиғидан ажратилаётган донларнинг маълум қисми шикастланишига олиб келади, айти пайтда нисбий энергия сарфи юқори.


Шу сабабли қишлоқ хўжалик экинлари уруғлари ва меваларининг қобиқлари ва пўстлоқларини ажратишда уларнинг шикастланишини кескин камайтириш, ажратишнинг сифатини яхшилаш, нисбий энергия сарфини камайтириш долзарб масалалардан ҳисобланади.

Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари уруғлари ва меваларига ишлов беришда номеханик услубни қўллаш уларнинг шикастланишини кескин камайтириш имконини беради. Донлар қобиғини ажратишнинг истиқболли йўналишларидан бири ўзгарувчан босимни қўллаш ҳисобланади. Ушбу услубда босим дон ва унинг қобиғи оралиғига берилади ва сўнг қобиқ ташқи томонидан босим кескин тез чиқарилади. Шу билан бирга мева (дон) қобиғи оралиғига урилган ҳаво натижасида олинган потенциал энергия дон қобиғи ташқи томондаги босимни дон материали массасидан тез тушириши натижасида дон ва унинг қобиғи ўртасидаги боғлиқликни ажратувчи ишга айланади.

Бу услубнинг истиқболлилиги олинган маҳсулот сифат кўрсаткичларининг юқори бўлиши билан аниқланади, чунки механик услубда бундай натижаларни олиб бўлмайди [1]. Масалан, механик услубда донлар қобиғини ажратишда доннинг майдаланмаслигини ва шикастланмаслигини таъминлаб бўлмайди, пояли озуқаларни тайёрлашда озуқа массасида бир хил толасимон массани олишнинг имконияти йўқ. Илдизмеваларни тупроқ, лойдан тозалашда уларга ши-

каст этади.

Юқоридагилардан келиб чиқиб ва сўнгги йилларда олиб борилган илмий тадқиқотлар натижасида Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институтида янги, ўзгарувчан босимни қўллаш услубига асосланган, содда, энергия ва ре-



Расм. Қишлоқ хўжалик экинлари қобиғини ажратишда босимни қўллаш қурилмасининг принципиал схемаси: 1 — компрессор; 2 — рессивер; 3 — кран; 4 — манометр; 5 — ишчи камера; 6 — юритма; 7 — ғалвир; 8 — сифимлар.

сурстежамкор қишлоқ хўжалик экинлари мевалари қобиғини ажратиш қурилмаси яратилди (расм).

Қурилма қуйидагича ишлайди: ишчи сифимнинг учдан икки қисмига қобиғи олинган маҳсулот (масалан, ерёнғоқ) солинади ва ишчи сифимнинг қопқоғи винт ва дастак ёрдамида герметик ёпилади. Ишчи сифимга компрессор билан вакуум қувури ёрдамида 6–8 КПа босимда ҳаво берилади ва 3–5 минут ушлаб турилади. Сўнг қопқоғни очиш механизмининг штоги ричагли механизм ёрдамида сурилади. Штокнинг икки томонидан ўрнатилган шариклар шток сурилиши натижасида штокнинг маҳсус ўйиқ жойига етганда шариклар ўйиққа тушади, шу вақт қопқоқ-

нинг босим билан юқорига қўтарилишига имконият берувчи маълум оралиқ масофа ҳосил бўлади. Ушбу масофа қопқоғнинг очилишига имкон яратади ва қопқоғ очилиб портлаш содир бўлади. Портлаш натижасида қобиғини ажратиш учун солинган материалнинг ички ва ташқарисидаги босимлар фарқи эвазига материал қобиғидан ажралади. Сўнг қурилмада босим билан ишлов берилган материал аралашмаси ишчи камерадан тозалаш секциясига ўтказилади. Унда жойлашган кўзлари ҳар хил ўлчамли ғалвирлардан ўтказилиб, тоза дон ва чиқиндига ажралади.

Ерёнғоқ қобиғини ажратиш бўйича ўтказилган тажрибалар қурилманинг қўйилган талабларни сифатли бажара олишини кўрсатди [2]. Қурилма ерёнғоқ қобиқларини ажратишда 95–100 фоизгача ажратиш ва шу билан бирга қобиғи ажралган донларнинг шикастланиш даражаси жуда кам, яъни 2% атрофида бўлишини, бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари мош, нўхат ва кунгабоқар донлари билан ўтказилган экспериментлар мош ва нўхат донлари қобиқларининг намлиги 12–14% атрофида бўлганда 97–100 фоизгача ажралиши, донларнинг умуман шикастланмаслиги кузатилди.

Ҳозирда ушбу қурилманинг нафақат донлар қобиғини, балки булғор қалампири, аччиқ қаламбир, наъма-так ва бошқа шунга ўхшаш ўсимликлар уруғларини ажратиш имкониятларини ўрганиш устида илмий-тадқиқотлар олиб борилмоқда.

**Д.АЛИЖАНОВ,**  
т.ф.н., доцент,

**Н.АШУРОВ,**  
илмий изланувчи,

**Р.БОТИРОВ,**  
магистрант, (ТИҚХММИ).

## АДАБИЁТЛАР

1. Бутковский В.А. Технология мукомольного, крупяного и комбикормового производства. - М.: Колос, 1981. - С. 256.
2. ҚХА-3-021-2015 - "Ерёнғоқ ва бошқа турдаги донлар қобиғини ажратиш қурилмаси технологик параметрларини асослаш" бўйича 2015-2017 йиллар учун якуний ҳисоботи. - Тошкент, ТИҚХММИ, 2017. - 95 б.

## ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИДА ИННОВАЦИОН ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ

Ҳисоб-китобларга кўра, яна 30 йилдан сўнг Ер шари аҳолисига айна пайтда истъмолад қилинаётганидан 70% кўпроқ озиқ-овқат зарур бўлади. Бугунги глобаллашув шароитидаги экологик ўзгаришлар, ҳосилдор ерларнинг камайиши, энергия ресурсларининг қимматлашуви, сув ресурсларининг тақчиллашиб кетаётгани озиқ-овқат маҳсулотлари таъминотидаги муаммоларни келтириб чиқариши сир эмас.

Бу борада дунё олимлари кўплаб инновацион ишланмаларни амалиётга кенг жорий этиб, деҳқонларнинг қишлоқ хўжалик экинларидан юқори ҳосилдорликка эришишлариға кўмак бермоқдалар.

Инновацияларни қишлоқ хўжалиги соҳасига жорий этишда АҚШ дунёда етакчилик қилмоқда. Бундай технологиялар ғалла етиштиришда айниқса кенг қўлланилапти.

Ана шундай илғор технологиялардан бири — ўзи ҳаракатланувчи (учувчи) воситалар — дронлардан мамлакатимиз қишлоқ хўжалигида кенг фойдаланиш муди аҳамиятга эга. Жумладан, трактор ва юк ташувчи техника воситаларига ўрнатилган учувчисиз мосламалар инсон омилини камайитиришидан ташқари, ёнилғи-мойлаш маҳсулотлари, уруғлик, ўғит ва кимёвий воситаларнинг ортиқча сарфланишининг олдини олиш имконини беради.

Россиянинг Cognitive Technologies компанияси 2016 йилда инсон иштирокисиз ерга ишлов бериш ва ҳосилни йиғиб олиш имкониятига эга бўлган ҳайдовчисиз тракторни тақдим этди.

Таҳлилчиларнинг фикрига кўра, ҳайдовчисиз транспорт воситалари келажак қишлоқ хўжалигининг “ақлли” асоси бўлиб қолади. Улар вақт ўтиши билан бугун қишлоқ хўжалиги фаолиятини — ерга ишлов бериш, ўсимликларнинг соғлом ўсишидан хабардор бўлиб туриш, ҳосилни йиғиб-териб олиш ва уни сақлашни автоматлаштиришга имкон беради.

Интеллектуал фермада нафақат ерда ҳаракатландиган транспорт воситаларидан, балки камера ва юқори сезгирли сенсорлар билан жиҳозланган учувчисиз учуш аппаратлари (УУА)дан тобора кенгроқ фойдаланилиши мумкин. УУА атиги бир неча соат мобайнида улкан катталиқдаги қишлоқ хўжалиги майдонларини кузатиб чиқади, камера ва сенсорлар ёрдамида зарур маълумотларни тўплаб, майдонларнинг электрон хариталарини тузиш, экинларни самарали ўғитлаш, олиб борилаётган ишларни сарҳисоб қилиш каби нормаллашган вегетация индекси (Normalized Difference Vegetation Index, NDVI)ни ҳисоблаш имконини яратади.

### ДРОНЛАР ЁРДАМИДА ДАРАХТ ЭКИШ ОММАЛАШАДИ

УУАлар мавжуд ер майдонларининг тупроқ ҳолатини талил қилиб, даланинг қаерига қайси экин уруғини экиш мақсадга мувофиқлигини аниқлаб беради.

Шунингдек, экин ёки унинг ҳосили ҳолати мониторинг қилиниб, зараркундаларнинг экинларга етказётган зарари, унинг даражаси аниқланади ва зарур чоралар кўриш имкони ҳам юзага келади. Маълумки, ўсимликлар ҳолатининг илк ёмонлашиш аломатлари хлорофилл ўзгаришида намоён бўлади. УУАда ўрнатилган камера ва датчиклар ёрдамида олинган маълумотлар асосида фермерлар бундай ҳолатни тезда бартараф этиш имконига эга бўлади.

УУАни қишлоқ хўжалигида қўллашнинг яна бир муҳим жиҳати — экинзорга кимёвий препаратлар ва махсус ўғитлар бир маромда пуркалишини таъминлайди. Энг муҳими, фермерлар бу каби юмушларни узоқдан туриб амалга оширишлари мумкин.

Таҳлилларга кўра, дунё қишлоқ хўжалигида УУА бозоридаги маблағ айланиши 864,4 млн. АҚШ долларини ташкил этиб, 2022 йилгача ҳар йили 30 фоиздан ўсиб бориб, 4,2 млрд. долларга етиши кутилапти. Экспертларнинг фикрича, кўпгина мамлакатларда метёрий-хуқуқий конъюнктуранинг секин-аста яхшиланиши бозорнинг фаол ўсишига кўмак беради. АҚШнинг “Tractika” консалтинг компанияси қишлоқ хўжалигида фойдаланиладиган дронлар сони 2024 йилга бориб 600 мингтага етишини башорат қилмоқда. Қишлоқ хўжалигида учувчисиз ускуналар ҳозирда АҚШ, Хитой, Япония, Бразилия, ЕИ мамлакатларида кенг қўлланилмоқда. Дунё УУА бозорида AeroVironment Inc, AgEagle, DJI, Yamaha каби компаниялар етакчилик қилмоқда.

Учувчисиз ускуналар бозори Россияда ҳам тобора ривожланиб бормоқда. Мамлакатдаги бозорнинг энг фаол қатнашчиларидан “Беспилотные технологии” (Новосибирск), “Геоскан” (Санкт-Петербург), “Автономные аэрокосмические системы — “ГеоСервис” (Красноярск) ва “ZLA AERO” (Ижевск) кабиларни таъкидлаб ўтиши лозим. Ушбу компанияларнинг қишлоқ хўжалиги учун тақлиф этадиган хизматлар кўлами анча катта. Жумладан, “Геоскан” компанияси агротехник тадбирларни олиб боришда ва назорат қилишда қишлоқ хўжалиги экинларини инвентаризация қилиш, майдонларнинг электрон хариталарини ташкил этиш, NDVI ва бошқа индексларни ҳисоблашни тақлиф этмоқда.

Кўпгина экспертларнинг фикрича, қишлоқ хўжалигида УУАларни қўллаш жараёни йил сайин кенгайиши муқаррар. Лекин учувчисиз ускуналардан қишлоқ хўжалигида самарали фойдаланиш учун фермерлар олинган маълумотларни (термограммалар, NDVI вегетация индекси ҳисобларини ва ҳ.к.) яхши тушуниши, балки улардан амалда самарали фойдаланишни (майдонларга солинадиган ўғитлар метёри қанча бўлиши, экинни қачон, қандай суғориш кераклиги ва ҳ.к.) яхши билишлари керак.

### ДАТЧИК ВА СЕНСОРЛАР — ДЕҲҚОН ХИЗМАТКОРИ

Қишлоқ хўжалигида қўлланиладиган замонавий датчик ва сенсорлар катта экин майдонларида радиоканаллар орқали назоратдаги объектлар ҳолати тўғрисида узлуксиз маълумотлар — яъни: намлик, ҳарорат, экиннинг соғломлик даражаси, ёнилғи захираси кабиларни узатишга қодир. Масалан, тупроқ таркиби, унумдорлигини аниқлаш тизимининг асоси назорат нуқталарида жойлаштириладиган сенсорлар ҳисобланади. Бундай датчиклар атроф-муҳитнинг мавжуд ҳола-

тини аниқлаш учун мўлжалланган (рельефни, тупроқ турини, ёруғликни, об-ҳавони, бегона ўтлар ва паразитларни) бўлиб, агрономлар зарур маълумотларни олиб, ҳар бир ер майдони шароитидан келиб чиқиб, агромаданий дарахт ва ўсимликларни етиштириш самарадорлиги тўғрисида қарор қабул қиладилар.

Бир хил ҳолат ёки даражада бўлмаганлиги аниқланганидан сўнг, ўсимликларни парвариш қилишга ишончли маълумотлар асосида ёндашилади. Бунда тупроқ намлигини ўлчовчи датчиклар ёрдам беради. Одатда экинлар қўлда суғорилганда сувни ишлатиш меъёрининг кўпгина параметрлари ҳисобга олинмайди, оқибатда сувнинг ҳаддан ташқари ортиқ сарфланиши туфайли тупроқ эрозияси ҳосил бўлиши мумкин. Датчиклар эса экин турини, унинг ўсиш фазаси ва бошқа омилларни ҳисобга олиб, тупроқ қатламининг қачон керакли даражада намланганлигини аниқлаши ва эрозиянинг олдини олишда ёрдам бериши мумкин. Бу сувнинг ортиқча ишлатилишини камайтиради ва унинг меъёрини белгилаб беради.

Датчиклар нафақат экинларни етиштиришга, балки ҳосилни сақлашга ҳам ёрдам беради. Омборларда намлик ва ҳароратни ўлчаш жадвал бўйича ёки реал вақт тартибида, агромаданиятнинг характеристикаларига мослаб, маҳсулотнинг анча вақт сифатли сақланишига имкон беради. Замоनावий тизимларда жуда катта миқдорда сақланаётган сабзавот ва меваларнинг айнан қайси жойда чириётгани ёки бузила бошлаганини аниқлаш имконини беради.

“Ақлли” датчик ва сенсорлар бундан ташқари, зараркуранда ва касалликларни аниқлаш, ҳосилдорликни баҳолашда кенг қўллашга мўлжалланган.

Экспертлар таҳлиliga кўра, 2020 йилга бориб Россия қишлоқ хўжалигида 40% мавжуд ҳолатни мониторинг қилиш учун майдонларда тегишли дастурий таъминот ва турли сенсорлардан фойдаланилади. IoT-платформалар ҳам қишлоқ хўжалигида ривожланиш бормоқда. IoT-тизимларини тарқатиш нархи, анъанавий мобиль тармоқлариникидан бир неча марта арзон. Бир донга бундай станция тўппа-тўғри кўринадиган ва зич қурилишлар бўлмаган шароитда – бир неча километр майдонни қоплаш имконини беради.

Масалан, 2016 йилнинг ноябрида Senet ва Paige Ag компаниялари LPWANнинг LoRa технологиясига таянган ҳолда деҳқонларга ақлли суғориш ечимини тақдим этдилар. Ўша йилнинг декабрида Ingenu, провайдер IoT-тармоғи ва AgriSource Data компаниялари ўзаро тупроқнинг намлик даражаси назорати бўйича сервисни ишга туширишди, бунинг учун улар RPMA протоколини танладилар.

Бундай сервис, масалан, Малайзияда ёғли пальмани самарали етиштиришга ёрдам беради. Бунда датчиклар резервуарларда сув даражасини автоматик мониторинг қилишни, ўсимликларнинг илдизларида тупроқнинг намлиги тўғрисидаги маълумотни йиғади. Бу эса ўз навбатида экин чанқаб қолишининг олдини олишга, яъни ҳосилни йўқотмасликка имкон беради.

### ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИДА “АҚЛЛИ” IOT-ПЛАТФОРМАСИ

“Ақлли” инновацияларни ишлаб чиқараётган Россия компанияларининг таъкидлашича, замонавий технология ва ўзига хос патентланган ғоялар билан Rigtech Iot Cloud платформаси дунё аналоглари билан муваффақиятли рақобатлашмоқда. Улкан ҳажмдаги маълумотларга ишлов беришда, юқори тезлик ва унумдорлиги мижозларга бизнес-логикаларни автоматлаштириш билан боғлиқ энг

амбициоз лойиҳаларни ҳаётга татбиқ қилишга имкон беради.

kSense тизими интеллектуал платформасининг ишлаш жараёнида дастурлаш ва мутахассислар керак бўлмайди. Бунда платформа атроф-муҳитнинг ўзгаришига қараб, автоматик тарзда мослашади ва берилган масалалар йиғимига боғлиқ бўлган бошқаришни амалга оширади.

Rigtech ва kSense Iot-платформалар қишлоқ хўжалигининг қуйидаги жиҳатларини автоматлаштириш имконини беради:

- автотранспорт ва қишлоқ хўжалиги техникасининг мониторинги. Фермерлар ўзларининг автотранспорт саройларини (автомобиллар, тракторлар, комбайнлар ва ҳ.к.) доимий назорат қилиш имконига эга бўладилар. Реал вақт тартибида транспорт воситалари ҳаракатланиши, ёнилғи сарфланиши, ҳайдовчининг иш вақти ва ҳ.к. лар тўғрисида маълумотга эга бўладилар.

- Қишлоқ хўжалиги маҳсулотини саралаш ва қайта ишлаш. Бу жараёнларни автоматлаштириш ходимларга тўланадиган молиявий харажатларни камайтиришга ва ҳосилни сифатли сақлашни амалга оширишга имкон беради. Фермерлар ўзларининг омборлари ҳарорати, унинг намлиги, карбонат ангидрид газини таркибини куну-тун бошқариш, терилган ҳосил ҳисобини олиб бориш ва ҳ.к. ларни амалга оширишлари мумкин.

- Аниқ деҳқончилик. Реал вақт режимида деҳқончиликнинг асосий омиллари назорат қилинади. Дастур тупроқнинг намлик даражаси ва минераллашганини баҳолашга, ўсимликлар озиқланадиган ёруғликнинг даражасини назорат қилишга ва ҳосилни суғориш ва йиғиб олиш механизмларини тафсилотли режалаштиришга имкон беради. Буни яққол кўриш учун барча маълумот интерактив харита кўринишида тақдим этилиши мумкин.

Чорвачиликни бошқариш. Фермерлар ўзларининг чорвачилик хўжаликлари аҳволини доимий назорат қилиш имкониятига эга бўладилар: мол қаердалигининг назорати, бўғоз ва бетоб молларни кузатишни олиб бориш, уларни соғишнинг энг қулай вақтини аниқлаш ва ҳ.к.

Таъкидлаш керакки, аниқ деҳқончилик технологиясини амалда энг кенг қўллаётган мамлакатлар Австралия, Япония, Канада, Германия, Швеция, Франция, Испания, Дания ва Буюк Британиядир. Юқоридагиларни ҳисобга олиб, Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги соҳасида “Ақлли” ускуналарни, тизимларни кенг қўллаш соҳанинг янада ривожланишида мезон бўлади. Бунинг учун барча шарт-шароитлар ва ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар мавжуд ва у янада такомиллаштириб борилмоқда.

Юқорида кўрсатилган дунё инновацион технологияларни республикамиз қишлоқ хўжалигига кенг қўллаш ва юртимиздаги фаолият юритиб келаётган ҳамда инновацион ишланмаларни қўллаётган хўжалик субъектларига ёрдам бериш мақсадида нодавлат, нотижорат ташкилоти “Агроинновация” жамғармаси ташкил этилмоқда. Бу ташкилот хориждаги етакчи илмий-тадқиқот институтлари, университетлари, компаниялари билан ҳамкорликда иш олиб бориб, инновацион ғояларни дунё, жумладан, Ўзбекистон қишлоқ хўжалигига, бунда унинг иқлими, табиатини ҳисобга олиб, қўллаш бўйича ишларни олиб бориши кўзда тутилган.

**Қ.АДИЛОВ,**

*“Multinnovation Green Technologies”  
МЧЖ бош директори*

## ЭКОЛОГИК ТОЗА МАҲСУЛОТЛАР ЕТИШТИРИШ САЛМОҒИ ОРТАДИ...МИ?

*Инсониятнинг атроф-муҳитга салбий таъсири туфайли тупроқ, сув ресурслари ва атмосфера ҳавосининг ифлосланиш даражаси ортиб бораётган бугунги шароитда жаҳонда экологик тоза маҳсулотларга бўлган талаб ҳам жуда тез ўсиб бормоқда.*

Экологик тоза маҳсулотлар етиштиришда экологик омиллар билан биргаликда, биринчи навбатда, тупроқ, сув, атмосферанинг тозалиги муҳим аҳамиятга эга. Чунки ўсимликлар ана шу ресурслар билан доимо бевосита боғлиқликда бўлади, яъни шу муҳитда ўсиб-ривожланиб, ҳосил беради. Ўсимликлар ўз илдизлари орқали тупроқдаги барча элементларни қабул қилиши ва атмосфера ҳавоси таркибидаги турли захарли газларни ютиши ҳамда ифлосланган сув манбаларидан суғорилиши уларнинг ҳосили таркибига таъсир кўрсатади.

Шу билан биргаликда, саноат корхоналарининг чиқиндилари, автотранспорт воситаларининг ташламалари, пестицидлар, минерал ўғитларнинг меъёридан ортиқча қўлланиши ва бошқа омиллар ҳам маҳсулотнинг экологик тозалигига албатта ўз таъсирини кўрсатади.

Носоғлом муҳитда ўсган ўсимликлар экологик талабга жавоб бера оладими деган саволга албатта йўқ, деб жавоб бериш мумкин.

Шу ўринда “экологик тоза маҳсулот”, “органик маҳсулот” тушунчаларига аниқлик киритиш учун шуни айтиш мумкинки, органик маҳсулот экологик тоза маҳсулотнинг илмий синоними ҳисобланади.

Таъкидлаш жоизки, жаҳон бозорларида органик маҳсулотларга бўлган талаб ортиб бораётган бўлсада, уларни ишлаб чиқариш анъанавий ишлаб чиқаришга нисбатан катта харажат сарфланиши билан ажралиб туради. Жумладан, экологик тоза маҳсулотларнинг баҳоси оддий маҳсулотларга нисбатан 3–5 баробаргача қиммат туради.

Дунё миқёсида АҚШ органик маҳсулотлар учун энг йирик бозор ҳисобланади. Шунингдек, Европа Иттифоқи мамлакатлари, Хитой, Канада каби давлатлар ҳам органик маҳсулотларнинг йирик истеъмолчилари ҳисобланади.

Австралия органик маҳсулот етиштирилувчи экин майдонлар бўйича дунё бўйича биринчи ўринни эгалласа, ундан кейинги ўринларда Аргентина, АҚШ, Испания ва Хитой эгаллайди.

Бугунги кунда жаҳон фани ва амалиётида органик қишлоқ хўжалигини ривожлантиришга атроф-муҳитни ҳимоя қилиш ва инсонлар соғлигини сақлашнинг асосий йўлларида бири сифатида қаралмоқда.

Органик қишлоқ хўжалиги нафақат етиштирувчилар, балки тадбиркор-ишбилармонлар учун ҳам қишлоқ хўжалиги самарадорлигини оширишда ва ишлаб чиқаришни кенгайтиришда муқобили бўлмаган йўналиш ҳисобланади.

Органик қишлоқ хўжалиги атроф-муҳитга зарар келтирадиган кимёвий воситалардан фойдаланмасдан, биологик хилма-хилликни асрайдиган, агроэкологикнинг санитария ҳолатини яхшилайдиган, тупроқ унумдорлигини оширадиган, инсонлар саломатлигини муҳофаза қиладиган ишлаб чиқаришни бошқаришнинг ягона тизими ҳисобланади.

Мутахассисларнинг таъкидлашича, экологик тоза маҳсулот етиштириладиган ерларда, аввало, 3 йил давомида тозалаш тадбирлари ўтказилиши талаб этилади. Шундан сўнггина тупроқ текширилиб, органик-экологик тоза маҳсулот етиштириш учун сертификат берилади.

Маҳсулот етиштиришда турли кимёвий воситалар, минерал ўғитлардан фойдаланиш ва генетик жиҳатдан модификацияланган экин навларини экиш қатъиян тақиқланади.

Бунда бир қатор агротехник тадбирлар қўл меҳнати эвазига бажарилади. Шундай усулда етиштирилган маҳсулотлар органик ёки экологик тоза маҳсулот номи олади.

Органик маҳсулотлар етиштиришни ташкил қилиш деҳқончилик тизимини ўзгартириш эмас, балки агроэкологикнинг экологик барқарорлигини таъминлаш, тоза муҳитда ва экологик талабларга жавоб берадиган шароитда маҳсулотларни етиштиришдан иборат.

Органик деҳқончиликни ривожлантиришнинг табиий имкониятларини сақлаб қолиш учун қишлоқ хўжалик ерлари ва тупроқларида пестицидлар, оғир металллар, токсинлар, хавфли микроорганизмлар

тарқалиб кетишидан ҳимояловчи қонунларнинг қабул қилиниши ва амалда қўлланилишини таъминлаш муҳим аҳамиятга эга.

Илмий кузатувлар натижасида олимлар экологик тоза маҳсулотлар инсон саломатлигига салбий таъсир кўрсатмаслиги ва юқори даражада ижтимоий-иқтисодий самара беришини асослаб беришган.

Тадқиқотларнинг кўрсатишича, экологик тоза маҳсулотлар истеъмол қилинганда одамларнинг ўртача умр кўриш ёшининг ортиши, ҳар хил касалликларга чалинмаслиги ҳамда болалар ўлимининг камайиши ва бошқа муҳим ижобий кўрсаткичларга эришилган.

Ўзбекистоннинг табиий-иқлим ва тупроқ шароитлари органик маҳсулотлар етиштириш учун қўйилдиган барча талабларга жавоб бериши билан ажралиб туради. Шу жиҳатдан, бу борадаги мавжуд салоҳиятдан самарали ва оқилона фойдаланган ҳолда ҳам ички бозорни экологик тоза маҳсулотлар билан таъминлаш, ҳам бундай маҳсулотларни экспорт қилишдан катта даромад олиш мумкин.

Ўзбекистонда туризмни, шу жумладан, агротуризмни ривожлантириш, сайёҳлар оқимини кўпайтириш, уларнинг юртимизда бўлиш муддатларини узайтиришга жиддий эътибор қаратилаётган бугунги бир пайтда органик маҳсулотларни ишлаб чиқариш ҳажмларини кўпайтириш ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Бунинг учун зарурий меъёрий-ҳуқуқий асосларни яратиш, мавжудларини такомиллаштириш, тегишли стандартларни ишлаб чиқиш ҳамда жорий қилиш, энг муҳими ушбу жараёнда бевосита иштирок этувчи фермерлар ва бошқа мутахассисларнинг бу борадаги билим ва кўникмаларини ошириш ҳал қилувчи омил ҳисобланади.

Шу йўл билан органик деҳқончиликни ривожлантириш орқали экологик тоза маҳсулот етиштиришни кўпайтириш ва ички бозорнинг озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган талабини қондириш билан бирга инсонларнинг соғлигини муҳофаза қилишга эришиш, бундай маҳсулотлар экспортдан юқори даромад олиш мумкин.

**Х.ЭРГАШЕВА,**  
ЎзДЖТУ табиий фанлар кафедраси  
катта ўқитувчиси.

## КЎКАТЛАР МИЯ ҚАРИШИНИ СЕКИНЛАШТИРАДИ

АҚШда инсоннинг кундалик таомномасидан ўрин олган кўкатларнинг ижобий таъсирини ўрганиш бўйича кенг миқёсда тадқиқот ўтказилди. 960 нафар кексага ҳар кунги овқатланишлари бўйича сўровномани тўлдириб бориш вазифаси топширилди ва улар йилига бир марта тиббий текширувдан ўтказилиб турилди.

Чикагонинг Раша университети мутахассисларининг таъкидлашларича, фикр юритиш қобилияти ёш ўтган сайин табиий равишда пасайиб боради, аммо кунига бир боғ кўкат ейиш инсондаги хотира ва тафаккур қилиш кўникмасини мустаҳкамлашга ёрдам берар экан.

Тадқиқот натижалари Америка неврология академиясининг илмий журналида чоп этилди.

– Ҳар кунлик таомномангизга кўкатларни қўшиш

билан сиз ўз миангиз саломатлигига ёрдам берган бўласиз, — дейди тадқиқот муаллифи Марта Клер Моррис.

Тадқиқот натижалари кўкат еган кексаларда тест синовлари вақтида хотира ва фикр юритиш қобилиятлари камроқ пасайган ёки умуман кўкат истеъмол қилмаганларга қараганда секинроқ пасайиб борганлигини кўрсатди. “Кўкатхўрлар” кўкат ёқтирмаслардан ақлий салоҳиятни йўқотмаслик бўйича 11 йил олдинда эканликлари маълум бўлди.

Тадқиқотда ўртача 81 ёш атрофидаги 960 нафар қатнашчи иштирок этди. Уларнинг хотира ва ақлий фикр юритишлари беш йил мобайнида ҳар йили синовдан ўтказилиб, баҳолаб борилди. Бундан ташқари, қатнашчилар ҳар куни қандай кўкат турини истеъмол қилганликларини ёзиб борганлар.



## ЧИРОЙЛИ ВА МАЗАЛИ ГУЛЛАР

Нидерландиядаги катта бўлмаган кўчатхона хўжайини Адриен Шефферс ўз бизнесини истеъмол қилса бўладиган гуллар парваришига қаратишга қарор қилди. Унинг айтишича, бугун кўпгина ошхоналар ўз таомларини еса бўладиган гуллар билан безашга ҳаракат қилаётганликлари учун бу жуда сердаромад иш.

– Гулларимизга талаб кундан-кунга ошмоқда, — дейди Адриен. — Аввалига бир қизиқиш — хобби сифатида иш бошлаган эдик, аммо кейинчалик бу ишимиз кўлами кенгайиб, чинакам бизнесга айланди. Биз Нидерландияда истеъмол қилса бўладиган гуллар етиштирадиган ягона фермамиз.

Адриеннинг фикрича, бу каби гулларни етиштириш оддий гулларга қараганда анча мушкул.

– Биринчидан, биз, — дейди ёш фермер, — зарарли кимёвий моддаларни ишлага олмаймиз. Иккинчидан, улар безаш мақсадида ўстирилар экан, ўз шакллариини сақлаб қолиши жуда муҳим. Бу учун жуда нозик кўллар керак.

Еса бўладиган гуллардан бинафшани йил бўйи харидорларга етказиш мумкин. Сунбул, гулхайри, ёронгул, бўтакўзлар тувакда етиштирилади. Бу гуллар музхонада ўз чиройи ва шаклини бир ойгача сақлаб тура олар экан.

Бугун нафақат таомлар, балки ширинликларни ҳам бу гуллар билан безаш, уларга қўшиш урф бўлмоқда. Бу еса тановул қилса бўладиган гуллар етиштириш бизнесининг келажаги анча ёрқин эканлигидан далолат беради.



## БИОПЛАСТИКА ТАБИАТНИ АСРАШГА ЁРДАМ БЕРАДИ



Швейцариялик олимлар синтетик пластика ўрнини босувчи сув ўтларидан тайёрланган биопластика ўйлаб топишди. Тадқиқотчилар Эрик Кларенберк ва Маарте Дросларнинг

фикрича, бу хомашёдан исталган буюмни: кичик идишдан тортиб, катта тоғораларгача яшаш мумкин.

Бу учун, аввало, сув ўтлари махсус жойларда етиштирилади, сўнг қурилади, қайта ишлаб чиқилиб, ундан 3D технологияси ёрдамида турли буюмлар ясалади. Мутахассислар уларнинг бу ихтиролари қазилма ёнилғилари ҳисобига ишлаб чиқариладиган синтетик пластика ўрнини эгаллаши мумкинлигини айтишмоқда. Энг асосийси, бу маҳсулотлар табиий хомашёлардан тайёрланади.

## ЎЗБЕКИСТОН ҚИШЛОҚ ХОҲАЛИГИ

(«Сельское хозяйство  
Узбекистана»)  
Аграр-иқтисодий,  
илмий-оммабоп журнал

### МУАССИСЛАР:

Ўзбекистон Республикаси  
Қишлоқ хўжалиги ва Сув  
хўжалиги вазирликлари

### ҲАМКОРЛАРИМИЗ:

Ўзбекистон Республикаси  
Фанлар академияси Қишлоқ  
хўжалиги ва озиқ-овқат  
таъминоти илмий-ишлаб  
чиқариш маркази

*Бош муҳаррир:*

**Тоҳир ДОЛИЕВ**

*Таҳрир ҳайъати:*

Зойир МИРЗАЕВ  
Баҳодир ЮСУПОВ  
Шавкат ХАМРАЕВ  
Аброр ВАХАБОВ  
Шухрат ТЕШАЕВ  
Баҳром НОРҚОБИЛОВ  
Низомиддин БАКИРОВ  
Тўлқин ЭШНАЗАРОВ  
Абдушукур АБДУЛЛАЕВ  
Сурат ҲАЙДАРОВ  
Ботиржон СУЛАЙМОНОВ  
Ўқтам УМУРЗОҚОВ  
Равшанбек СИДДИҚОВ  
Мирзиёд МИРСАИДОВ  
Бахтиёр КАРИМОВ  
Ибрагим ЭРГАШЕВ  
Қамар СЕРКАЕВ  
Мурод АШУРОВ

**2018 йил,  
№5. Май**

Журнал 1922 йил  
октябрдан чиқа бошлаган.

**ОБУНА ИНДЕКСИ:**  
*якка обуначилар учун – 894*  
*ташкilotлар учун – 895*

## МУНДАРИЖА

Қишлоқ ва сув хўжалиги давлат бошқаруви тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида .....	1
<b>Т.МУҲАММАД.</b> Маъмурий ислохотлар – тараққиёт омили .....	4
<b>Т.ДОЛИЕВ.</b> Инсон қадрли улуг, хотираси муқаддас .....	5
Май ойида ғўза парваришида нималарга эътибор бериш керак? .....	7
<b>Ш.НУРМАТОВ.</b> Фосфорли ўғитлар .....	9
<b>Р.СИДДИҚОВ, Н.ЮСУПОВ.</b> Фаллачиликда энг долзарб палла .....	10
<b>Р.АБДУЛЛАЕВ, Ж.АГЗАМХОДЖАЕВ, Х.АБДУЛЛАЕВА,</b> <b>М.ИСРОИЛОВ.</b> Боғларда иш қизғин .....	11
<b>Р.ХАКИМОВ, М.ХОЛДОРОВ, Ф.РАСУЛОВ.</b> Сабзавотчиликдаги долзарб тадбирлар .....	12
<b>М.ТОШБОЛТАЕВ.</b> Фалла комбайнларининг техник ҳолатини баҳолаш .....	13
<b>О.ТўРАЕВ.</b> Етти хазинанинг бири .....	15
<b>Ш.ЖАББАРОВА.</b> Меҳнатдан келган шухрат .....	16
Суви борнинг кўнгли тўқ .....	17
<b>Э.КАРИМЖОНОВ.</b> Мукофот – масъулият демак .....	18
Дехқон фарзанди Дехқонали .....	19
<b>К.ХАЙИТБОЕВ.</b> “Шиддат”нинг шиддати баланд .....	20
Бахти кулган фермер .....	21
<b>К.ЭРГАШЕВ.</b> Пиллачилик истиқболи .....	22
Чорвачилик – баракали тармоқ .....	23
<b>Р.ҚОЗОҚОВ.</b> Юксак натижаларни кўзлаб .....	23
Ўзимизнинг Соҳиба опа .....	24
<b>Х.КАРИМОВ.</b> Чимкўрғонда чақнаган юлдуз .....	25
Шижоатдан яралган аҳд .....	26
Кўчат – энг яхши совға .....	27
<b>Ф.МИРЗО.</b> Ҳаракатдан келаётган барака .....	27
<b>Қ.МИРЗАЖОНОВ.</b> Илм-фанга эътибор – келажакка эътибор .....	29
<b>М.ФАЙЗУЛЛАЕВ.</b> Илму амал остонаси .....	30
Намунали ўқув даргоҳи .....	31
<b>Х.ЭГАМОВ, И.КИМСАНОВ, С.РАСУЛОВ, Н.МИРХАМИДОВА,</b> <b>У.АБДУМАЛИКОВ.</b> Ғўзанинг янги тизимлари фойдали хўжалик белгиларини аниқлаш .....	32
<b>П.ИБРАГИМОВ, С.ЭРГАШЕВА.</b> Мутантлараро дурагайларида вегетация даври босқичларининг ўзгарувчанлиги .....	33
<b>Д.ТУРАЕВА, Ш.ИБРАГИМОВ.</b> Резултати отдалённой гибридизации по урожайности и индексу волокна .....	34
<b>Б.ҚАЛАНДАРОВ, М.ХАЙИТОВ, М.РАХМОНОВ.</b> Шоли нав-намуналарининг қимматли хўжалик белгилари .....	35
<b>Р.НАЗАРОВ.</b> Гречиха ценная пищевая культура .....	36
<b>А.ХАМЗАЕВ.</b> Барвақт етиштирилган ҳосил – деҳқон даромади .....	37
<b>А.АХМЕДОВ, А.ЮСУПОВ, Ф.АБДУГАНИЕВА.</b> Экспресс способ оценки устойчивости плодов яблок .....	38
<b>Ў.ИСЛОМОВ, Ж.БОЙҚУЛОВ.</b> Ер тузиш ишларида ва қурилишда замонавий геодезик асбоблардан фойдаланиш .....	39
<b>А.АБДУВОСИҚОВ, Ф.АМАНТУРДИЕВ, Х.ХОЛИҚОВ,</b> <b>И.АБДУВОСИҚОВ.</b> Импорт қилинган швиц зотли сигирлар сут маҳсулдорлигининг таҳлили .....	39
<b>Қ.ЖУМАҚУЛОВ, Н.РАЖАБОВ, М.БОЛТАЕВ.</b> Ипак қуртини боқиш жараёнига қишлоқ хўжалик экинларида амалга ошириладиган агротехник тадбирларнинг таъсири .....	41
<b>М.ЮНСОВ, Ф.ХАБИБУЛЛАЕВ, М.НИЗОМИТДИНОВА.</b> Фарғона водийсида асалари оиласи биологияси ва унинг қишлоқ хўжалигидаги аҳамияти .....	42
<b>Д.АЛИЖАНОВ, Н.АШУРОВ, Р.БОТИРОВ.</b> Қишлоқ хўжалик экинлари меваларининг қобиғини ажратишда босимли қурилмани қўллаш .....	43
<b>Қ.АДИЛОВ.</b> Қишлоқ хўжалигида инновацион технологияларни ривожлантириш истиқболлари... ..	44
<b>Х.ЭРГАШЕВА.</b> Экологик тоза маҳсулотлар етиштириш салмоғи ортади...ми?... ..	46
Турфа олам... ..	47

Журнал Ўзбекистон Матбуот  
ва ахборот агентлигида 2007 йил  
11 январда 0158-рақам билан  
рўйхатга олинган.

**Манзилимиз:** 100004, Тошкент  
Шайхонтохур тумани,  
А. Навоий кўчаси, 44-уй.  
Тел: +998 71 242 13 54,  
+998 71 242 13 24.

[www.qxjurnal.uz](http://www.qxjurnal.uz)

E-mail: [qxjurnal@agro.uz](mailto:qxjurnal@agro.uz),  
[uzqx\\_jurnal@mail.ru](mailto:uzqx_jurnal@mail.ru)

© «O‘zbekiston qishloq xo‘jaligi»

Босмахонага топширилди: 2018 йил  
30 апрель. Босишга рухсат этилди:  
2018 йил 1 май. Қоғоз бичими  
60x84 1/8. Офсет усулида офсет  
қоғозига чоп этилди. Шартли босма  
табоғи 4,2. Нашр ҳисоб табағи 5,0.  
Буюртма №141 Нухаси 4250 дона.

«PRINT LINE GROUP» ХК  
босмахонасида чоп этилди.  
Корхона манзили: Тошкент шаҳри,  
Бунёдкор шоҳ кўчаси, 44-уй.

Навбатчи муҳаррир: **Б.ЭСОНОВ**  
Дизайнер: **Н.БОЛТАЕВА**